

ISBN: 978-93-86454-54-2

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ
ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ



Х.А.ДЖУРАКУЛОВ



Published by
Novateur Publication
466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030

Х.А.ДЖУРАКУЛОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ
ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИК
ИМКОНИЯТЛАРИ**

INDIA - 2022

УЎК 113(575.1)

КБК 87

Дж 46

Джуракулов Х.А. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари ва стратегик имкониятлари / Х.Джуракулов. –INDIA, 2022. – 140 б.

УЎК 1:502.7:34(575.1)

Маъсул муҳаррир

Ж.Я.Яхшиликков,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Б.О.Тураев

фалсафа фанлари доктори, профессор.

Ж.А.Очилов

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

А.Н.Махмудова

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Монографияда экотуризм тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши тарихи, таснифлари ва шаклланиш хусусиятлари юзасидан илмий-назарий концепциялар, шунингдек, Ўзбекистонда замонавий экотуризмни ривожлантиришнинг амалий масалаларига доир фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЭКОТУРИЗМ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ	6
1.1§ Экотуризм тушунчаси, генезиси ва ижтимоий-фалсафий асослари.....	7
1.2§ Замонавий экотуризмни ўрганишнинг объектив зарурати ва субъектив имкониятлари	20
1.3§ Экотуризм тизимида шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш мотивлари.....	34
1.4§ Замонавий экотуризмни ривожлантириш тамойиллари.....	47
1.5§ Замонавий экотуризмни ривожлантириш ва шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш тенденцияларини баҳолаш мезонлари...	57
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ	86
2.1§ Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш ва шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг ҳуқуқий истиқболлари	87
2.2§ Замонавий экотуризмни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг конструктив асослари	99
2.3§ Замонавий экотуризмнинг устувор вазифалари ва стратегик йўналишлари.....	111
ХУЛОСА	128
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	130

КИРИШ

Жаҳонда юз бераётган глобал экологик ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, табиий барқарорликни таъминлаш кўп жихатдан антропоген фаолиятнинг характерига ҳамда унинг экологик талабларга қай даражада мослигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, табиатга нисбатан антропоген таъсирнинг ошиб бориши натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ҳаво ҳароратининг динамик ўзгариши, тупроқ деградацияси, ўрмонларнинг қисқариши каби ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Табиатга зарар келтирмайдиган экотуризмни ривожлантириш эса бу ҳолатларни олдини олиш ва уларни рационал тарзда бартараф этишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб саналмоқда.

Жаҳон илм-фанида тадқиқотчилар томонидан экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган илмий-назарий ва амалий-фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, экотуризмнинг моҳияти ва ривожланиш тенденциялари, экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, экотуристлик ресурслардан фойдаланиш, экотуризмнинг ички имкониятлари ва барқарор ривожланиши, экотуризмнинг инсон руҳиятига ижобий таъсири, экотуризмни бошқаришнинг методологик асосларига оид олиб борилаётган тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, инсоннинг ўзини ўраб турган табиий атроф-муҳит билан боғлиқ юриш-туриши экологик ҳуқуқий нормалар доирасида амалга ошишини назарда тутсак, экотуризм ривожидида шахс экологик ҳуқуқий онгининг намоён бўлиш хусусиятлари, концептуал асосларини ижтимоий-фалсафий жихатдан тадқиқ этиш бугунги кунда илмий жамоатчилик олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда барқарор экологик вазиятни яратиш билан боғлиқ вазифалар ечимини топиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат

маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”¹. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир шахс онгига ўзини табиатга тўлиқ боғлиқ эканлигини сингдиришда, умуман табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда экотуризмнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожига таъсир кўрсатувчи шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш механизмлари, тамойиллари, усул ва воситаларини илмий тадқиқ қилиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Ушбу монография шу каби масалалар ечими билан боғлиқ бир қатор илмий тадқиқотлар таҳлили натижасида вужудга келган бўлиб, экотуризм тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда экотуризмнинг ички имкониятлари ва илмий-назарий асосларини такомиллаштириб бориш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. –Б. 392.

I-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЭКОТУРИЗМ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОХИЯТИ

Бугунги кунда туризмнинг алоҳида йўналишларидан бири бўлган экотуризм соҳаси кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозирда экотуризм тушунчаси, унинг шаклланиш тарихи ва уни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, экотуризм тушунчаси билан боғлиқ илмий-назарий изланишларни бугун асосан иқтисод, экология, педагогика, география фанлари доирасида фаолият кўрсатаётган олимлар томонидан олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин.

Экотуризмнинг шаклланиши ва ривожланишида ушбу тушунча билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни, илмий-назарий қарашларни, амалий-концептуал асосларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш у ҳақда етарли даражада комплекс-системали илмий тасаввурлар бера олади. Шу маънода ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини фалсафий асослаш, айти пайтда, инсоният тараққиётининг бугунги кундаги экологик барқарорликни таъминлашдаги родини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Зеро, XX аср охири ва XXI аср бошларида юзага келган экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи бутун дунё мамлакатлари олимлари олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланди. Хусусан, табиат ресурсларидан жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол қилиш ҳажмининг кенгайиши ушбу йўналишга алоқадор масалаларни тадқиқ этишнинг долзарблигини янада оширди.

Ушбу бобда экотуризм тушунчаси, генезиси ва ижтимоий-фалсафий асослари, замонавий экотуризмни ўрганишнинг объектив зарурати ва субъектив имкониятлари ҳамда экотуризм тизимида шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш мотивлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

1.1§ Экотуризм тушунчаси, генезиси ва ижтимоий-фалсафий асослари.

Экологик туризм (экотуризм) феноменини тадқиқ қилишда энг аввало, мазкур ҳодиса билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, генезиси ва ижтимоий-фалсафий асосларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳақиқат, «экология», «туризм» каби категорияларнинг моҳиятини англаш орқали экотуризм тушунчасининг тўлиқ мазмунини аниқлаш имконини беради. Маълумки, экология (юнонча *oikos*–уй, турар жой ва *logos* – таълимот) термини илк бор немис олими Э.Геккел томонидан «Организмларнинг умумий морфологияси» номли китобида 1866 йил қўлланган бўлиб, у ушбу тушунчани организмларнинг атроф муҳит билан муносабатларини белгилаш учун таклиф этади.

Экологик муаммолар билан боғлиқ илмий-назарий ғоялар экология масалалари билан шуғулланувчи барча ижтимоий ва табиий фанлар вакиллари, олимлари томонидан шакллантирилади ҳамда илмий асосланган бир бутун концепциялар ва ғоялар кўринишида намоён бўлади. Зеро, «Экология инсонни табиат билан боғлаб турадиган ижтимоий ҳолатдир»². Бугунги кунда экология борсидаги илмий-назарий тадқиқотларда «экологик фаолият», «экологик хавфсизлик», «экологик онг ва маданият» тушунчалари тез-тез учраб туради. Хусусан, экологик фаолиятнинг асосий вазифаси – ер юзидаги географик унсурларнинг тадрижий ривожини, ўз қонуниятларидан келиб чиқиб, экология фани белгилаб берган йўналиш ва тизимда сақлаб туришликдир³-деб таърифланса, баъзи манбаларда «Экологик хавфсизлик – одамлар яшайдиган ҳудуддаги табиий ресурсларнинг тугатилиши, ифлослантирилиши, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган таҳдидлар (экологик диверсиялар) ва инсон томонидан тасодифан юзага келтирилаётган хавф-хатарлардан (техноген ҳалокатлардан) ҳимояланганлик ҳолатидир»⁴, деган умумий фикрлар ҳам келтирилади.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. –Б. 164.

³ Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият. – Т.: 1997. – 7 б.

⁴ Ҳамдамова А. Экологик хавфсизлик моҳияти // Тафаккур, 2010. 3 сон. – 115 б.

Туризм сўзи француз тилидаги «*tour*» сўзидан олинган бўлиб, сайр ва саёҳат маъноларини англатади. Тор доирадаги «*tourizm*» – саёҳат қилиш, дам олиш деган маънони англатиб, кишиларнинг туристик объектларга саёҳатлари⁵ маъносида қўлланилади. Баъзан туризмни кенг маънода шахсларнинг доимий яшаш жойларидан муайян муддатга дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) каби вазифалар кўзланган ҳолда унга боғлиқ бўлган объектларига қиладиган саёҳатлари⁶ мазмунида ишлатилишини ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедиясида туризмга қуйидагича, яъни: «Туризм деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)»⁷ сифатида таъриф берилади. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сонли «Туризм тўғрисида»ги Қонунида: «Туризм - жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлақатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)»⁸ маъносида келтирилган. Экотуризм эса бевосита экология ва туризм тушунчаларининг ўзаро бирлашуви натижасида шаклланганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керакки, экотуризм тушунчасига оид илмий қарашлар, адабиётлар етарли даражада бўлишига қарамай, ушбу тушунчага нисбатан илмий ёндашув муайян ноаниқликларни келтириб чиқарганлигини, шунингдек, турли хил фикрлар мавжудлиги ва баъзан эса уларнинг бир-бирини инкор этиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, тадқиқот доирасида экотуризм тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши

⁵ Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностран.и нац. слов», 1958.- 404с.

⁶ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.-Т.: «Чинор»,2006.-С.18.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 639.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).

бўйича илгари сурилган ёндашувларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш умумийлик ва ўзига хосликларни аниқлаш орқали экотуризмни ривожлантириш юзасидан яхлит таъриф ва тушунчаларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳар қандай тушунчанинг мазмун-моҳиятини ва функционал аҳамиятини аниқлаш, энг аввало уларнинг илмий-назарий асосларига боғлиқ. Шу жумладан, экотуризм тушунчасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, турлари ва таснифини фалсафий асослаш, айти пайтда, инсоният тараққиётининг бугунги кундаги экологик барқарорлигини таъминлашдаги ролини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, экотуризмнинг шаклланиши ва ривожланишида ушбу тушунча билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни, илмий-назарий қарашларни, унинг амалий-концептуал асосларини ўрганиш атама ҳақидаги комплекс-системали илмий тасаввурларни беради. XX аср охири ва XXI аср бошларида юзага келган экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи бутун дунё мамлакатлари олдига турган долзарб вазифалардан бирига айланди. Зеро, жамият билан табиатнинг ўзаро бир-бирига таъсири кишиларни кўпдан бери ўйлантриб келаётган муаммолардан биридир. Инсон бу муаммони барқарорлаштиришда жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида ўз кучи, имкониятлари ва билимлари доирасида уни бажаришга ҳаракат қилади. Бу муаммо ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шароитида янада кўламлироқ аҳамият касб этмоқда. Фан-техника тараққий этиши «табиат-шаҳс-жамият» тизими ўртасидаги муносабатларнинг мувозанатини бузилишига ҳам олиб келмоқда.

Шу билан биргаликда, тарихий тараққиёти давомида жуда кўп қийинчиликларга дуч келган инсоният бугун ўзининг кашфиётлари, яъни ақлий салоҳияти натижасида вужудга келган мураккаб тарихий даврни ҳам бошдан кечирмоқдаки, бу экологик вазият табиат ва жамият уйғунлигини табиий йўл билан таъминлаш имкониятининг йўқлиги билан тавсифланади. Табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш аввало, инсон фаолияти, яъни характери, хатти-ҳаракати ва унинг экологик талабларга қай даражада муносабатда бўлишига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда табиат ресурсларига нисбатан антропоген омилларнинг таъсири хаддан зиёд ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида,

биосферанинг барқарорлигига нисбатан хавфнинг янада ортишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан табиий муҳитни асрашнинг оптимал вариантларидан бири энг аввало мамлакатнинг экотуризм салоҳиятини янада ошириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Тадқиқот доирасида экотуризм тушунчаси билан боғлиқ илмий-назарий изланишларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада биз асосан иқтисод, экология, педагогика, география соҳаси вакиллари томонидан олиб борилган илмий ишларда турли мушоҳадага эга бўлган фикр ва қарашларни кенгрок ракурсда кузатишимиз мумкин.

Демак, экологик туризмнинг келиб чиқиш тарихини аниқламай туриб унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш мушкулдир. Шу нуқтаи назардан ҳам «Экотуризм» тушунчаси ўзи қачон пайдо бўлди? Ушбу тушунча асосан нимага нисбатан қўлланила бошланди? каби саволлар туғилиши табиий, албатта. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, экотуризм XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб жаҳон туризмнинг мустақил бир тури сифатида туризм индустриясига кириб кела бошлаганлигини кўришимиз мумкин.

Ф.Т.Эгамбердиев ва Ҳ.Ё.Ёқубжоновалар ўзларининг илмий мақолаларидан бирида: «Туризмнинг экологик йўналиши даставвал, дунё миқёсида амалий ишлардан бошланган. Экотуризм айни кунда намунали тарзда ривожланиб келаётган Скандинавия мамлакатларида 1972 йилдан бошлаб фуқароларга китларни томоша қилиш ва ўрганишни ташкил қилиш орқали йиғилган маблағни уларнинг муҳофазаси учун сарфлашган. Кейинчалик мамлакатда экотуристик маршрутлар ишлаб чиқилиб, улар Европанинг бошқа мамлакатларига, Осиё, Шимолий Америка давлатларига ёйилган»⁹лигини маълумот сифатида келтириб ўтадилар. Дарҳақиқат, ушбу соҳа XX асрнинг 70-йилларида туризмнинг мустақил йўналиши сифатида ажралиб, ривожланган бўлса-да, «экотуризм» атамаси биринчи марта 1983 йилда мексикалик эколог-иқтисодчи Гектор Цебаллос-Ласкурейн томонидан расман қўлланилади. У бу терминни табиатнинг

⁹ Эгамбердиев Ф.Т. Ёқубжонова Ҳ.Ё. Экотуризмнинг иқтисодий моҳияти ва уни такомиллаштириш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. –Тошкент, 2018. -№ 3. –Б. 3.

нисбатан тегмаган жойларига танишиш ва ўрганиш учун ёввойи флора ва фауна намуналари, шунингдек, ушбу худудларда жойлашган маданий диққатга сазовор жойларга саёхат қилиш маъносида ишлатади¹⁰. Шундан кейин экологик туризмнинг бир қанча таърифлари пайдо бўлди. Хусусан, Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг таърифига кўра: «Экотуризм - табиат туризмнинг барча шаклларини ўз ичига олади, бунда туристларнинг асосий интилишлари табиатни кузатиш ва у билан мулоқотда бўлиш ҳисобланади».

Дунё мамлакатларида XX асрнинг 70-90-йилларида ривожланган туристик худудларда экотуризмнинг табиий-атроф муҳитга ва ижтимоий-маданий оламга салбий таъсири ошиб борди ва бу бўйича дастлабки илмий изланишлар пайдо бўла бошлади. Хусусан, «экотуризм» атамасининг ихчам ва кенг қамровли талқини хорижий манбаларда ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида «Бутунжаҳон туристик ташкилоти», «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи», «Америка экотуризм жамияти», «Канаданинг атроф-муҳит бўйича маслаҳат кенгаши» томонидан тақдим этила бошланди.

2002 йилнинг 19-22 май кунлари Канаданинг Квебек шаҳрида 132 давлатдан 1169 делегант иштирокидаги Бутунжаҳон экотуризм саммитининг 58-сессияси бўлиб ўтади. Ушбу сессияда экотуризмни ривожлантиришга қаратилган Квебек декларацияси қабул қилиниб, унда экотуризмнинг тўғри талқин қилинишига эришилади. Зеро, экотуризм атамаси деярли 20 йил давомида ишлатилса-да, ўтган давр оралиғида ушбу тушунчага нисбатан аниқ таърифнинг берилмаганлиги баҳс-мунозарага сабаб бўлади.

Бугунги кунда жаҳон илм-фанида турли тадқиқотчилар томонидан экотуризм билан боғлиқ бўлган илмий-назарий ва амалий-фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, экотуризмнинг табиатга таъсири, экотуризмнинг барқарор ривожланиши, экотуризм имкониятлари каби масалаларда олиб борилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар амалга оширилиш методологиялари билан бир-бирига анча яқин, ўхшаш бўлса-да,

¹⁰ Ceballos Lascurain H. The Future of Ecotourism // Mexico journal.1984. –P. 13-14.

аммо уларнинг мақсад ва ўрганиш соҳаси турлича эканлигини эътироф этиш мумкин.

Хусусан, экотуризм имкониятларининг кенгайиши, экотуризмнинг барқарор ривожланиши, экотуризмнинг ўрни масалалари бўйича Mayra Sanchez Morgan¹¹, Harshavardhan Reddy Kummitha, Tuğba Kiper¹², I.P.Menbere, K.Miller, Seballos Lascrain Н. каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий изланишларни мисол сифатида келтириш мумкин.

МДХ мамлакатларида экотуризмнинг ривожланиши билан боғлиқ тадқиқотлари билан В.Зорин, В.А.Кварталнов, В.В.Храбовченко каби олимлар алоҳида ажралиб турадилар. Шунингдек, россиялик олимлар М.Б.Биржаков, В.И.Никифоровлар экотуризмнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганар экан, туризмда сайёҳлар учун энг муҳими қулай ва тизимли транспорт воситалари эканлигини эътироф этадилар¹³. В.Ф.Буйленко экотуризмга психологик-педагогик нуқтаи назардан ёндашиб, экотуризмнинг инсон руҳиятига ижобий таъсири масаласида фикрлар билдирса¹⁴, О.Ю.Дмитрук экологик туризмга иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олиб, экотуризмда бошқариш ва маркетингнинг замонавий тушунчаларини кенгрок тушунтиришга ҳаракат қилади¹⁵.

А.О.Пивоваров, В.П.Шевчук, Е.Н.Ливченколар экотуризм бу атроф-муҳит муҳофазасига маблағни жалб қилишнинг самарали воситаси эканлигини исботлашга ҳаракат қилган бўлсалар¹⁶, В.П.Кекушев, В.П.Сергеев, В.Б.Степаницкийлар экологик

¹¹ Mayra Sanchez Morgan, Doctor of Philosophy dissertation on «Ecotourism and Women's Empowerment: A Case Study in Quintana Roo Mexico» Michigan Technological University, 2019. <https://doi.org/10.37099/mtu.dc.etrdr/971>

¹² Tuğba Kiper, «Role of Ecotourism in Sustainable Development» Namik Kemal University, -Turkey, 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/55749>

¹³ Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки (туристов) Издательский дом Герда, 2007 – 528 с.

¹⁴ Буйленко В.Ф. Туризм Ростов на Дону: Феникс, 2008.-41с.

¹⁵ Дмитрук О.Ю. Экологик туризм: Современные концепции менеджмента и маркетинга, Учебное пособие. -2-е издeлия., М.; «Альтерпресс», 2004.-192 с.

¹⁶ Пивоваров А.О., Шевчук В.П., Ливченко Е.Н. Вклад экотуризма в охрану природы // Успехи современного естествознания. – 2014. – № 12- –С.78-82;

туризмни бошқаришнинг социологик-психологик, менежерлик сингари ўзига хос тамойилларини асослашга ҳаракат қилдилар¹⁷.

Экотуризмнинг асл фалсафий талқинини Д.Эванс-Притчард ва С.Салазарлар ўзларининг «Экотуризм нима?» (What is Ecotourism? (1992) асарида қуйидаги жиҳатларига урғу берганлар. Уларнинг фикрича, «экотуризмнинг асосий вазифаси одамлар ва табиат ўртасида адолат ўрнатиш»¹⁸дан иборат.

Иқтисодчи олимларимиздан бири, профессор М.Қ.Пардаев: «Экотуризм деганда, нафақат маънавий-маърифий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз»¹⁹- деган таърифни келтириб ўтади. Бу ўринда олим экотуризмнинг маънавий-маърифий мақсадларида экотуристларнинг табиат билан боғлиқ экзотик табиий ҳудудларга, унинг ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ҳудудларнинг тарихий ёдгорликлари, археологик топилмалари, геологияси ва палеонтологик қолдиқларига саёҳатлари мажмуи сифатида киритганлигини кўриш мумкин. Олим ўз фикрини давом эттирар экан, «Экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига табиий ҳудудларнинг экологик муаммоларини ҳал қилиш, табиатни асраб авайлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва уларни кўпайтириш мақсадида доимий муҳофаза этиладиган янги ҳудудлар, барча шароитларга эга бўлган миллий табиий боғлар барпо этиш, маҳаллий халқни янги иш жойлари билан таъминлаш натижасида уларнинг турмуш шароитини яхшилашдан, маҳаллий ва чет эл инвесторларини жалб этиш орқали давлат валюта хазинасини бойитиш»²⁰ кабиларни киритиб ўтади.

¹⁷ Кекушев В.П., Сергеев В.П., Степаницкий В.Б. Основы менеджмента экологического туризма, М.; Издательство МНЭПУ, 2001 - 60 с.

¹⁸Evans-Pritchard, D. and Salazar, S. (1992), «What is Ecotourism?» Eco-Institute of Costa Rica and ULACIT

¹⁹ПардаевМ.Қ. Экологтуризмасослари. Ҳаммуаллифлар: Р.А.Исломова, А.Қ.Ғаппаров, Ж.Н.Абиев –Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2015. – 76 б.

²⁰ Пардаев М.Қ. Эколог туризм асослари. Ҳаммуаллифлар: Р.А.Исломова, А.Қ.Ғаппаров, Ж.Н.Абиев –Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2015. – 76-77 б.

Ўзбек тадқиқотчиси О.Ҳ.Ҳамидов ўзининг илмий мақолаларидан бирида, «Экологик туризм табиат билан кишиларнинг узвий боғлиқлиги ва бевосита мулоқотини ривожлантиришга ва табиатда ҳузур-ҳаловат, мадад, қувват, билим, ташкил этувчиларга эса катта даромад олишга, умуман экологик иқтисодий барқарорлик ва мувозанатни сақлаган ҳолда фаол дам олишга асосланади»²¹, деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у ўзининг докторлик диссертациясида: «Экотуризм сайёҳлик фаолияти таркибида ҳамда соҳалари таснифида дестинация (дам олиш жойи, ҳудуд) мезонига асосланган, табиатга саёҳат қилишга ихтисослашган ва табиатга энг кам салбий таъсир кўрсатадиган инновацион ва сердаромад йўналиш»²² сифатида таърифлаганлигини кўришимиз мумкин.

Экотуризмни ривожлантириш масалалари билан бевосита илмий изланишлар олиб борган яна бир тадқиқотчи Ҳ.Ё.Ёқубжонова ўзининг «Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида: «...атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларида туристнинг иштирок этиш шакли ёки унинг ташкил этилиши ва ўтказилиши экологик бошқарувга мос келса, туристик фаолиятнинг мутлақо ҳар қандай тури, таркибан экотуристлик бўлиши мумкин, лекин саёҳатни экологик бошқарув ҳолатида ташкил этишни барча саёҳатчи ҳам қабул қилиши қийин кечади. Шу сабабли экотуризм табиатга масъулиятли ҳолда уни муҳофаза этишга қаратилган саёҳат туридир»²³-деб, таъкидлаганини кўришимиз мумкин. Бизнинг назаримизда, ушбу таъриф анча тор доирада олинган бўлиб, экотуризм тушунчаси табиатга масъулият билан ёндашган ҳолда уни муҳофаза этиш билан биргаликда, юқорида тадқиқотчи О.Ҳ.Ҳамидов таъкидлаганидек, табиат ва

²¹ Ҳамидов О.Ҳ. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. –Тошкент, 2015. -№ 2. –Б. 1.

²² Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш: Иқт. фан. док. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2017. –13 б.

²³ Ёқубжонова Ҳ.Ё. Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Иқт. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. –Наманган: НМТИ, 2021. –13 б.

инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаган ҳолда фаол дам олишга асосланадиган туризмнинг мустақил янги бир шакли эканлигини ҳам унутмаган ҳолда қарашимиз керак.

Экологик туризм масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган яна бир тадқиқотчи А.К.Альмовнинг фикрича, «Экологик туризм – итимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланишни, табиий ва маданий меросни сақлашни, муҳофаза қилишни таъминловчи туристик фаолият, биохилма-хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги синергетик муносабатларга асосланган, табиатга саёҳат қилишни кўзда тутувчи, туризмнинг сердаромад инновацион йўналишидир»²⁴.

Тадқиқотчилар В.Зорин ва В.А.Кварталновларнинг фикрича, «экологик туризм - бу экскурсиянинг барча таркибий қисмларига; экологик технологияларни жорий этиш асосида инсоннинг яшаш муҳити сифатида озми-кўпми «ёввойи» табиатдан бевосита фойдаланишга йўналтирилган туризмдир»²⁵. Демак, бу таърифда экотуризм ёввойи табиат қўйнига шахсий саёҳатларни назарда тутди. Аммо, ушбу таъриф тегишли равишда янада кенгайтирилса, экотурлар (илмий экспедициялар, ёзги экологик оромгоҳлар ва ҳ.к.)нинг кўламини кенгайтиради. Ушбу таърифда экотуризмнинг нисбатан кенгроқ талқинини кўриш мумкин.

Умуман олганда, «Экологик туризм ёввойи табиат қўйнида ўтадиган, унга зарар етказмайдиган ва уни муҳофаза қилишга хисса қўшадиган туризмдир»²⁶ -деб унинг умумий маъносини келтириш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, экотуризм тушунчасига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифини беришимиз мумкин: «Экотуризм – бу ҳар бир шахснинг табиий атроф-муҳитга нисбатан онгли равишда муносабатда бўлиши, уни муҳофаза қилиши, ҳудуддаги экотизм ҳолатидан хулоса чиқариши билан биргаликда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ривожлантиришга, яъни маълум бир ҳудуд учун даромад манбаи

²⁴Альмов А.К. Қорақалпоғистон республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари: Иқт. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. –Нукус: ҚҚДУ, 2019. -152 б.

²⁵Зорин И.В. Кварталнов В.А. Туризм энциклопедияси. –М.: 2003. –Б. 167.

²⁶ <http://lesnoytur.ru/teoria/ecodefine.html>

бўлган ва табиат кўйнида дам олиш орқали инсон фаолиятини соғломлаштиришга йўналтирувчи юқори рентабелликка асосланган туризмнинг мустақил бир шаклидир»²⁷.

Шунингдек, «Экотуризм – бу нисбатан бузилмаган табиий ҳудудларда амалга ошириладиган туризм бўлиб, табиий муҳитнинг бузилишига, унинг сифати ёмонлашишига олиб келмайди, балки фойдаланилаётган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва бевосита ҳисса қўшишга, адекватив ва малакали бошқарувга бўйсунтиришга асосланади»²⁸. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда экотуризм феноменининг турли хил талқинларини кузатиш мумкин. Ушбу талқинларни таҳлил қилар эканмиз, рус тадқиқотчилари Л.В.Дорофеева ва А.В.Олейниковалар таъкидлаганидек, экотуризмни табиатга йўналтирилган табиатни асл кўринишида ўрганиш ва турли аҳоли пунктларининг туб аҳолисини ўрганиш мақсадида пайдо бўлган, атроф-муҳитни сақлаш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш учун мўлжалланган туризм шакли сифатида таърифлаш мумкин²⁹. Умуман олганда, экотуризмнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз экотуризмга берилган қайсидир таърифлар қисман, баъзилари бошқасига нисбатан кенгроқ доирада талқин қилинишини кузатиш мумкин.

Ҳозирда экотуризмнинг бир нечта турларининг ривожланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, экотуризмнинг энг ривожланган турларидан бири бу агротуризм бўлиб, ҳар бир шахс табиат кўйнига сайёҳат қилиши билан биргаликда ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш, уларнинг анъанавий қишлоқ меҳнати, қишлоқ халқи маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, амалий санъати, миллий кўшиқ ва рақслари, маҳаллий анъанавий байрамлари ҳақида маълум даражада билимга эга бўладилар ҳамда юқоридаги ҳолатларга амалда иштирок этиш

²⁷ «Экотуризм» тушунчасига муаллиф таърифи.

²⁸ Пименова Е.Л. Экологический туризм: учебно-методическое пособие для студентов бакалавриата направления «Туризм». - Ижевск: Издательство «Удмуртский университет», 2012. - 78 с. (С. 11).

²⁹ Дорофеева Л.В., Олейникова А.В. Перспективы развития экотуризма на территории Российской Федерации. Друкерровский вестник. Санкт-Петербург, - Россия, 2021. -№ 3. –Ст. 120.

имконини ҳам беради.

Бугунги кунда Ғарбий Европа давлатларида ва Америка Қўшма Штатларида «яшил қишлоқ» туризми, яъни агротуризмнинг кенг ривожланганлигини кузатиш мумкин. Бу ерда сайёҳатчилар қишлоқда дам олиш давомида маҳаллий аҳолининг урф-одатларини, маданиятини ўргандилар, шунингдек, турли хил маҳаллий байрамларда иштирок этадилар. Экотуризмнинг бу йўналиши туризм соҳасида экологик тоза технологиялар ва усуллардан кенг фойдаланиши билан анча самаралилиги билан ажралиб туради. Зеро, экотуризм–маҳаллий аҳоли билан яхши муносабатлар ўрнатиш, худуддаги иқтисодий ва ижтимоий-маданий муҳитни яхшилашга, табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Қишлоқ туризми фуқароларга қишлоқ аҳолисининг анъанавий турмуш тарзини кузатиш имконини берувчи нисбатан янги ва истикболли йўналишдир. Туризмнинг бу турини моҳияти қишлоқда дам олишдан иборат бўлиб, бу ерда туристларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жойлаштириш (жумладан, овқатланиш, ҳордиқ чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо)ларни мезбон оила зиммасига олади. Қишлоқ туризми ҳар қандай сабабга кўра туризмнинг бошқа турларини сотиб олишга қурби етмайдиганлар учун дам олиш имкониятини беради. Унинг жозибадор хусусиятлари - тоза ҳаво, уй муҳити, тегмаган табиат, табиий маҳсулотлар, сукунат ва шошқалоқ ҳаёт³⁰-деб айтишимиз мумкин.

Экотуризм кўринишларидан яна бири бу биотуризм бўлиб, унинг асосий мақсади саёҳат давомида турли хил ёввойи табиат объектлари ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Барчамизга маълумки, экотуризм инсонни соғломлаштиришда муҳим ўрин тутаети. Яъни инсон табиат манзараларидан баҳраманд бўлиши билан биргаликда, табиатнинг тоза ҳавосидан тўйиб нафас олади, шифобахш сувларидан ичиб қувват олишга ҳаракат қилади ва табиий атроф-муҳитни кузатиш жараёнида руҳан, ақлан соғломлашади ва тетиклашади. Шу нуқтаи

³⁰ Миронова Г.Л.Хаммуаллифлар жамоаси. Экотуризм ва инсон саломатлиги. Монография. -Россия, Екатеринбург. 2013. –Б. 290.

назардан ҳам, экотуризмнинг бу турини бевосита экологик соғломлаштириш туризми дейиш мумкин.

Бугунги кунда экотуризм соҳасида спорт туризми, табиий атроф-муҳитни ифлослантирувчи техник воситалардан холи бўлган велосепед, от, туя, филга миниш, пиёда саёҳат қилиш каби шакллари ҳам учратишимиз мумкин. Булар табиий атроф-муҳитга деярли зарар келтирмайди, аксинча фойдалидир. Шунингдек, экотуризмнинг сув орқали саёҳат қилиш йўналиши ҳам кенг ривожланган. Айниқса, денгиз экотуризми дунёда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, экотуризмнинг бир қанча таснифини келтириш мумкин. Хусусан, тадқиқотчи В.В.Храбовченко «ўз изланишлари давомида экотуризмнинг ривожланиб бораётган қуйидаги таснифини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилади:

1. Илмий туризм. Илмий экотурлар давомида сайёҳлар ҳар хил турдаги табиат тадқиқотларида қатнашиш, дала кузатувлари олиб бориш имконига эга бўладилар.

2. Табиат тарихига саёҳатлар. Бу саёҳатлар асносида атрофдаги табиат ва маҳаллий маданиятни билиш. Бундай экскурсиялар ўқув, илмий-оммабоп ва тематик экскурсияларнинг алмашинуви бўлиб, махсус жиҳозланган экологик йўллар орқали биргаликда давом этадилар.

3. Саргузашт туризми. Бу кўриниш ҳаракатнинг фаол усуллари билан боғлиқ ҳолда саёҳат ва янги нарсаларни олиш мақсадида очиқ ҳавода дам олиш, таассуротлар ҳисси, туристнинг жисмоний шаклини яхшилаш ва спорт натижаларига эришиш каби жиҳатларни бирлаштиради.

4. Қўриқхоналарга, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга саёҳат. Бунда юқори жозибадорлик кўриқланадиган ҳудудларда жойлашган ноёб ва экзотик табиий объектлар ва ходисалар кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилади»³¹.

Яна бир рус тадқиқотчиси А.А.Тишков экотуризмнинг қуйидаги таснифини келтириб ўтади:

- экологик экскурсия туризми;

³¹Храбовченко В.В. Определение и видовой состав экотуризма: мировой опыт и российская специфика // Туризм, экология и устойчивое развитие регионов: Материалы международной научно-практической конференции. - Тверь: ТвГУ, 2003. - с. 343-345.

- экологик илмий-оммабоп туризм;
- сонининг чекланиши билан боғлиқ экотуризм;
- туристлар ва уларнинг тоифалари;
- тадқиқот туризми;
- курорт туризми³².

Дарҳақиқат, экотуризм бу аввало, «табиат-шахс-жамият» тизими уйғунлигини сақлаган ҳолда ҳар бир шахснинг табиий-атроф муҳитни муҳофаза қилишга, табиат гўзалликларидан баҳра олиш жараёнида унга зиён етказмаган ҳолда саёҳат қилиш, ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис этиши, умуман экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Мутахассислар таъкидлаганидек, экотуризм кўйилган мақсадга мувофиқ асосан куйидаги тармоқларга бўлинади:

1. Инсон фаолияти натижасида нисбатан зиён етказилмаган ёввойи табиатга саёҳат (пиёда, отларда, туяларда, автомобилда саёҳат).

2. Ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш.

3. Кино ва фото тасвирлар олиш.

4. Экосафари (ов ва балиқ овлаш).

5. Илмий экскурсиялар (ботаник, зоологик, геологик, этолого-этнографик, археологик, геморфологик, экологик-маданий).

6. Спорт (альпинизм, спалелогия, рафтинг, трекинг).

7. Агро-туризм (қишлоқ халқининг турмуши, урф-одати билан яқиндан танишиш)³³. Мамлакатимизда экотуризмнинг ушбу тармоқларидан самарали фойдаланиш имкониялари анча кенг. Аммо ушбу ҳолатда экотуризмнинг конструкив аҳамияти билан бирга унинг деструктив томони ҳам мавжуд бўлиб, табиатга бир мунча зарарли оқибатларни олиб келишини ҳам кўзда тутати. Хусусан, инсонларнинг автомобилларда нисбатан зиён етказилмаган ёввойи табиатга саёҳат қилиши натижасида автомобилдан чиқадиган ис газининг табиат ҳавосини ифлослантириши, белгиланмаган тартибда ноёб, йўқолиб бораётган ҳайвонларнинг ов қилиниши, сони камайиб бораётган

³²Тишков А.А. ООПТ России и мира // География, 1993. -№13-14 - С.2-3.

³³Пардаев М.Қ. Экологк туризм асослари. Ҳаммуаллифлар: Р.А.Исломова, А.Қ.Ғаппаров, Ж.Н.Абиев –Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2015. – 77 б.

доривор ўсимликларнинг мақсадсиз йиғиб олиниши, тошларга ўйиб ёзилган қадимий тош битиклар, қоятош расмларга зарар етказилиши каби салбий ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. Энг катта хавф бу – саёҳатчилар томонидан табиатга ташланадиган чиқиндилар муаммосидир. Унинг салбий оқибатлари натижасида табиатнинг барқарорлиги издан чиқмоқда.

Бугунги кунда замонавий экотуризм куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- табиатга саёҳат жараёнида атроф-муҳитга зарар етказмаслик;
- экологик таълим-тарбиядан хабардорлик;
- табиат инсон «мен»ига хизмат қилиши керак эмас, балки ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиши;
- ҳудуднинг ижтимоий-маданий соҳасини барқарорлаштириш;
- табиий ландшафтга зарар келтирмаган ҳолда унинг барқарор мувозанатини сақлаб қолиш.

Ушбу мезонлар асосида экотуристлар томонидан табиий атроф-муҳитга нисбатан ақл билан иш кўришга ва хулоса чиқаришга шароит яратади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида ушбу параграфда куйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, экотуризм тушунчасига оид илмий адабиётлар, фикр ва қарашлар кўплигига қарамасдан, ушбу тушунчага нисбатан илмий ёндашувда муайян ноаниқликларни кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, тадқиқот доирасида экотуризм тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши бўйича илгари сурилган ёндашувларни танқидий нуктаи назардан таҳлил этиш, умумийлик ва ўзига хосликларни аниқлаш орқали экотуризмни ривожлантириш юзасидан яхлит таъриф ва тушунчаларни ишлаб чиқиш мумкин;

иккинчидан, экотуризм тушунчасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, турлари ва таснифини фалсафий асослаш, айти пайтда, инсоният тараққиётининг бугунги кундаги экологик барқарорликни таъминлашдаги ролини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради;

учинчидан, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экологик туризмнинг келиб чиқиш тарихини аниқламай туриб

унинг ижтимоий-фалсафий мазмун ва моҳиятини очиб бериш мумкин эмас;

тўртинчидан, экотуризмни ривожлантиришда маълум бир мезонлар асосида фаолият юритиш унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1.2§ Замонавий экотуризмни ўрганишнинг объектив зарурати ва субъектив имкониятлари

Барчамизга маълумки, ҳозирда дунё мамлакатлари тараққиётида жуда тез ривожланаётган соҳалардан бири бу туризм бўлиб, иқтисодий даромад топишнинг муҳим манбаи сифатида ўз ички имкониятларини сафарбар қилган ҳолда мамлакат иқтисодий ривожланишида асосий ўринни саклаб қолмоқда. Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра: «Туризм ер юзидаги ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш бозори маблағ айланмасининг 10%ини таъминлайди. Тахминан 6% жаҳон ялпи миллий маҳсулоти, жаҳон инвестициясининг 7%, жаҳон истеъмоли харажатиининг 11%, барча солиқ тушумларининг 5%, ҳар 16 ишчи ўрнининг бири туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БТТ) маълумотига кўра, ҳар йили ер юзи аҳолисининг 1/3 қисми сафарга чиқади, халқаро туризмнинг йиллик ўсиши 4%ни ташкил этади»³⁴.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: «Бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсати - истикболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, ҳудудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган. Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – яқин йилларда

³⁴ Жаҳон туризм ташкилоти // www.unwto.org/ru

юртимизга келадиган туристлар сонини 10 миллионга етказишдан иборат»³⁵, - деб бу соҳага алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳолат албатта, саёҳатчиларга ҳар томонлама қулайлик бўлиши учун туризм инфратузилмасини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади. Туризм инфратузилмаси деганда – туристларнинг туризм заҳираларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бинолар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, туризмнинг хилма-хил корхоналари ва уларнинг фаолияти, шунинг билан бирга, ушбу фаолиятни таъминловчи бошқа тизимлар тушунилади. Булар қаторида авто йўл, темир йўл, ҳаво йўллари, денгиз ва дарё йўллари ҳаракатини тартибга солувчи тизимлар, иссиқлик, электр ва телефон алоқаларини санаб ўтиш мумкин³⁶. Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, айти пайтда Ўзбекистонда 1000 га яқин туризм фаолиятини кўрсатувчи туроператорлик фирмалари, 600 га яқин меҳмонхоналар, 30 дан ортиқ муҳофазага олинган ҳудуд (кўриқхона, миллий боғ, нодир табиат ёдгорликлари ва х.к.)лар, 60 та ўрмон хўжаликлари, фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 400 дан ортиқ табиатнинг ноёб ёдгорликлари мавжуд³⁷.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туризм соҳасига ҳам бевосита дахлдордир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида «Туризм – Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери» эканлигини таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, бугунги янги Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш асосий устувор вазибалардан бири сифатида қаралмоқда ва бунга етарлича асослар бор.

Мамлакатимизда туризмга бўлган эътибор натижасида хорижлик туристлар сони кундан-кун ошиб бормоқда. Хусусан, 2016 – 2019 йиллар давомида мамлакатимизга келган чет элликлар сони 4 баробар ва «туризм» («саёҳат») мақсадида келганлар сони

³⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2021 йил, 173-174 бетлар.

³⁶ Жуманиязова Ш.Р. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // «Iqtisodiyit va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. –Т. 2021. -№3. –Б. 378-385.

³⁷ [http://www.hozir.org/zbekistonda-halardo-turizmni-rivojlantirish-istibollari-
ulashov.html?page=6](http://www.hozir.org/zbekistonda-halardo-turizmni-rivojlantirish-istibollari-ulashov.html?page=6)

эса 6 баробарга ошди. Сўнги уч йилда мамлакатимизга келувчи хорижлик сайёҳлар сони 4 баробар ошди³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш» Концепцияси тасдиқланди. Ушбу концепциядаги «Туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва босқичлари» деб номланган 2-бобда: «2021-2025 йилларда – мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш. Ушбу йўналишда зарур инфратузилмани ривожлантириш ва дунё бозорида республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улушини 5 фоизгача (2017 йил якуни бўйича - 2,3%) етказиш, шунингдек, 2025 йил якунига қадар 9 миллиондан ортиқ туристларни, шу жумладан узоқ хориждан - 2 миллион туристни жалб қилиш»³⁹, туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий босқичлари сифатида белгилаб қўйилди.

Ҳозирда туризмнинг кенг ривожланиб бораётган зиёрат, спорт, экстремал, этнографик, тиббий, маданий-маърифий каби турлари билан бир қаторда экотуризмга бўлган эътибор ҳам ҳар қачонгидан ошиб бормоқда. Халқаро туризмнинг умумий ҳажмида экотуризмнинг улуши турли мамлакат ва минтақалар учун турли хил бўлиб, муайян минтақа шарт-шароити, жойлашиш ҳудудига қараб ўртача 20-60% оралиғидаги ўзгаришни кузатиш мумкин.

Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, айна пайтда умумий туризм соҳасида экологик туризмнинг имкониятлари ва рентабеллик даражаси янада ўсиб бормоқда. Хусусан, «БМТ ва БТТнинг маълумотлари бўйича сўнги 20 йил ичида эндигина ривожланиб бораётган давлатларда экотуристлар сони кўпайиб ва

³⁸Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси.
<https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/8193/>

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони <https://lex.uz/docs/4143188>

экотуризмдан олинадиган даромадлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, ҳар йили экотуризмдан Кения давлати-1.4 млрд., Эквадор давлати-11.8 млрд., Коста-Рика давлати-11.4 млрд., Непал давлати-1.5 млрд. доллар даромад оладилар. Қайд қилиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромадлари давлат ялпи ички даромадларининг(ЯИМ) 70-80 фоизига тенг.

Ривожланиб бораётган давлатларнинг туризм индустрияси асосан экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотларига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20 фоизини қамраб олган, ўсиш сурати эса умумий туризм ўсиш суратидан 2-3 маротаба ошиб кетган»⁴⁰.

Тадқиқот доирасида «Сиз экотуризм деганда нимани тушунасиз?», «Экотуризмнинг туризм соҳасидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?», «Экотуризмнинг жамият манфаатидаги ва ресурсларни тежашдаги роли қандай?», «Экотуризмни ривожлантириш шу ҳудуд инфратузилмасига таъсир қиладими?», «Экотуризмни ривожлантириш ташкилотларининг фаолияти сизни қониқтирадими?», «Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?», «Экологик ҳуқуқий онгнинг ўзи нима?», «Экотуризмнинг бугунги кундаги имкониятлари қандай?», «Сиз яшайдиган ҳудудда экологик тарғибот ишлари олиб бориладими?», «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда шахснинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш қандай ўрин тутади?» сингари саволлар бўйича сўровномалар ўтказилди.

Хусусан, 2021 йил апрелидан 2022 йил январигача экотуризмнинг янги самарали имкониятларини ўрганиш ва ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш мақсадида қиёсий таҳлилларга асосланган сўровномалар ўтказилди. Ушбу сўровномаларда респондентларнинг ижтимоий хусусиятлари инобатга олиниб, ҳудудлардан танлаб олинган 1200 нафар респондентдан 600 нафари олий таълим тизими (50%), 300 нафари турли маҳаллалар (25%) ва 300 нафар мактаб ўқувчилари (25%) ташкил этди. Ушбу

⁴⁰ Гаппаров А. Экологик туризмни ривожлантиришнинг мақсади, унинг ҳозирги кундаги ҳолати ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special. Issue – 3 (2021) / ISSN 2181

сўрономаларни ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад тадқиқ этилаётган объект ҳақида қисқа вақт ичида тезкор маълумот тўплаш ва кенг жамоатчиликда экологик масалаларга бўлган қизиқишларни аниқлаштиришдан иборат.

Экотуризм соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борган Ўзбекистонлик олим А.Н.Нигматов миллий миқёсда экотуризмни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатади:

«экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;

экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;

экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;

экотуризм орқали маҳаллий аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;

экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

экотуристик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларни кадастрини олиб бориш;

экотуристик мониторинг ва прогнозни олиб боришни йўлга қўйиш;

миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;

экотуризм билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш;

давлатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга юридик мақом бериш;

экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларни яратиш;

иқтисодий жавобгарлик санкцияларини экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан кучайтириш;

биологик хилма-хилликни сақлаш вазифасини туризмга юклатиш ва ҳ.к»⁴¹. Экотуризмни ривожлантиришнинг ушбу ўзига хос йўналишлари унинг мазмунини тўлиқ очиб бермасада, аммо экотуризмни барқарор ривожига ўз таъсирини кўрсатади.

БМТнинг 2018 йилда бўлиб ўтган Нью Йоркдаги «12-мақсад: Оқилона истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш моделларига ўтишни таъминлаш» деб номланган маърузаларидан бирида: «Жамият ҳаётининг сифати муҳим даражада ушбу жамиятнинг унда мавжуд бўлган табиий ресурслардан қандай фойдаланиши ва бошқариши билан белгиланади. 2030 йилгача бўлган даврдаги кун тартибининг асосий вазифалардан бири бу - ресурсларни истеъмол қилишни ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан, айниқса, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириб, аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳисобига иқтисодий ўсишга эришишдан иборат»⁴², – деб таъкидланади.

Экотуризмни ўрганиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- бугунги кунда экотуризм кенг ривожланган хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш;

- Ўзбекистонни экотуризмга оид халқаро шартномалардаги иштирокини ошириш (хусусан, «Экотуризм тўғрисида»ги Квебек декларацияси);

- экотуризм ҳақида етарли ва чуқур билим ҳамда маълумотларга эга бўлишларини таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқотлар билан доимий таъминлаб бориш;

- табиат қўйнидаги дам олиш зоналарида чиқиндилар муаммоси юзасидан табиатга зарар келтирган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини янада кучайтириш (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисмидаги «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли VIII

⁴¹ Нигматов А.Н. «Экотуризм ва унинг географик хусусиятлари» (Наманган вилояти мисолида). Монография. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2019. –Б. 148. (123-124-бетлар).

⁴² Цель 12: Обеспечение перехода к рациональным моделям потребления и производства. Доклад о Целях в области устойчивого развития, 2018 год. Организация Объединенных Наций. Нью Йорк, 2018. – С. 26.

бобининг 65-моддасида «Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши»⁴³ белгилаб қўйилган);

- табиат қўйнидаги дам олиш зоналарида турли туман чиқиндиларни ташламаслик бўйича таъсирчан баннерларни (рекламалар) жорий этиш;

- чиқиндиларни ташлашга мўлжалланган ахлат қутиларини маълум миқдорда ошириш каби амалий ишларни такомиллаштириб бориш ва бошқалар.

Ўз навбатида, юқорида санаб ўтилган тамойиллар давлатнинг пухта ўйланган экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган устувор йўналиши доирасида амалга оширилиши лозим.

Зеро, «Республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўл бўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш»⁴⁴ каби масалаларнинг белгилаб олиниши бевосита туризм саноатинининг барча

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Т.: «YuridikadabiyotlarPublish», 2022 й. –Б. 55-56. (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799сон). <https://www.lex.uz/acts/97664>

⁴⁴ <https://lex.uz/docs/3077025> Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 декабрь, ПФ-4861-сон.

йўналишларини, хусусан экотуризмни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Экотуризмни ривожлантиришдан асосий мақсад куйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, табиатдаги тикланмайдиган табиий ресурсларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш;

иккинчидан, мамлакатимиз фуқаролари ҳамда хорижлик сайёҳларда мамлакатимизнинг бетақроқ табиати, миллий қўриқхоналар, гўзал тоғли ҳудудлари ҳақида ҳолис тасаввурни шакллантириш;

учинчидан, экотуризм орқали маҳаллий аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;

тўртинчидан, экотуризмни ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг иқтисодий даромади ошиши ва мамлакатнинг иқтисодий рентабеллик даражасини ўсишига эришиш;

бешинчидан, табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш ва инсон саломатлигига эришиш;

олтинчидан, экотуризм соҳасига ихтисослашган ҳудудларнинг йўл-қурилиш, техник-коммуникацион ҳолати яхшиланиши;

еттинчидан, Ўзбекистоннинг экотуристлик салоҳияти, табиий имконияти ва ресурсларини дунё туризм бозорида намойиш қилиш ва ҳ.к.

Ушбу вазибаларнинг оқилона ечимини топишда албатта, мамлакат экотуриزمни ички имкониятларидан самарали фойдаланишнинг миллий моделини ишлаб чиқиш ва уни бугунги реал ҳаётга тадбиқ этиш масаласи кун сайин объектив заруриятга айланиб бормоқда. Чунки, инсоният ақл-тафаккури ўсиши ва ривожланиши билан биргаликда кишиларнинг ўз эҳтиёжи ҳамда манфаатларини қондириш мақсадида ҳаддан зиёд табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида «Ўзбекистонда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, бу йўналишлар куйидагилардан иборатдир:

- мазкур соҳани мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида ривожлантириш;

- саёҳатларни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- ички туризмни ривожлантириш, шу жумладан ижтимоий туризмни ривожлантириш доирасида болалар, ёшлар, кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун туризм ҳамда экскурсияларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестициялар киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- мазкур соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

- тадбиркорлик субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;

- туризм соҳасининг субъектларига солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш орқали рағбатлантириш;

- туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ва мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасининг туризм учун жозибador мамлакат сифатидаги нуфузини ошириш;

- туризм соҳаси субъектларини улар туристик бозорларда миллий туристик маҳсулотни тарғиб қилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантириш;

- туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш»⁴⁵. Шу жиҳатдан ҳам юқорида келтирилган асосий устувор йўналишлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ҳудудида умумий туризм тизимида экотуризмни ҳар томонлама ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

- шахснинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари устуворлигидан келиб чиқиш;

- экологик таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқот фаолиятини экотуризм объектларини муҳофаза қилиш амалиёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш;

- экотур даврида ҳар бир шахсга табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникма ва малакаларини сингдириш;

- экотуристик объектлар ҳақидаги ахборотларнинг барча учун очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш;

- барча жамоат ташкилотларини ҳар бир шахсда экологик ҳуқуқий онгни юксалтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга жалб қилиш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

- экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот соҳасидаги устувор вазифаларни ҳал этишда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва уни ўзлаштириш;

- экотуризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва экотуризм объектларига нисбатан ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

- экотуристик йўналишларнинг уй-жой, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўл инфратузилмасини яхшилаш учун инвестициялар жалб қилиш ва жаҳон стандартларига мослаштириш ва бошқалар.

Умуман олганда, экотуризмнинг ривожлантирилиши мамлакат инфратузилмасининг кенгайишига, айниқса, қишлоқ инфратузилмасининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).

Бу маҳаллий аҳоли учун жуда кўп имтиёзлар беради ва буни қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчидан, экотуризм маҳаллий аҳолини иш билан таъминлайди;

иккинчидан, маҳаллий маҳсулотлар бозорини шакллантиради ва маҳаллий бизнесни ривожлантириб иқтисодий манфаатдорликни таъминлайди;

учинчидан, маҳаллий аҳоли билан ташриф буюрувчилар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлайди;

тўртинчидан, табиий атроф-муҳит барқарорлашуви учун локомотив вазифасини бажаради;

бешинчидан, ёввойи табиатни асраш масалаларини кучайтиради;

олтинчидан, маҳаллий ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиради ва ҳаёт сифатини таъминлайди;

еттинчидан, экологик ресурсларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш имконини беради ва ҳ.к.

Шунингдек, экотуризмнинг кенг ривожланиши аввало, қишлоқларда яшаш тарзининг тубдан ўзгаришига олиб келади. Жумладан:

биринчидан, янги иш ўринларини юзага келтиради (замонавий меҳмонхоналар, ошхоналар, савдо марказлари, экогидлар);

иккинчидан, қишлоқларда униб-ўсган ва ишсизлик туфайли иш излаб оиласидан узоклашган фуқароларни ўз уйига қайтишига имкон яратади ва бу ўз навбатида, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади;

учинчидан, сайёҳларнинг кенг кўламда жалб қилиниши савдо ва ҳунармандчилик марказларининг пайдо бўлишига олиб келади ва бошқалар.

Шу билан бирга, экотуризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, соҳа бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги;

иккинчидан, замонавий йўл-қурилиш ва коммуникация тизимининг етарли даражада мавжуд эмаслиги;

учинчидан, табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилмаслиги ва ҳ.к.

Иқтисодчи олимларимиздан бири А.А.Эштаев турмахсулот мавқеига таъсир қилувчи омиллар сифатида куйидагиларни санаб ўтади: мураккаб экологик шароитлар, сиёсий вазиятлар, аҳоли ўртасидаги тили, дини, миллати бўйича зиддиятлар, паст даражадаги хизмат турлари, қизиқ бўлмаган меъморий қурилишлар ва бошқалар⁴⁶. Дарҳақиқат, туризмнинг барча соҳасида, хусусан, туризм тизимида мустақил йўналиш сифатида ривожланаётган экотуризм такомиллашувида сифатли хизматни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда энг аввало, билимли кадрларга бўлган талабни қондириш бирламчи масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ҳозирда Ўзбекистон республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси)нинг қўшма қарори билан 2005 йил 7 ноябрда «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари» бўйича Дастур ва Концепция қабул қилинганлиги эътирофга сазовор. Бу эколог кадрлар, хусусан, экотуризм фаолияти билан бевосита шуғулланувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлашда муҳимдир. Зеро, бугунги кунда экотуризмни ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб, мамлакат экологик табиий муҳитини ва иқтисодий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим омилларидан бири сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ёш кадрлар ҳақида фикр юритар экан, «Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни

⁴⁶ Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида): Икт. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. –Самарқанд, 2019. –16 б.

ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқдир»⁴⁷, - деб таъкидлаб ўтади.

Экотуризмни ривожлантириш орқали туризмнинг бошқа турларини, хусусан, спорт, тиббиёт, диний, этнографик, маданий, агротуризм каби йўналишларини ҳам кенг миқёсда ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Экотуризмнинг ижтимоий-фалсафий масалаларидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги устувор вазифаларини санаб ўтиш мумкин:

- ҳар бир шахс экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали янада ривожлантириб бориш;

-экотуризмнинг ички имкониятларини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

- экотуризм соҳасини янада ривожлантириш орқали шахс экологик онги ва дунёқарашини кенгайтириш усул-воситаларини ишлаб чиқиш;

- экотуристик объектлар қўламини ошириб бориш ва уларга аҳолини жалб қилиш бўйича «Йўл хариталар»ни ишлаб чиқиш;

- экотуризмни ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрнини ошириш ва бу борадаги тадқиқотларни жадаллаштириш;

- экотуризмни ривожлантириш орқали миллий маданиятлар алмашинувиға эришиш;

- экологик хавфсизлик бўйича олинган билимларни экотуризмни ривожлантиришда қўллаш билиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ушбу параграфга қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, туризмни, айниқса замонавий экотуризмни мамлакат иқтисодий тараққиётининг конкрет стратегик тармоғига айлантириш ва бунда аввало, табиатга зиён етказмаган ҳолда саёҳатчиларга ҳар томонлама қулайлик бўлиши учун туризм инфратузилмасини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади;

иккинчидан, туризм тизимида кенг тарқалиб бораётган зиёрат, спорт, этнографик, тиббий, маданий-маърифий ва шу каби

⁴⁷ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 24-25 бетлар.

бошқа турлари билан биргаликда экотуризмни ҳам янада ривожлантириш бевосита иқтисодий даромад манбаи бўлиши билан бирга табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади;

учинчидан, экотуризмда сайёҳларни кўпроқ табиий объектлар, яъни тоғлар, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ғорлар, шаршаралар, чўл ва адирларда юзага келган ноёб ландшафтлар жалб қилишини ҳисобга олиб, ушбу йўналишлар бўйича экотурларнинг янги имкониятларини ўрганиб чиқишни ва янада кенгайтиришни тақозо этади;

тўртинчидан, мустақил йўналиш сифатида ривожланаётган экотуризмнинг янада такомиллашувида сифатли кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш бирламчи масалалардан бири бўлиб қолмоқда;

бешинчидан, инсоният тарихий тараққиётдан маълумки, инсон доимий равишда табиатни англашга, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилган ва бу жараён бевосита бугунги кунда экотуризмнинг устуворлашувида намоён бўлмоқда.

1.3§ Экотуризм тизимида шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш мотивлари.

Бугунги кунда экотуризмни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, ҳозиргача табиат қўйнига саёҳатга чиқадиган шахсларнинг хулқ-атворлари етарлича ўрганилмаган. Зеро, кўпчилик сайрга чиқувчилар билан табиатни ўрганиш, маънавий-маданий хордиқ чиқариб онгли равишдаги саёҳатни эмас, балки тоза табиат бағрида дарахт шоҳларини синдириб олов ёқиш, мириқиб овқатланиш, чиқиндилар қолдиришни ўзларига одат қилиб олмоқдалар. Бу ўз навбатида табиатга маълум даражада зарар келтирмоқда. Ушбу ҳолат эса бевосита ҳар бир шахсдан табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ва табиий барқарорликни таъминлашга бўлган эҳтиёжни ҳамда унинг оқилона ечимини топиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Албатта, бунда экотуризмни ривожлантириш орқали маълум бир мақсадга эришиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, «Экологик туризмнинг моҳиятини англашда ўрганилган маълумотларнинг таркибий таҳлили экотуризм фаолиятини қуйидагича тушунишга ёрдам беради:

- ёввойи табиат бойликларидан экотуризмда фойдаланишни экотуристлик муҳит деб қабул қилиш шароитлари яратилади;

- экотуристлик саёҳатлар натижасида табиатни муҳофазаловчи янги технологиялар киритилади;

- атроф-муҳитга зарар камайтирилади (минимумлаштирилади);

- экотуризм дам олиш, тарбия ва экологик билимнинг кадрини кучайтиради;

- янги табиий ландшафтларни, флора ва фаунани ўрганишни ва уларни муҳофаза қилишни ўргатади;

- экотуризмдан олинган даромад табиатдаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга ажратилади;

- экотуристларни экотуризм маконларидаги аҳолини, макондаги тирик табиатни ҳурмат қилишга ўргатади⁴⁸. Кўришиб турибдики, экотуризмни ривожлантиришдан кўзланган мақсад асосан шахсни тарбиялаш ва бу орқали табиий атроф-муҳит барқарорлигини сақлаб қолишдан иборат.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда туризм, айниқса, экотуризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Экотуризмнинг ривожланиш жараёнида бевосита ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий саводхонлиги муҳимлиги боис, бугунги кунда замонавий экотуризмни ривожлантиришда шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш зарурияти юзага келмоқда. Ушбу ҳолатда муҳим ўрин тутадиган қуйидаги ўзига хос ёндашувларни кўриб чиқиш мумкин:

- креатив ёндашув;

- инновацион ёндашув;

- технологик (илм-фан нуқтаи назардан) ёндашув.

Бугунги экологик ҳолат ҳар бир шахсдан табиий атроф-муҳитни ўзлаштириш жараёнида креатив ёндашувни талаб этади. Креативлик (инглиз тилидан «create» – яратиш, «creative»

⁴⁸ Пардаев М.Қ. Экологк туризм асослари. Ҳаммуаллифлар: Р.А.Исломова, А.Қ.Ғаппаров, Ж.Н.Абиев –Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2015. – 29-30 б.

яратувчи, ижодкор) – шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш жараёнида дуч келадиган муаммолар ечимига тезкорлик билан тегишли қарор қабул қилиш ва юқори даражадаги янгича ижодий ёндашувни ифодалайди.

Баъзи терменологик луғатларда, «Креативлик (ижодийлик) – қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён»⁴⁹, - деб изоҳ берилган.

Креатив экологик билимлар трансформацияси жараёнида анъанавий ёндашув ва фикрлашдан фарқли равишда шахс экологик ҳуқуқий онги самарадорлигини таъминлашга қаратилган янги ғояларни яратиш ва мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга йўналтирилганлиги, аниқ мақсадга эришиш ва уни бартараф этиш қобилиятининг шаклланганлиги, тасодифан юзага келган муаммоларни оқилона, тезкорлик билан ҳал қилинишига ёрдам беради.

Замонавий экотуризм ривожига шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишда экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар фаолиятида креативлик куйидаги ҳолларда намоён бўлишини кўриш мумкин:

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар фикри ва нутқининг равлонлиги;

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар ўз фикрини аниқ белгиланган мақсадга мувофиқ йўналтира олиши;

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар ижодкорлигидаги ўзига хослик (оригиналлик);

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилардаги кизиқувчанлик, янги ғояларни яратувчанлик, фантазиясининг кенглиги, фаразлар яратиш қобилияти;

- ҳар бир шахснинг қобилиятини, лаёқатини ўрганиш ва уни аниқ баҳолаш;

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар экологик қонун ҳужжатларига оид янги маълумотлар бўйича ҳамкасблари билан ижодий фикр алмашиши ва кенг жамоатчиликка етказа олиши;

⁴⁹ Педагогик атамалар луғати. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. – Т.: 2008. – Б.64.

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар ўз соҳасига оид илғор хорижий тажрибаларни мустақил ўрганиши ва амалиётда қўллай билиши;

- экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар узлуксиз равишда ўз билими, қўникма ва малакасини ошириб бориши ва бошқалар.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида ҳозирги вақтда инновацион-технологик фаолиятни янада ривожлантириш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди»⁵⁰. Хусусан, экотуризм соҳасини инновацион фаолиятсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, экотуризмни давр талабига мос равишда инновацион технологиялар воситасида ривожлантириш зарурияти юзага келмоқда. Инновация атамасига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбек тили изоҳли луғатида «Инновация» атамаси – иқтисодиётда техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида сарфланган маблағлар»⁵¹ тарзида қўлланилган.

Педагогик атамалар луғатида эса, «Инновация – янгидан киритилган тушунчалар, тартиб-қоидалар, технологиялар ва янгиликлар»⁵² сифатида изоҳланган.

Е.Кучконинг фикрича, «Инновация ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуниятларини ҳаётга жорий этишда асосий элементлардан бири бўлиб, унинг динамик ривожланиши, яшаб қолиши шарт-шароити, жамиятни интеллектуаллигини, инсон ҳаёти сифатини, ишлаб чиқариш самарадорлигини

⁵⁰Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ,2017.– Б.35-36.

⁵¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-китоб, -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 212.

⁵²Педагогик атамалар луғати. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. – Т.: 2008. – Б.48.

таъминловчи восита ҳисобланади»⁵³. Экотуризмнинг ривожланиш самарадорлигини таъминлаш инновациялардан муҳим бир восита сифатида унумли фойдалана олишни тақозо этади. Бунда албатта, экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар бугунги даврга мос равишда замонавий экологик таълим-тарбия сирларидан хабардор бўлишлари, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олишлари ва инновацион технологияларни мукамал эгаллаган бўлишлари талаб қилинади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажакдир»⁵⁴. Зеро, бугунги экологик ҳуқуқий тарғибот ва таълим-тарбияни инновациясиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

Ж.Ғ.Йўлдошевнинг фикрича: «Инновацион фаолият - педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутати»⁵⁵. Бу ҳолат экотуризмни ривожлантиришда экологик ҳуқуқий тарғиботчиларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ўз навбатида, ҳар бир шахс давр характеридан келиб чиқиб, экологик барқарорликни таъминлашда инновацион фаолиятга таянган ҳолда бевосита баркамол шахс тарбиясига йўналтирилиши билан узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Шундай экан ҳар бир кишида табиатга нисбатан чинаккам иштиёқни уйғотишда бевосита инновацион фаолиятга асосланган ишлар самарадорлигини ошириб боришни талаб қилади. Бу борада, машҳур руҳшунос олим Дейл Карнеги, «Инсонни бирор ишни бажаришга ундаш ва қизиқтиришнинг ягона

⁵³ Кучко Е.Е. Социология инноваций // Белгосуниверситет. Право и экономика, – Минск, 2009. –С.340.

⁵⁴Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.:»Ўзбекистон» НМИУ,2018.–Б.19-20.

⁵⁵ Йўлдошев Ж.Ғ. Таълимга инновацион ёндашув // «Халқ таълими», 2014, 3-сон. – Б.14.

усули мавжуд. У ҳам бўлса, ўша инсон қалбида ишни бажаришга чинакам иштиёқ уйғотишдир. Мажбурлов ва қийноқлар иш бермайди...»⁵⁶- деб таъкидлагани бежиз эмас. Яъни, ҳар бир шахсда экологик ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш учун ва уларнинг экологик билим олишга бўлган интилишларини пайдо қилиш учун мажбурлов йўли билан эмас, балки инновацион ёндашув асосида иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-техника (техника (techne-маҳорат, санъат) – инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиатни ўзгартириш ва ўзлаштириш воситалари, усуллари мажмуи⁵⁷...) тараққиёти жараёнида жамият билан табиат ўртасидаги алоқа тобора кенгайиб, кўп қиррали ва мураккаб бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан жамиятнинг ўз ҳолича таркиб топган табиий шароитларга қарамлиги нисбатан камайиб боради. Жамият билан табиатнинг ўзаро бир-бирига таъсири кишиларни кўпдан бери ўйлантриб келаётган муаммолардан биридир. Инсон бу муаммони ўз тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида ўз кучи, имкониятлари ва билимлари доирасида ҳал қилиб келди. Бу муаммо ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шароитида янада каттароқ аҳамият касб этмоқда. Фан-техника тараққий этиши билан биргаликда инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг мувозанатини бузилишига олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг техникавий тараққиёти табиатни ҳалокат ёқасига олиб бориб қўймоқдаки, атроф муҳит ифлосланиб, бу билан ўзининг табиий шароити оғирлашмоқда ва тараққиёт учун ғов бўлмоқда. Инсон ўз фаолияти билан Ер шари қиёфасига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бу таъсир табиатнинг қарши реакциясини уйғотмоқда: унинг ҳам кишиларга кўрсатаётган таъсири кучайиб, тобора сезиларли ва кўпинча ноқулай бўлиб бормоқда. Минг афсуски, инсон юксак ақл-заковат эгаси бўлишига, ноосфера шаклланишига қарамай, бундай инқирозли глобал экологик вазият юзага келишида асосий роль ўйнамоқда. «Табиат–жамият» тизимидаги ўзгаришда икки қонуниятни кузатиш мумкин, яъни: 1. Жамиятнинг табиатга

⁵⁶Карнеги Д. Икромлик – мағлубият эмас. Санъат журнали. Т., 2009. –28 б.

⁵⁷Мамашоқиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2012. – 192 б.

антропотехноген таъсир босими борган сари ошиб бормоқда. 2. Жамиятнинг сунъий табиий муҳитга қарамлиги кучайиш тенденцияси жадаллашмоқда. Бунда биринчи қонуният, иккинчи қонуниятни келтириб чиқармоқда⁵⁸. Шу нуқтаи назардан ҳам, табиатни ўзгартириш, унга таъсир этиш фақат эҳтиёжларимизни қондиришнинг йўлигина бўлмай, балки табиат қонуниятларини ўрганишнинг энг ҳақиқий манбаидир. Атрофимизни ўраб турган муҳитни қайта ўзгартириш суръатлари ижтимоий ишлаб чиқариш давомида сўзсиз ортиб бормоқда. Бироқ инсон фаолияти кўламларининг кенгайиши билан бирга унинг табиий муҳитга етказётган таъсирининг хавфи ҳам ортиб бормоқда.

Юксак даражада техникалашган ҳозирги замон жамияти табиат билан ўзаро уйғунлашган ҳолда ҳамкорлик қилиш зарурати олдида турипти. Бунини тушунмаслик ёки рад этиш инсоният учун жуда хавфли бўлган муаммо туғдирадидики, бу муаммо инсониятни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Бугунги фан-техника тараққиётида табиатни бўйсундириш, унинг устидан такаббуруна ҳукмронлик қилиш керак эмас, балки у билан оқилона ҳамкорлик олиб бориши керак. Инсон ва табиат бир-бирини бўғмасдан, амалий ва ижодий бирликда яшашлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш инсоният учун ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқдаки, фақат шу йўл инсонни ер шарининг ҳақиқий хўжайини қилиб қўйиши мумкин. Фан-техника тараққиёти табиатга таъсир кўрсатиш учун инсонга қудратли воситалар берди. Бироқ бу техника-технология воситаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда инсон табиатга кўрсатган таъсирининг оқибатларини олдиндан кўра билишни ўрганиб олиши зарур. Акс ҳолда ҳозирги замон цивилизациясини илм-фан, техника-технология тараққиёти натижасида кескинлашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммолар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг инсоният цивилизацияси манфаатларига мос келмаётганлиги кўзга ташланади, яъни «инсон табиат устидан эмас, балки у яратган технология ғолиб бўлди. Натижада, инсон табиатдан-ўз мавжудлик асосларидан бегоналашмоқда. Технология инсондан кўра ҳукмдорроқ ва

⁵⁸ Исмоилова Д. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирларни оптималлаштириш муаммолари // Экология хабарномаси. 2014. №4. (156). –10 б.

ёвузроқ бўлиб, инсонни ўзига тобе қилди. Энди инсониятнинг ҳаёти нафақат таҳликали, балки фожеали бўлиб қолмоқда»⁵⁹.

Шу билан бирга, кўп йиллар давомида экология бўйича илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан бири Ю.Одум: «Ҳеч ким бир йилдан сўнг нима бўлишини, аниқ олдиндан айтиб бера олмайди. 25 йилдан сўнг қандай ҳодисалар рўй беришини айтиш имконияти янада камроқ. Биз кўп сонли воқеалар, технологиялар, кашфиёт ва янгиликлар куршовида яшар эканмиз, жуда кўп нарсаларни олдиндан кўра билиш ва англаш имкониятларимиз чекланган. Аммо шунга қарамай, табиат воқеалари таҳлили бўйича муқобил қарашларни шакллантириш, унга доир тушунча ҳамда билимларимизни давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштира олишимиз биз учун ибратли ҳолатдир. Яна ҳам муҳимроғи эса, биз ҳозирча табиатда қутилмаганда рўй берадиган ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича қандайдир чоратадбирларни амалга ошира олишимиздадир»⁶⁰, деган фикрни айтиб ўтади. Дарҳақиқат, сайёраимизда техника шундай кўпайиб кетдики, инсон ақл заковати билан яратилган техника асосий ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бундан инсоният олдида мавжуд табиатнинг амал қилиб турувчи қонунларини очишгина эмас, балки энг муҳими ҳали амал қилмаётган, бироқ табиий муҳит вужудга келтирадиган қонунларни олдиндан кўра билиш вазифаси туради. Зеро, инсониятнинг энг катта камчилиги ҳам унинг узоқни кўра билмаслигидир.

XXI асрга келиб илм-фан, техника шу даражада ривожландики, ер юзидаги деярли бутун инсоният ақл бовар қилмас ютуқларга эришиб, оғири енгил, узоғи яқин, ишлаб чиқариш самарадорлиги ривожланган бир даврга етиб келди. Яъни, ҳозирги давр ядро энергияси, қуёш энергияси, кимё саноатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ҳамда фан-техниканинг янада мураккаб соҳаларини ўзлаштириш билан характерланади.

Шу билан биргаликда, тарихий тараққиёти давомида жуда кўп мураккабликларга гувоҳ бўлган инсоният бугун ўзининг кашфиётлари, ақлий салоҳияти натижасида вужудга келган

⁵⁹ Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. М.: Прогресс 1996, -с.396.

⁶⁰ Одум Ю. Экология. – Москва. 1986. С.234.

мураккаб тарихий даврни ҳам бошдан кечирмоқда. Фан-техниканинг жуда тез суръатлар билан ривожланиши, инсон ва табиат ўртасидаги табиий мувозанатни бузилишига олиб келмоқда. Бу билан атроф-муҳитга ҳам катта зиён етказилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда, «Ҳозир, XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»⁶¹, - деб таъкидлагани фикримизнинг исботидир.

Инсоният бугунги кунда илмий-техника тараққиёти йўлидан кетаётгани ҳақида даъво қилиши мумкин, аммо, аслида бу тараққиёт унга ўзи ўйлагандек фаровонлик, тинчлик, бахт келтирганича йўқ, аксинча, уни глобал таназзул ҳолатига тобора яқинлаштирмоқда. Бу муаммони ошқора муҳокама этмаслик, ҳал этишга ҳаракат қилмаслик ҳалокат йўлини танлаш демакдир. Инсоният ўз манфаати ёки илмий-техника тараққиёти эвазига табиатни қурбон қилишининг оқибатида табиат томонидан жазоланиши мумкин.

Инсоният «совуқ уруш» баҳонасида ўтган асрнинг 50-90-йиллардаги қуролланиш пойғаси, оммавий қирғин қуроллари кенг қўламда ишлаб чиқарилиши ва уларни синалиши, фан-техника тараққиёти баҳонасида биосферага кўрсатган таъсир, саноатнинг тараққиёти ва унинг натижасида атмосферани зарарлаш, табиат ресурсларидан нооқилона фойдаланишлари ва бошқа шунга ўхшаш омиллар таъсирида табиатга катта зарар келтирди. Бу эса ўз навбатида барча учун ҳал қилиш керак бўлган долзарб муаммога айланди.

Бу борада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов турли хил экологик муаммолар ҳақида жон қуйдириб, жаҳон афкор оммасига уларни баргараф этиш ҳар бир виждонли кишининг бурчи эканлигини, яъни: «Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан

⁶¹Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» Тошкент, -1997 й, 6-том.

табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чегараланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўришиб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим»⁶², деб таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон илм-фани тараққиётининг тез ривожланиши билан бирга табиат неъматларидан хўжалик мақсадларида ишлаб чиқариш саноатларида тобора кўпроқ фойдаланишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шунингдек, дунё аҳолиси кун сайин ўсиб бориши ўз навбатида, озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилғи ва бошқа инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда. Бу бевосита ўрмонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўлланиш жараёнларининг кучайишига, тупроқнинг бузилишига, атмосфера ҳавоси, ер, сув ҳавзалари чиқиндилар билан заҳарланишига, сувнинг шўрланишига, атмосферанинг озон қатлами емирилишига, ўртача ҳаво ҳароратининг ортиб боришига, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг йўқ бўлиб кетишига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Бу борада рус олимаси Ю.А.Андреева: «Ўйланмай қилинган хатти-ҳаракат (масалан, автомашиналар қўйиш жойларида машина двигателларини ишлатиб қўйиш) туфайли атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар, туристик саёҳатларда табиий атроф-муҳитга етказилаётган зарарлар, чиқиндиларни дарёларга оқизиш каби ҳолатлар чидаб бўлмас даражадаги ақлсизлик, аниқроқ қилиб айтганда, инсон онгининг реал ҳолатдан орқада қолиши натижасидир. Бундай онгни, таъбир жоиз бўлса, инсоннинг ёввойилик даври даражасидаги дунёқарашига ҳам тенглаштириб бўлмайди. Чунки, неандертал одам ҳам тошдан ясалган болтаси билан ўзи манзил тутган ён-атрофдаги дарахтларни кесмаган бўлса керак»¹, - деб, аниқ ва лўнда қилиб тушунтириб ўтади.

⁶²Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент, -1997 й, 6-том.

¹ Андреева Ю.А. Человек, природа, общество в современной прозе. - Ленинград.: изд-во Ленинград, 1981, -С 47.

Шунингдек, илмий-техника ютуғи бўлмиш атом, биокимёвий қуроллар, замонавий оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқариш, синаш ва уларни кенг қўламда тарқатиш инсоният яшайдиган ижтимоий муҳит учун жуда катта хавфга айланиб бормоқда.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген омилларнинг таъсири тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда. Бу эса ер юзида ҳаётий жараённинг барқарор давом этишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш учун барча курашиши лозимдир. Бу ҳолатда АҚШлик ҳуқуқшунос олим Уилям О.Дуглас ҳақли равишда: «Фақат кишилар онгида ўзгариш яшаш кутилган натижаларга олиб келади. Агар биз ўзимизни ва биосферани сақлаб қолмоқчи бўлсак, барчамиз ёшу қари табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳақиқий, фаол ва керак бўлса агрессив курашчиларига айланмоғимиз даркор»⁶³, - деб таъкидлаб ўтганлигини келтириб ўтиш kifоя.

Бевосита шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида бугунги илмий-техника тараққиёти натижасида юзага келган экологик муаммолар ижтимоий онгининг ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказётганлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, ҳозирги илмий-техника тараққиёти даврида инсоният табиатнинг бевосита ривожланиш қонуниятларини англаб етиши ва унга ҳар қачонгиданда амал қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади»⁶⁴. Шу нуқтаи назардан, хўжалик фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда табиат қонуниятларини

⁶³ Дуглас Уилям О. Трехсотлетняя война. Хроника экологического бедствия: Пер. с англ. –М., 1975. –С.238

⁶⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 112-113.

ҳисобга олиш ва уларга риюя этиш атроф муҳитга таъсир жиҳатдан зарарли фаолиятни экологик асослашнинг ҳамда унга йўл қўймасликнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим. Уларни билиш ва ҳисобга олиш, экологик раёнлаштириш, табиат заҳираларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини қўллаш, экологик экспертиза, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз технологияларни татбиқ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг шу каби бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳар бир кишининг ўзи яшаб турган муҳит (худуд)нинг ҳолатидан хабардор бўлиши ҳисобга олинади. Бунда худудга яқин тўғон, сув омбори, дарё, канал, ишлаб чиқариш корхонаси сингари экологик хавfli объектларнинг инсон соғлиғи ва ҳаёти учун зиён бермаслиги, мабодо ушбу объектларда тасодиф ҳолатда бирор-бир ҳалокат юз берадиган бўлса, хавфни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар олдиндан пухта режалар асосида ишлаб чиқилиши шартлигини назарда тутати. Ҳар бир шахсга ўзи яшаб турган худуддаги экологик хавfli объектлар бўйича доимий равишда ахборот бериб борилиши лозим. Яъни, худуддаги «заҳарли» саноат корхоналари, ёниш ёки портлаш хавфи юқори бўлган жисм ва моддалар, сув омбор ва тўғонлар, дарё ва каналлар, қурилган уй-жойлар, аҳоли пунктлари жойлашган худудлар, ер остидан фойдаланиш объектлари ва бошқа хавф келтириб чиқариши мумкин бўлган объектлар бўйича маълумотларга эга бўлиши талаб этилади. Зеро, «Агар эҳтимоллий табиий офатлар ҳақида ўз вақтида хабардорлик таъминланмаса, бу чинакам экологик фожиаларга йўл очиб бериши муқаррар. Масалан, бир неча йил аввал Гаитида содир бўлган кучли зилзила натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлганидан ташқари аҳоли орасида тарқалган вабо ва бошқа касалликлар ҳам минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлди»⁶⁵.

Бугунги фан-техника тараққиётида Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши, унинг аҳолиси

⁶⁵ Абдуллабеков Қ. Экологиянинг глобал ва локал муаммолари // Экология хабарномаси, 2016. № 11 (187). – 14 б.

саломатлиги, шунингдек, экологик хавфсизлик, табиий экотизимларни сақлаш ва атроф-муҳитнинг мутаносиб сифатини сақлаб туриш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклашга кўп жиҳатдан ҳар бир шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали эришиш мумкин. Бу борадаги давлат сиёсатининг муваффақияти тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шу боисдан мамлакатимизда экологик муносабатларни тартибга солувчи ўнлаб қонун ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши бугунги фан-техника тараққиётида у ёки бу даражада табиатни муҳофаза этиш муносабатларини такомиллаштиришга, табиий ресурсларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами кенгайиб ва ривожланиб бораётгани, илмий-техника тараққий этиб бораётган, бозор иқтисодиёти жараёнида инсон ва фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатлари тобора ўсиб бораётган бугунги кунда ушбу воқеликка мос равишда жорий қонунчилик билан бирга, ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид фаолиятни ҳам такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, бугунги илмий-техника тараққиётида табиий атроф-муҳит барқарорлигини сақлаб қолиш, уларнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, «табиат-шахс-жамият» тизимидаги ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммоларини ҳал этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, ҳар бир инсон онгида экологик маданиятни шакллантириш барчанинг ўз олдигаги энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаши лозим. Табиатнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши, унинг ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланишда рўй бераётган шафқатсизлик асосан моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг ошиши билан эмас, балки кишиларнинг экологик онгининг пастлиги, экологик қонунларни билмаслиги, саводсизлиги ҳамда маданиятсизлиги туфайли юзага келмоқда. Бу борада, С.Мамашокировнинг: «Табиатнинг ифлосланиши, унинг бойликларидан фойдаланишда рўй бераётган шафқатсизлик фактларига, инсоннинг хўжалик ва моддий ишлаб чиқариш

эҳтиёжлари ўсиши эмас, балки биосфера экологик мувозанат қонунларини билмаслиги, саводсизлиги ҳамда маданиятсизлиги асосий сабаб бўлмоқда»⁶⁶, -деб билдирган фикрлари аини ҳақиқатдир.

Кишилар табиий атроф-муҳитни ҳали яхши ўрганмай туриб, унга кўпинча техникавий ва иқтисодий мезонлар нуқтаи назаридан ёндашадилар, бунда улар табиатнинг биологик, психологик, маънавий ва эстетик жиҳатдан таъсир этишини ҳисобга олмайдилар. Табиатга айнан шундай муносабатда бўлиш жамиятни оғир ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Аини пайтда Она табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, келажак авлодга уни гўзал ва табиийлигича етказиш бугунги илмий-техника тараққиётининг муҳим вазифаси эканлигини аниқламоқда.

Ушбу параграф бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, бугунги экологик ҳолат ҳар бир шахсдан табиий атроф-муҳитни ўзлаштириш жараёнида ўзига хос ёндашувларни кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, экотуризмнинг ривожланиш самарадорлигини таъминлашда экологик ҳуқуқий тарғиботчи, таълим ва тарбиячилар бугунги даврга мос равишда ўзлари замонавий экологик таълим-тарбия сирларидан хабардор бўлишлари, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олишлари ва мукамал эгаллаган бўлишлари талаб этилади;

учинчидан, ҳар бир шахс давр характеридан келиб чиқиб, экологик барқарорликни таъминлашда инновацион фаолиятга таянган ҳолда бевосита баркамол шахс тарбиясига эътибор қаратиши ва ҳар бир кишида табиатга нисбатан чинаккам иштиёқни уйғотишда бевосита инновацион фаолиятга асосланган ишлар самарадорлигини ошириб бориш объектив заруриятга айланмоқда;

тўртинчидан, тарихий тараққиёти давомида жуда кўп мураккабликларга гувоҳ бўлган инсоният бугун ўзининг кашфиётлари, яъни ақлий салоҳияти натижасида вужудга келган мураккаб тарихий даврни ҳам бошдан кечирмоқдаки, фан-техника

⁶⁶Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2012. – 3 б.

жадал суръатлар билан ривожланиб, инсон ва табиат ўртасидаги табиий мувозанатни сақлаш заруриятини кўрсатмоқда;

бешинчидан, олиб борилган илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда замонавий экотуризмни ривожлантиришда шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш бирламчи омил сифатида ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

1.4§ Замонавий экотуризмни ривожлантириш тамойиллари.

Бугунги кунда деярли кўпчилик ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатлар табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш йўлларини излаб топишга ва шу билан бирга мамлакат иқтисодиётини кўтариш мақсадида ҳудуд ички имкониятларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада экотуризмнинг имкониятлари анча кенг бўлиб, ундан ўринли фойдаланиш ва уни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, айни вақтда экотуризм жуда тез ривожланаётганлиги ва айрим хорижий мамлакатларда сайёҳларнинг асосий кўп қисмини жалб қилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, бу борада Эквадор, Коста-Рика, Непал, Кения, Мадагаскар, Австралия, Америка, Янги Зеландия, Финландия, Дания, Норвегия, Ирландия, Швеция ва Исландия каби давлатлар етакчи ўринга эга бўлиб, экотуризмдан келадиган даромади миллионлаб долларни ташкил этади.

Ушбу давлатларнинг баъзи бирларини таҳлил қиладиган бўлсак, жумладан, «Непалда экотуризм табиий ресурслардан фойдаланишга ёрдам бериши, биологик хилма-хилликни сақлаши, ўрмон қопламини кўпайтиришга хизмат қилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга, кўкаламзорлаштириш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ижобий таъсир этиши зарурлиги шарт қилиб қўйилган»⁶⁷. Ушбу мамлакат ўзининг баланд тоғлари, жўшқин дарёлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги билан сайёҳларни жалб қилади.

⁶⁷ Anup K.C. Ecotourism and Its Role in Sustainable Development of Nepal <http://dx.doi.org/10.5772/62308>

Европа давлатлари орасида Финляндия энг қулай экологик вазиятга эга мамлакатлардан бўлиб, у ҳавосининг тозалиги билан машҳурдир. Шунингдек, бу ерда сув экотуриزمни кенг ривожланган. Ушбу давлатга келган дам олувчилар балиқ овлаш, резаворлар ва кўзиқоринлар териш каби севимли машғулотлар билан шуғулланишлари, маҳаллий аҳоли билан дўстона мулоқот қилишлари ёки шунчаки гўзал табиатдан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Экотуризмнинг ички имкониятлари кенг бўлган мамлакатлардан бири бу Исландиядир. Маълумки, ушбу давлат сайёрамиздаги энг катта вулқон ороли бўлиб, ҳудудида икки юздан ортиқ вулқон мавжуддир. Яъни сайёҳларни фаол бўлиб турган ноёб иссиқ гейзерлар ўзига жалб қилади. Шунингдек, Исландия табиатнинг асл шаклини сақлаб қолганлиги билан ҳам машҳурдир (абдий музликлар, вулқонли тоғлар, тошли чўл водийлари, ўсимлик ва ҳайвонлар биохилма-хиллиги).

Экотуризм йўналиши ривожланган шундай давлатлардан бири Норвегия бўлиб, сайёҳларни ўзига жалб қилувчи шаршаралари, тоғ тизмаси бўйлаб жойлашган чуқур қўлтиқлари билан машҳурдир.

Ўзининг экологик тизими билан ажралиб турадиган давлатлардан бири бу Янги Зеландиядир. Унинг табиати кўплаб мўъжизаларни ўзида мужассам этган бўлиб, ўрмонлар, сув ўтлоқлари, пляжлар, вулқонлар, шаршаралар, музликлар, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги барчани ўзига ром этади. Яшил ўтлоқлари билан машҳур Ирландия, гўзал яшил шаҳарлари, чиройли кичик аҳоли пунктлари, ўрмонлари, ўтлоқлар, қўллари ва дарёлари билан машҳур бўлган Швецияни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти экспертлари маълумотига кўра яқин келажақда экологик туризмнинг ўсиш суръати йилига 10-15 фоизни ташкил этади⁶⁸ ва бу даромадлар иқтисодиётни

⁶⁸ Глобализация и институциональная модернизация экономики России: теория и практика: монография / Под общ. ред. В. В. Бондаренко, Е. М. Щербакова, Н. В. Колгановой, Т. В. Харитоновой. М.: Прометей, 2019.

ривожлантиришга хизмат қилади. Американинг TripAdvisor⁶⁹ сайёҳлик сайти томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бутун туризм саноатида экотуризмнинг улуши тахминан 10 фоизни ташкил этади, яъни, саёҳатчилар умумий сонининг 30 фоизигача экотуристар ташкил этишини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш омилларида бири бўлган экотуризмнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш ва бу йўлда юқори даражадаги хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, табиатга зиён етказмасдан табиатнинг софлигини сақлаб қолган ҳолда замонавий меҳмонхоналар қуриш, йўл-коммуникация тизимини яхшилаш, қўшимча шарт-шароитлар яратиш, экотур операторликни тизимли ва узлуксиз йўлга қўйиш механизмининг такомиллаштириш, меҳмонхона ва ресторан хизматларини халқаро талаблар даражасига кўтариш, малакали экогидларни жалб қилиш, мамлакатнинг табиий иқлим имкониятларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни изчил йўлга қўйиш ва ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Шу маънода ҳозирги кунда экотуризмнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон экотуризмнинг ички имкониятларига эътибор қаратадиган бўлсак, Зомин, Бахмал (Жиззах), Чимён-Чорвоқ (Тошкент), Ҳисор, Боботоғ, Кўҳитангтоғ (Сурхондарё), Ҳазрати Султон (Қашқадарё), Нурота (Навоий-Жиззах), Зарафшон тоғ тизмасида Ургут (Самарқанд), Олой (Фарғона), Қурама, Чотқол (Наманган) сингари тоғли ҳудудларнинг имкониятлари анчагина кенгдир. Фақат уни тўғри ташкиллаштириш орқали янада кенг ривожлантириш мумкин. Шунингдек, Устюрт платформаси, Қизилқум чўли, Орол денгизи ҳудудлари, Айдаркўл, Зарафшон, Амударё ва Сирдарё соҳилидаги тўқайзорлар ва табиатнинг бошқа кўплаб ноёб ёдгорликлари бўйлаб кенг қамровли экотурлар ташкил этиш мамлакатнинг ҳам

⁶⁹Гергиев И. Э. Актуальные проблемы устойчивого экономического роста России. LAP (LAMBERT Academic Publishing). Omni Scriptum GmbH&Co. KG Bahnhofstrasse 28, 66111 Saarbrücken, Germany, 2017.

ижтимоий-иқтисодий, мадананий ривожланишида, ҳам табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда самарали натижа беради. Ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришда ҳудуднинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал тарзда ёндашишни талаб қилади. Тоғли ҳудудларда сунъий кўллар, сув омборларини ҳосил қилиш («Кампирравот» (Андижон), «Чорвоқ» (Тошкент), «Тўпаланг» (Сурхондарё сингари) ишларини яна ҳам такомиллаштириш, сув билан ишлайдиган ишлаб чиқариш мосламалари (мини ГЭС, сув тегирмони, ёғ жувози ва ҳ.к.)ни бунёд этиш кенг кўламдаги сайёҳларни жалб қилишга, моддий эҳтиёжни қондиришга ва шу ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга имконият яратади. Бу борада Зомин, Бахмал, Чимён-Чорвоқ, Ҳисор, Боботоғ, Кўхитантоғ, Ҳазрати Султон, Нурота, Зарафшон тоғ тизмасида Ургут, Олой, Қурама, Чотқол сингари тоғли ҳудудларнинг имкониятларидан кенг миқёсда унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Худди шундай Устюрт платформаси, Қизилқум чўли, Орол денгизи ҳудудлари, Айдаркўл, Зарафшон, Амударё ва Сирдарё соҳилидаги тўқайзорларда ҳам жойлашув ўрнидан келиб чиқиб маълум бир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кутилган натижани беришга замин яратади. Хусусан, қуйидаги амалий ишларни янада кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш лозим. Бунда бевосита «Яшил макон» шиори остида турли хил манзарали дарахтлар экишни янада кенгайтириш лозим. Айниқса, ёшлар ўртасида бу амалий тадбирни оммалаштириш, яъни бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 54 фоизини (19 миллион) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, агар «Ҳар бир ёш битта кўчат эксин» шиори остида ушбу тадбир самарали амалга ошириладиган бўлса, мамлакатимизда бир йилнинг ўзида 19 миллиондан ортиқ кўчат экилишига эришиш мумкин. Бу ишларнинг амалий ечими сифатида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 2 ноябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида йилига 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгилаб қўйилгани кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштиради. Зеро, кўкаламзорлаштириш ҳавонинг чангдан

ифлосланиш даражасини 40 фоиз камайтиради⁷⁰. Бу эса ўз навбатида, биринчидан, ҳаво тозалигини (кислород билан тўйинтиради) таъминлайди;

иккинчидан, худудга эстетик чирой бағишлайди;
учинчидан, ҳар бир сайёҳда эстетик завқ ҳосил қилади;
тўртинчидан, тупроқ дегратациясини олдини олади;
бешинчидан, иқлим барқарорлигини таъминлайди ва ҳ.к.

Тадқиқотчи олимларимиздан бири Н.Юнусов таъкидлаганидек, биринчидан, туристлар оқимини тартибга солиш; иккинчидан, муқобил хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш; учинчидан, илмий тадқиқот ишлар кўламини кенгайтириш бу борадаги ишлар натижадорлигини оширади;

иккинчидан, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида чўлларда, адирларда ва тоғли худудларда «Тирик табиат музейлари»ни ташкил этиш ҳам анча яхши самара беради. Бу биринчидан, табиий барқарорликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилишга ўз таъсирини кўрсатади;

учинчидан, худуддаги чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш. Хусусан, ёшларни мактаб, маҳалла, алоҳида хонадон худудини ободонлаштириш ишларига ёшлигидан эътибор қаратиш ва бунда «Атроф-муҳитни асрайлик» шиори остидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш мақсадга мувофиқ. Зеро, худуднинг ободлиги ва тоза сақланиши сайёҳларнинг кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, табиатдаги мавжуд объектлардан самарали фойдаланиш билан биргаликда, худуд миллий хусусиятларидан келиб чиқиб турли кўнгилочар дастурлар, сунъий табиат боғлари (ўсимлик ва ҳайвонот боғлари)ни ташкил этиб саёҳатчиларнинг яна ҳам кенг кўламини жалб қилиш экотуризмнинг имкониятларини оширишга хизмат қилади. Сайёҳларнинг жалб

⁷⁰ Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. – Т.: НУР, 1993. – 118 б.

килиниши, албатта худудда янги иш ўринларини юзага келишига ва бу даромад манбаининг шаклланишига олиб келади.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда аҳолини иш билан банд этишда ва одамлар даромадини янада оширишда туризмни ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида: «Ижтимоий ривожланиш соҳасида – аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш»⁷¹, бевосита устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Бу вазифаларни амалга оширишда экотуризмнинг имкониятларидан ўринли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, экотуризмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда уни маълум бир тамойиллар асосида тизимли амалга ошириш, энг аввало, экологик хавфсизликни таъминлашга, «табиат-шахс-жамият» тизимида уйғунликка ва барқарорликка эришишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга ҳамда келажак авлодлар соғлиги саломатлиги учун табиий атроф-муҳитни асраб қолиш масъулиятини ҳам ҳис этишга ёрдам беради.

⁷¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони. 2019 йил 17 январь, ПФ-5635-сон. www.lex.uz

Россиялик олимлар В.П.Кекушев, В.П.Сергеев, В.Б.Степаницкийлар экотуризмни бошқаришнинг социологик-психологик, менежерлик сингари ўзига хос тамойиллари мавжудлигини кўрсатиб ўтадилар. Ҳозирда экотуризмни ривожлантириш тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда экологик хавфсизликни таъминлаш, «табиат-шахс- инсон -жамият» тизими уйғунлиги ва барқарорлигини таъминлаш, табиат бойликларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, келажак авлодлар учун табиатни асраб қолиш масъулиятини ҳис этиш, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Экотуризмни амалга оширишда қуйидаги муайян тамойилларга амал қилиш лозим:

1. Экотуризмнинг инсон фаолияти ва амалиёти билан узвий боғлиқлиги.

2. Экотуризмнинг илмийлиги: табиий, ҳуқуқий, ижтимоий-фалсафий билимлар билан боғлиқлиги.

3. Экотуризм соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда экотуризм салоҳияти юқори бўлган хориж мамлакатлари тажрибаларини ўзлаштирганлиги;

4. Экотуризм ривожда ҳар бир шахсда етарлича таълим ва тарбиянинг мавжудлиги.

5. Ҳудуд имконияти (тоғ ва тоғ олди, чўл ва ўрмон, дарё ва кўллар)нинг тўғри ҳисобга олинганлиги ва ҳ.к.

Шунингдек, замонавий экотуризмнинг ривожланиш жараёни бир-бири билан ўзаро диалектик боғлиқ бўлган муайян тамойиллар асосида амалга ошиб, бизнинг фикримизча, бу тамойилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- экотуризм ривожда қонун устуворлигининг таъминланганлиги;

- экотуризмнинг ўз-ўзини ташкиллаштириши;

- ҳудуд имкониятларини тизимли таҳлил қилиш ва тўғри баҳолаш;

- экотуристлик хизматларнинг етарли даражада йўлга қўйилганлиги;

- замонавий экотуризм ривожда «табиат-шахс-жамият» тизимидаги манфаат ва эҳтиёжнинг мос келиши;

- экотуризм соҳасида «ташқиллаштириш-бошқариш-назорат қилиш» тизимининг йўлга қўйилганлиги;

- экотуризмнинг ҳар бир тури имкониятларини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Шу жиҳатдан олганда, шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтиришга қаратилган фаолият қуйидаги тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш;

- шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган вазифаларни ҳал этишга давлат экологик сиёсатининг таркибий қисми сифатида қараш;

- шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтириш жараёнида аҳолининг миллий-маънавий қадриятлари, хусусан, тарихий-маданий ва диний анъаналари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи, интеллектуал ҳолати, шунингдек, табиий шарт-шароитлар, демографик ҳолат, давлатнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатининг асосий қоидалари қабиларни ҳисобга олиш;

- «табиат-шахс-жамият» муносабатлари тизимида фуқароларнинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари устуворлигидан келиб чиқиш;

- экологик таълим, тарғибот ва тарбия фаолиятини табиатни муҳофаза қилиш муммоларини ҳал этиш амалиёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш;

- ҳар бир шахсга Она табиатга нисбатан онгли равишда муносабатда бўлиш кўникмаларини сингдириб бориш;

- экологик ахборотнинг ҳар бир шахс учун доимий равишда очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш;

- давлат ва жамоат ташкилотларини шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга кенг жалб қилиш;

- экологик таълим ва тарғибот соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш;

– экологик ҳукукий тартиботни қарор топтириш ва бу борадаги ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва бошқалар.

Ўз навбатида, юқорида санаб ўтилган тамойиллар давлатнинг экологик сиёсатини тадбиқ этиш доирасида амалга оширилиши лозим.

Замонавий экотуризмнинг имкониятларидан фойдаланиш жараёнида қуйидаги мезонлар муҳим ўрин тутади:

биринчидан, ҳудуднинг диққатга сазовор табиий флора ва фаунаси, мусаффо ҳавоси, сув ресурслари ва ландшафтининг етарли даражада бойлиги;

иккинчидан, ҳудуддаги ижтимоий-маданий муҳитнинг барқарорлиги ва тўғри ташкиллаштирилгани;

учинчидан, йўл-қурилиш инфратузилмасининг мавжудлиги;

тўртинчидан, сифатли хизмат тизимининг йўлга қўйилганлиги.

Юқоридаги мезонлар асосида экотуризмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш аввало, табиий объектларга оқилона ёндашишни, табиатни барқарор бошқаришни, иқтисодий тежамкорликни, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини ривожлантиришга ва ҳар бир шахсда экологик тарбияни шакллантиришда пойдевор вазифасини бажаради.

Бугунги замонавий экотуризм ривожланиш босқичининг энг муҳим характерли хусусиятларидан бири жамият экологик онги ва маданиятини ошириш билан белгиланмоқда. Шу билан бирга, дунёдаги экологик вазият айти пайтда экологик муаммоларни олдини олиш билан боғлиқ янги ёндашувларни ишлаб чиқишни ва бу орқали табиий муҳитни сақлаш муаммоларини ҳал қилишни тақозо қилмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилишда бир нечта сабабларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Экотуризм энг самарали ривожланаётган туризмнинг мустақил соҳаси бўлиб, янги иш ўринларини вужудга келтиради, табиат барқарорлигини ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи омил сифатида фаолият олиб боради.

2. Экотуризм барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий потенциалини кўтаради.

3. Экотуризм бевосита онтологик, гносеологик, аксиологик ва ижтимоий-эстетик функцияни бажаради.

Шундай экан, экотуризмнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш табиат учун ҳам, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам манфаатли бўлиб хизмат қилади. Фақат унинг имкониятларини ҳисобга олиш, уни ривожлантириш ишларини доимий равишда жадаллаштириб бориш ва айни пайтда, табиатга эстетик муносабатда экологик мақсаднинг устуворлашувини эътиборга олиш лозимдир.

Бу борада А.Қ.Айматовнинг: «Табиатга эстетик муносабатда экологик мақсад устуворлашиб, унинг функционал йўналишини белгилаб беришини объектив жараён сифатида эътироф этиш керак. Зеро, табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда экологик онг ва маданиятнинг функционал роли кучайиб, аҳамияти ошиб бориши инсоният экологик эҳтиёжларидан келиб чиқади ҳамда цивилизация келажаги манфаатларига мосдир»¹, - деб ёзишида маълум бир асос бор. Модомики, шахсда табиатдаги мавжуд табиий ландшафт, флора ва фаунага нисбатан эстетик онг мавжуд бўлмас экан, табиатни бор вужуди билан ҳис қилмас экан экотуризмнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини сақлаб қолади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, экологик ҳуқуқий онг, ахлоқий-эстетик онг табиий борлиқни билиш ва англаш функцияларини бажаради ҳамда экотуризмнинг ривожланишига ва бу орқали экологик барқарорликни таъминлаш имконини туғдиради, деб хулоса қилиш мумкин.

Ушбу параграфга қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, замонавий экотуризмнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш омилларидан бири бўлиб, бу йўлда юқори даражадаги хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиб, бу соҳада зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини кўрсатмоқда;

¹ Айматов А. Шахснинг табиатга экоэстетик муносабатини шакллантириш масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. - 7 б.

иккинчидан, ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришда ҳудуднинг табиий хусусиятларини ҳисобга оган ҳолда кенг камровли экотурлар ташкил этиш мамлакатнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, мадананий ривожланишида, ҳам табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда самарали натижа беради ва бу дифференциал тарзда ёндашишни талаб қилмоқда;

учинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, табиатдаги мавжуд объектлардан самарали фойдаланиш билан биргаликда, ҳудуд миллий ментал хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли кўнгилочар дастурлар, сунъий табиат боғлари (ўсимлик ва ҳайвонот боғлари)ни ташкил этиш кенг кўламдаги саёҳатчиларни жалб қилишга ва бу ҳудудда янги иш ўринларини юзага келишига ҳамда даромад манбаининг шаклланишига имкон яратади;

тўртинчидан, экотуризмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда уни тизимли амалга ошириш энг аввало, экологик хавфсизликни таъминлашга, «табиат-шахс-жамият» тизимида уйғунликка ва барқарорликка эришишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, келажак авлодлар учун соғлом табиий атроф-муҳитни асраб қолиш масъулиятини ҳис этишга ёрдам беради;

бешинчидан, ҳар бир шахсда табиий объектларга оқилона ёндашиш, табиатни барқарор бошқариш, иқтисодий тежамкорлик ва экологик тарбияни шакллантиришда, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини ривожлантиришда замонавий экотуризмнинг ички имкониятлари юқори бўлиб, у бирламчи омил сифатида хизмат қилади.

1.5§ Замонавий экотуризмни ривожлантириш ва шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш тенденцияларини баҳолаш мезонлари

Бугунги кунда соф экологик муҳитни асраш, экологиянинг инсон ҳаётида тутган ўрнини белгиловчи мезонларни топиш, шахснинг экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, режалар ҳамда амалий ишларнинг натижадорлигини ўлчовчи методологияни яратиш ва мавжуд муаммолар ўртасидаги корреляцион алоқадорликни кўрсатишга

қаратилган моделлардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки биз яшаб турган замонавий дунёнинг “*ядроси*” – экология эканлигини тушуниб етмас эканмиз, инсон ва соф экологик муҳит интеграциясини топиш йўлида қилинаётган ишлар самарадорлигини баҳоловчи моделлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлмас эканмиз – қилаётган ва эришаётган ишларимизнинг самарадорлик даражаси сезилмасдан қолиб кетаверади. Шу сабабли, танланган мавзу (*Замонавий экотуризм ривожда шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш зарурияти*) доирасида олиб борилган социологик тадқиқот натижаларини математик моделлаштириш мақсад қилинди. Зеро буюк назарийчи Пол Лафар айтганидек, “Қачонки илм фанда математика фанидан фойдалангандагина буюк муваффақиятларга эришиш мумкин”⁷².

Умумий тушунча: математик моделларнинг тадқиқот ишларида қўлланилиши XVI асрдаёқ бошланган бўлиб, XIX асрларда дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ривожланиши уни турли соҳа масалаларини ечиш учун тадбиқ қилишга кенг имконият яратди. Шу сабабли XX аср турли соҳаларда математик усулларнинг кенг қўламда қўлланиши билан характерланади. Маълумки, ҳар қандай тадқиқот доимо назария ва амалиётни биргаликда олиб боришни тақозо этади.

Моделлаштириш ва моделлар ўзининг турли соҳалардаги тадбиқларига қараб, моддий ва абстракт деб аталувчи синфларга бўлинади. Масалан, моддий моделлар асосан ўрганилаётган объект ва жараёни геометрик, физик, динамик ёки функционал характеристикаларини ифодалайди.

Абстракт моделлар инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, улар тушунчалар, гипотезалар ва турли хил қарашлар тизимидан иборатдир. Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш заруриятини ўрганиш, таҳлил қилишда асосан абстракт моделлаштириш усули кўпроқ қўл келади.

Ушбу тадқиқотда қўлланилаётган “*Хи-квадрат критерий*” усули 1900 йилда Карл Пирсон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Пирсоннинг қониқош критерийси деб ҳам аталади. Пирсон модел башоратлари билан тажриба маълумотлари ўртасидаги

⁷²ЯздановУ.Т. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари. –Т.: NISHON-NOSHIR, 2015. –Б.87

боғлиқликни очиб бериш назариясини кўрсатди. Модел номаълум параметрларини баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ва модел билан тажриба маълумотлари ўртасидаги келишувини текширишда кўл келади.

Баъзан олинган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида бир нечта кичик жадвалларни ўз ичига олган мураккаб жадвалларга дуч келамиз. Бундай жадвалларни таҳлил қилиш бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Табиийки, бундай вазиятда жадвални қисм жадвалларга ажратган ҳолда таҳлил қилиб, сўнг натижаларни умумлаштирган ҳолда хулоса чиқарилса, самарали натижаларга эришиш мумкин.

χ^2 критерийси ёрдамида сўровнома натижаларининг ҳар бир вариантда олган частотасини аниқлашимиз мумкин. Бу частотани χ^2 коэффиценти деб атаймиз. Таъкидлаш керакки, келтирилган критерийда χ^2 ни бирор-бир қийматнинг квадрати деб эмас, балки критерий номидан келиб чиққан ҳолда белгилаш сифатида қабул қилиш керак⁷³.

Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш заруриятини ўрганишда “хи-квадрат критерий” усулининг қай даражада муҳимлиги Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоят⁷⁴ларида олиб борилган социологик сўровнома натижалари жадвал кўринишида таҳлил қилиниб, олинган натижалар жадвалга солинганда (*1-жадвалга қаранг*), тадқиқотнинг умумий натижалари куйидаги шаклга келди.

1-жадвал

№	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти	
	Мавзу:	Сиз экотуризм деганда нимани тушунасиз?	
	Респондент ва тадқиқот объекти	Ота-онанинг иш билан бандлик ҳолати	
		Ота-Она (Доимий иш жойига эга)	Ота-Она (Доимий иш жойига эга эмас)
		15	15
Ҳар бир мактабдан 30 та ўқувчи танлаб олинди.			

⁷³ Язданов У.Т. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари. –Т.: NISHON-NOSHIR, 2015. –Б.113-114

⁷⁴Ушбу тадқиқот 2021 йилда Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида жойлашган умумий ўрта мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган.

	хақидаги умумий маълумот	Респондентларнинг табақаси				
		9-синф				
		Респондентларнинг жинси (15-ўғил; 15-қиз)				
		Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактаб	Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри 47-сон умумий ўрта таълим мактаб	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 19-умумий ўрта таълим мактаб	Наманган вилояти Норин тумани 16-сон умумий ўрта таълим мактаб	Самарқанд вилояти Ургут тумани 13-сон умумий ўрта таълим мактаб
		Саволнома				
1	Сиз ўзингизни экологик дунёқарашга эга деб ҳисоблайсизми?					
	Ҳа	9	7	11	10	13
	Қисман	4	2	1	5	1
	Ўзимга етарли даражада	10	13	16	9	16
	Ўйлаб кўрмаганман	6	5	2	4	-
	Йўқ	1	3	-	2	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	33.3	43.3	53.3	30.0	53.3
2	Сизнинг фикрингизча инсон қачон атроф-муҳит софлигини истай бошлайди?					
	Қачон ўзида экология софлигига эҳтиёж сезса	3	5	9	11	10
	Етарли даражада экологик билимга эга бўлсагина	9	6	11	7	9
	Экологик муаммоларга учраса	14	11	7	6	7
	Ўйлаб кўрмаганман	3	5	3	4	3
	Билмайман	1	3	-	2	1
	<i>Респондент берган жавобининг</i>	30.0	20.0	36.6	23.3	30.0

	<i>тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>					
3	Экологик тарбия инсонга нима беради?					
	Бахтли яшаш имкониятини беради	9	7	6	8	6
	Табиат бағрида юриш имкониятини беради	8	10	7	7	6
	Соғлом яшаш ва табиатни севиш имкониятини беради	6	10	10	12	10
	Ўйлаб кўрмаганман	5	3	4	3	5
	Билмайман	2	-	3	-	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	20.0	33.3	33.3	40.0	33.3
4	Экотуризм тушунчасини қандай изоҳлайсиз?					
	Табиат бағридаги туризм бўлса керак	4	6	9	5	7
	Табиат ва туризм уйғунлашуви бўлса керак	3	5	7	6	5
	Табиатга туризмни олиб кириш бўлса керак	4	7	10	6	8
	Ўйлаб кўрмаганман	11	3	3	9	10
	Билмайман	8	9	1	4	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	13.3	23.3	33.3	20.0	26.6
5	Шахс экологик ҳуқуқий онги деганда нимани тушунасиз?					
	Инсон онгида юзага келган ҳуқуқий саводхонликни	3	5	5	4	4
	Инсон онгида экология билан боғлиқ ҳуқуқий саводхонликни ошишини	4	4	6	7	8
	Экология софлигини асрашга қаратилган ҳуқуқий	5	4	6	5	7

	саводхонликни					
	Ўйлаб кўрмаганман	12	10	12	14	10
	Билмайман	6	7	1	-	1
	Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)	13.3	13.3	20.0	23.3	26.6

Ушбу жадвалда келтириб ўтилган статистик маълумотларни таҳлил этишда респондентларни синфларига нисбатан олинди*.

Респондентлардан олинган маълумотларнинг синфи бўйича таҳлил этганимизда, кўп мезонли сўровномалар учун алоҳида мезонларнинг χ^2 коэффиценти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^m \frac{(E_i - T_i)^2}{T_i}$$

Бу ерда:

E_i – омилнинг қиймати;

i – омил бўйича эмперик қиймат;

T_i – теоритик қиймат.

Маълумки, эмперик қиймат жадвалдаги асл қиймат билан бир хил бўлади. Теоритик қиймат эса қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_i = \frac{\sum_{j=1}^n x_{ij} \cdot \sum_{k=1}^m x_{kj}}{\sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^m x_{kj}}$$

Бу ерда:

m – омиллар сони;

n – мезонлар сони;

x_{ij} – эса j – мезон бўйича i – омилдаги респондентлар сонини билдирувчи тартиб рақами. Бу формулани умумлаштириб,

*Ушбу метод ёрдамида респондентлардан олинган маълумотларни жадвал кўринишига келтирилгандан сўнг ижтимоий табақаси, ёши, жинси, ижтимоий аҳволи, иш билан бандлик ҳолати ва бошқа омилларига кўра таҳлил этиш ва ҳар бир мезоннинг χ^2 коэффиценти аниқлаш мумкин.

алоҳида мезонларнинг χ^2 – коэффициентини топиш формуласини қуйидагича ёзиш⁷⁵ мумкин:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^m \frac{\left(E_i - \frac{\sum_{j=1}^n x_{ij} \cdot \sum_{k=1}^m x_{ij}}{\sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^m x_{kj}} \right)^2}{\frac{\sum_{j=1}^n x_{ij} \cdot \sum_{k=1}^m x_{ij}}{\sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^m x_{kj}}}$$

Юқорида келтириб ўтилган формуладан фойдаланган ҳолда “Сиз экотуризм деганда нимани тушунасиз?”* мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларини таҳлил қиламиз.

Ушбу намунада $m = 5$, $n = 5$

$\chi^2_{6-sonumum}$. (Хоразм вилояти) респондентлари фикрининг муҳимлилик коэффициентини аниқлаш жараёни қуйидагича бўлади:

$$E_1 = 10; E_2 = 13; E_3 = 16; E_4 = 9; E_5 = 16;$$

$$\sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^m x_{kj} = (9 + 7 + 11 + 10 + 13 + 4 + 2 + 1 + 5 + 1 + 10 + 13 + 16 + 9 + 16 + 6 + 5 + 2 + 4 + 1 + 3 + 2) = 150$$

$$T_1 = \frac{\sum_{j=1}^n x_{1j} \cdot \sum_{k=1}^m x_{1j}}{\sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^m x_{kj}} = (9 + 4 + 10 + 6 + 1) \cdot \frac{10 + 13 + 16 + 9 + 16}{150} = \frac{30 * 64}{150} = 12,8$$

$$\frac{(E_1 - T_1)^2}{T_1} = \frac{(10 - 12,8)^2}{12,8} = 0,6125$$

Демак, берилган саволларга Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синф ўқувчилари (респондентлар) берган жавобларининг бир савол бўйича коэффициенти $\frac{(E_1 - T_1)^2}{T_1} = 0,61$ га тенг экан.

⁷⁵Язданов У.Т. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари. –Т.: NISHON-NOSHIR, 2015. –Б.116

*Ушбу тадқиқот 2021 йил май ойида Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактабида ўтказилди.

Ушбу респондентлар томонидан қолган 4 та саволга берган жавобларини ҳам кўриб чиқамиз. Бунда фақат ҳисоб-китобларнинг сўнги натижалари келтириб ўтилади. Чунки мақсадимиз ҳисоб-китобларни кўрсатиш эмас, балки саволларга респондентлар томонидан берилган жавобларнинг муҳимлилик коэффициентини аниқлаш. Керак бўлганда биринчи савол таҳлилига қараб қолганларини ҳам кўриб чиқиш мумкин.

$$\frac{(E_2 - T_2)^2}{T_2} = \frac{(9 - 8,4)^2}{8,4} = 0,04$$

$$\frac{(E_3 - T_3)^2}{T_3} = \frac{(6 - 9,6)^2}{9,6} = 1,35$$

$$\frac{(E_4 - T_4)^2}{T_4} = \frac{(4 - 7)^2}{7} = 1,28$$

$$\frac{(E_5 - T_5)^2}{T_5} = \frac{(4 - 5,8)^2}{5,8} = 0,55$$

Энди, юқорида келтириб ўтилган алоҳида-алоҳида коэффициентларни умумлаштириб, 6-сон умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синф ўқувчилари томонидан берилган беш савол (***1-жадвалда*** келтирилган 5 та саволга берган жавоблари умумий коэффициентини) бўйича умумий частотани, яъни коэффициентини аниқлаш тартиби χ^2 да қуйидагича ҳисобланади:

$$\chi^2_{6\text{-сон умум.}} = \frac{(E_1 - T_1)^2}{T_1} + \frac{(E_2 - T_2)^2}{T_2} + \frac{(E_3 - T_3)^2}{T_3} + \frac{(E_4 - T_4)^2}{T_4} + \frac{(E_5 - T_5)^2}{T_5} = 3,84$$

Юқоридаги математик ҳисоб китобдан хулоса шуки, Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган 6-сон умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синф ўқувчилари томонидан ***бешта саволга*** берган жавобларининг умумий коэффициентини 3,84 га тенг эканлигини кўрсатади.

Маълумот учун: юқоридаги келтириб ўтилган статистик маълумотлар жадвал шаклига келтирилиб, ундан Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синф ўқувчилари томонидан 5 та саволга берган жавоблари “хи-квадрат критерий” усулида таҳлил этилиб, уларнинг саволномаларга

берган жавоблари ўртасидаги муҳимлилик коэффициенти аниқланди.

Шунингдек, зарурат туғилганда жадвалда келтириб ўтилган бошқа мактаблардаги респондентлар томонидан берилган жавобларни “хи-квадрат критерий” формуласи ёрдамида таҳлил этиш ва жавоблар ўртасидаги коэффициентни топиш мумкин. 2-жадвалда тадқиқот жараёнида олинган натижалар **“хи-квадрат критерий”** методи ёрдамида таҳлил этилиб, жадвал кўринишига келтирилганда қуйидаги шакл юзага келди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

№	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти				
	Мавзу:	Сиз экогуризм деганда нимани тушунасиз?				
	Респондент ва тадқиқот объекти ҳақидаги умумий маълумот	Ота-онанинг иш билан бандлик ҳолати				
		Ота-Она (Доимий иш жойига эга)		Ота-Она (Доимий иш жойига эга эмас)		
		15		15		
		Ҳар бир мактабдан 30 та ўқувчи танлаб олинди.				
		Респондентларнинг табақаси				
		9-синф				
		Респондентларнинг жинси (15-ўғил; 15-қиз)				
		Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактаб	Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри 47-сон умумий ўрта таълим мактаб	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 19-умумий ўрта таълим мактаб	Наманган вилояти Норин тумани 16-сон умумий ўрта таълим мактаб	Самарқанд вилояти Ургут тумани 13-сон умумий ўрта таълим мактаб
Саволнома						
1		Сиз ўзингизни экологик дунёқарашга эга деб ҳисоблайсизми?				
	Ҳа	9	7	11	10	13
	Қисман	4	2	1	5	1
	Ўзимга етарли даражада	10	13	16	9	16

	Ўйлаб кўрмаганман	6	5	2	4	-
	Ўйк	1	3	-	2	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,61	0,003	0,08	1,12	0,8
2	Сизнинг фикрингизча инсон қачон атроф-муҳит софлигини истай бошлайди?					
	Қачон ўзида экология софлигига эҳтиёж сезса	3	5	9	11	10
	Етарли даражада экологик билимга эга бўлсагина	9	6	11	7	9
	Экологик муаммоларга учраса	14	11	7	6	7
	Ўйлаб кўрмаганман	3	5	3	4	3
	Билмайман	1	3	-	2	1
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,04	0,68	0,80	0,23	0,04
3	Экологик тарбия инсонга нима беради?					
	Бахтли яшаш имкониятини беради	9	7	6	8	6
	Табиат бағрида юриш имкониятини беради	8	10	7	7	6
	Соғлом яшаш ва табиатни севиш имкониятини беради	6	10	10	12	10
	Ўйлаб кўрмаганман	5	3	4	3	5
	Билмайман	2	-	3	-	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	1,35	0,01	0,01	2,4	0,01
4	Экотуризм тушунчасини қандай изоҳлайсиз?					
	Табиат бағридаги туризм бўлса керак	4	6	9	5	7
	Табиат ва туризм уйғунлашуви бўлса керак	3	5	7	6	5
	Табиатга туризмни олиб кириш бўлса керак	4	7	10	6	8
	Ўйлаб кўрмаганман	11	3	3	9	10
	Билмайман	8	9	1	4	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	1,28	0	1,28	0,14	0,14

	<i>саволга нисбатан</i>					
	Шахс экологик ҳуқуқий онги деганда нимани тушунасиз?					
5	Инсон онгида юзага келган ҳуқуқий саводхонликни	3	5	5	4	4
	Инсон онгида экология билан боғлиқ ҳуқуқий саводхонликни ошишини	4	4	6	7	8
	Экология софлигини асрашга қаратилган ҳуқуқий саводхонликни	5	4	6	5	7
	Ўйлаб кўрмаганман	12	10	12	14	10
	Билмайман	6	7	1	-	1
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,55	0,55	0,006	0,24	0,83
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий χ^2 коэффициент (беи саволга нисбатан)</i>	3,84	1,26	2,91	4,15	1,83

Тадқиқотимизнинг кейинги объекти сифатида Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида жойлашган олий таълим муассасалари⁷⁶ танланган бўлиб, ушбу олий таълим даргоҳларида тадқиқот мақсадидан келиб чикиб “Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?” мавзусида олинган сўровнома натижалари статистик (*фоиз ҳисобида*) таҳлил этилганда қуйидаги кўринишга келди (*3-жадвал*).

3-жадвал

№	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти		
	Мавзу:	Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?		
		Талабаларнинг туғилиб усган худудлари тўғрисида маълумот		
		Вилоят	Туман	Туманда

⁷⁶Ушбу тадқиқот 2021 йилда Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида жойлашган: Жиззах политехника институти,нинг 1,2,3,4-курс, жами 600 нафар талабалар ўртасида ўтказилган.

	Респондент ва тадқиқот объекти ҳақидаги умумий маълумот	марказида (Шаҳарда) яшовчи талабалар	марказид а яшовчи талабалар	(Қишлоқ да) яшовчи талабалар			
		10	10	10			
		Жадвалда келтирилган таҳлилда – ҳар бир олий таълим муассасасидан курслар кесимида 30 тадан талаба танлаб олинган					
		Респондентларнинг табақаси					
		2-курс					
		Респондентларнинг жинси (15-ўғил; 15-қиз)					
		Хоразм вилояти “ Маъмур университети”, НТМ	Қашқадарё вилояти Қарши давлат университети	Жиззах вилояти Жиззах политехника институти	Наманган вилояти Наманган давлат университети	Самарқанд вилояти Самарқанд давлат университети	
Саволнома							
1	Экотуризм тараққиётига эришиш мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир этади?						
	Ҳозирда туризмдан келадиган сармоя Ўзбекистон иқтисодиётининг 4/1 ташкил этмоқда	5	6	8	3	7	
	Ҳозирда туризмдан келадиган сармоя Ўзбекистон иқтисодиётининг 3/1 ташкил этмоқда	6	4	5	9	5	
	Ҳозирда туризмдан келадиган сармоя Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли даражада баҳоланмайди	10	7	3	10	12	
	Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётида туризмдан келадиган сармоя мавжуд эмас	5	7	9	8	4	
	Уйлаб кўрмаганман	4	6	5	-	2	
<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>		33.3	23.3	10.0	33.3	40.0	
2	Экотуризмни ривожлантириш бўйича давлатимизда қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?						
	Мустақиллик йилларида давлатимиз	9	7	6	9	7	

	томонидан 151 та туризмни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжат қабул қилинган					
	Кейинги беш йилликда давлатимиз томонидан 130 та, яъни сўнги 30 йиллик тарихимизда қабул қилинган туризмга оид меъёрий ҳужжатларнинг 86 фоизи қабул қилинди	6	8	9	5	7
	Кейинги 5 йилликда экотуризмга оид 2та меъёрий ҳужжат қабул қилинди	10	6	7	9	8
	Бугунга қадар Ўзбекистон конунчилиги экотуризмга оид бирорта меъёрий ҳужжат қабул қилгани йўқ	4	4	6	5	6
	Билмайман	1	5	7	2	2
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	20.0	26.6	30.0	16.6	23.3
	Экотуризмни ривожлантиришга масъул бўлган ташкилотларнинг асосий вазифаси нимадан иборат деб ҳисоблайсиз?					
3	Экотуризм ривожига тўсик бўлиб келаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш	4	7	6	6	4
	Инсонларга экотуризм хизматини ташкил этиш ва уни олиб бориш тизимини яратиш	9	8	4	6	7
	Ўзбекистон конунчилиги палатасига экотуризмга оид конун лойиҳаларини тақдим этиш	3	6	5	9	6
	Фуқаролар онгида экотуризмга бўлган муносабатни шакллантириш	6	9	4	7	6
	Уйлаб кўрмаганман	8	-	11	2	7
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	13.3	23.3	20.0	20.0	13.3
	Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак?					
4	Табиат ва унинг ресурсларига эътиборни кучайтириш керак	7	8	6	7	9
	Шахс онгида шаклланаётган “табиатга нисбатан нигилистик” муносабатни ўзгартириш керак	4	8	5	6	6
	Инсон манфаатлари устидан табиат манфаатлари устуворлигига эришиш керак	2	7	9	8	5
	Табиий тадрижийликни сақлашга эътибор қаратиш, яъни антропоген омилларни камайтириш керак	5	6	4	8	4
	Уйлаб кўрмаганман	12	1	6	1	6

	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	13.3	26.6	16.6	20.0	20.0
5	Экотуризм ривожига эришиш йўлида шахс экологик ҳуқуқий онгини янада ошириш борасидаги қандай муаммолар мавжуд?					
	Инсонларда эко-ҳуқуқий саводхонликни ошириш масъулияти етарли даражада мавжуд эмас	7	6	8	9	10
	Ёшлар тарбиясини олиб бориш жараёнида экологик ҳуқуқий онгини ошириш борасида аниқ механизм ишлаб чиқилмаган	8	9	5	7	6
	Жамият ижтимоий ҳаётига соф экотуризм мусоффолигини таъминлашга қаратилган ахлоқий концепция киритилмаган	2	5	3	7	4
	Ўйлаб кўрмаганман	10	7	6	6	7
	Билмайман	3	3	8	1	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	26.6	30.0	16.6	23.3	20.0

Ушбу статистик ҳисоб китобларда келтириб ўтилган рақамлар ўртасидаги мутаносибликни аниқлаш, тахминий берилган бўлиши мумкин бўлган жавобларни ажратиб олиш ҳамда рақамлар орасидан тадқиқот мақсадига қаратилган жавобларни селекция қилиш учун, респондентлар томонидан берилган жавоблар **“хи-квадрат критерий”** методига солинганда қуйидаги жадвал юзага келди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

№	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти		
	Мавзу:	Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак деб ҳисоблайсиз?		
	Респондент ва тадқиқот объекти ҳақидаги умумий маълумот	Талабаларнинг туғилиб усган худудлари тўғрисида маълумот		
		Вилоят марказида (Шаҳарда) яшовчи талабалар	Туман марказида яшовчи талабалар	Туманда (Қишлоқда) яшовчи талабалар

		10	10	10		
		Жадвалда келтирилган таҳлилда – ҳар бир олий таълим муассасасидан курслар кесимида 30 тадан талаба танлаб олинган				
		Респондентларнинг табақаси				
		2-курс				
		Респондентларнинг жинси (15-ўғил; 15-қиз)				
		Хоразм вилояти “ Маъмур университет” НТМ	Қашқадарё вилояти Қарши давлат университети	Жиззах вилояти Жиззах политехника институти	Наманган вилояти Наманган давлат университети	Самарқанд вилояти Самарқанд давлат университети
		Саволнома				
1	Экотуризм тараққиётига эришиш мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир этади?					
	Ҳозирда туризмдан келадиغان сармоя Ўзбекистон иқтисодиётининг 4/1 ташкил этмоқда	5	6	8	3	7
	Ҳозирда туризмдан келадиغان сармоя Ўзбекистон иқтисодиётининг 3/1 ташкил этмоқда	6	4	5	9	5
	Ҳозирда туризмдан келадиغان сармоя Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли даражада баҳоланмайди	10	7	3	10	12
	Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётида туризмдан келадиغان сармоя мавжуд эмас	5	7	9	8	4
	Ўйлаб кўрмаганман	4	6	5	-	2
	<i>Респондент берган жавобнинг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,30	0,23	3,47	0,30	1,54

Экотуризмни ривожлантириш бўйича давлатимизда қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?						
2	Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан 151 та туризмни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжат қабул қилинган	9	7	6	9	7
	Кейинги беш йилликда давлатимиз томонидан 130 та, яъни сўнги 30 йиллик тарихимизда қабул қилинган туризмга оид меъёрий ҳужжатларнинг фойзи қабул қилинди	6	8	9	5	7
	Кейинги 5 йилликда экотуризмга оид 2 та меъёрий ҳужжат қабул қилинди	10	6	7	9	8
	Бугунга қадар Ўзбекистон қонунчилиги экотуризмга оид бирорта меъёрий ҳужжат қабул қилгани йўқ	4	4	6	5	6
	Билмайман	1	5	7	2	2
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	1,47	0,33	0,06	2,35	0,8
Экотуризмни ривожлантиришга масъул бўлган ташкилотларнинг асосий вазифаси нимадан иборат деб ҳисоблайсиз?						
3	Экотуризм ривожига тусиқ бўлиб келаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш	4	7	6	6	4
	Инсонларга экотуризм хизматини ташкил этиш ва уни олиб бориш тизимини яратиш	9	8	4	6	7
	Ўзбекистон қонунчилик палатасига экотуризмга оид қонун лойиҳаларини тақдим этиш	3	6	5	9	6
	Фуқаролар онгида экотуризмга бўлган муносабатни шакллантириш	6	9	4	7	6
	Ўйлаб кўрмаганман	8	-	11	2	7
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир</i>	1,67	0,02	0,32	0,32	1,67

	<i>саволга нисбатан)</i>					
4	Экотуризмни ривожлантиришда асосан нимага эътибор қаратиш керак?					
	Табиат ва унинг ресурсларига эътиборни кучайтириш керак	7	8	6	7	9
	Шахс онгида шаклланаётган “табиатга нисбатан нигилистик” муносабатни ўзгартириш керак	4	8	5	6	6
	Инсон манфаатлари устидан табиат манфаатлари устуворлигига эришиш керак	2	7	9	8	5
	Табиий тадрийликни сақлашга эътибор қаратиш, яъни антропоген омилларни камайитириш керак	5	6	4	8	4
	Ўйлаб қўрмаганман	12	1	6	1	6
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	2,09	0,001	1,19	0,55	0,55
5	Экотуризм ривожига эришиш йўлида шахс экологик ҳуқуқий онгини янада ошириш борасида қандай муаммолар мавжуд?					
	Инсонларда эко-ҳуқуқий саводхонликни ошириш масъулияти етарли даражада мавжуд эмас	7	6	8	9	10
	Ёшлар тарбиясини олиб бориш жараёнида экологик ҳуқуқий онгини ошириш борасида аниқ механизм ишлаб чиқилмаган	8	9	5	7	6
	Жамият ижтимоий ҳаётига соф экотуризм мусоффолигини таъминлашга қаратилган ахлоқий концепция киритилмаган	2	5	3	7	4
	Ўйлаб қўрмаганман	10	7	6	6	7
	Билмайман	3	3	8	1	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,33	0,06	2,35	0,8	1,47
<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий χ^2 коэффициент (беш</i>	5,87	0,65	7,40	4,33	6,04	

<i>саволга нисбатан</i>					
-------------------------	--	--	--	--	--

Тадқиқотимизнинг кейинги қисмида маҳалла миқёсида олинган сўровномалар таҳлили келтирилган⁷⁷. Маҳаллалар миқёсида олинган маълумотлар анализ-синтез қилиниб, мантикий изчилликда жадвалга солинганда “**5-жадвалда**”ги рақамлар юзага келди (*фоиз ҳисобида*).

5-жадвал

№	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти		
	Мавзу:	Сиз яшайдиган ҳудудда экологик тарғибот ишлари олиб бориладими?		
	Респондент ва тадқиқот объекти ҳақидаги умумий маълумот	Респондентлар ҳақида умумий маълумот		
		Ҳар бир маҳалладан 30 та респондент танлаб олинди		
		Доимий иш жойига эга	Мавсумий иш жойига эга	Доимий иш жойига эга эмас
		10	10	10
		Респондентларнинг умумий ёши		
		20-35	35-50	50-65
		Респондентларнинг жинси		
		15-Эркак		15-Аёл
		Респондентларнинг маълумотлилик даражаси		
		Умумий ўрта махсус	Ўрта махсус	Олий
		10	10	10

⁷⁷Ушбу тадқиқот 2021 йилда Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилоятларида жойлашган: маҳалларнинг 150 нафар фуқаролари ўртасида ўтказилган.

		Хоразм вилояти Урганч “ Истиклол” МФЙ	Қашқадарё вилояти Қарши туман “ Хилол” МФЙ	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “ Мирзабулоқ” ҚФЙ	Наманган вилояти Норин туман “ Хўжаобод” МФЙ	Самарқанд вилояти Ургул тумани “ Баҳрин” МФЙ
Саволнома						
Экологик тарғибот деганда нимани тушунаси?						
1	Экологияни асрашга қаратилган ишларни тушунаман	5	7	4	6	5
	Экологик тарбия бериш тизимини тушунаман	4	4	6	5	8
	Ўзбекистон Экологик партияси низомида кўрсатилган ишларни тушунаман	7	9	6	8	7
	Ўйлаб кўрмаганман	10	8	7	9	6
	Билмайман	4	2	7	2	4
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	13.3	13.3	20.0	16.6	26.6
Сиз яшайдиган ҳудудда экологик озодаликка эътибор қаратиладими?						
2	Ҳа	7	6	4	7	5
	Қисман	9	7	6	8	6
	Баъзан	12	10	6	6	6
	Йўқ	2	4	8	5	8
	Юқори ташкилотлардан буйруқ келса	-	3	6	4	5
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	40.0	33.3	20.0	20.0	20.0
Сизнинг фикрингизча экологик тарғибот ишлари қандай ташкиллаштирилиши керак?						
3	“Оила-мактабгача таълим-мактаб” таълими билан маҳалла интеграциясини	8	7	9	7	6

	таъминлаш керак					
	Барча таълим муассасалари ўқув режасига “Экомухитни асраш асослари” номли дарсликни жорий этиш керак	12	10	9	7	13
	Ҳар бир маҳаллада “эко тозалик” масканини ташкил этиш керак	6	5	7	6	5
	Ўйлаб кўрмаганман	3	5	4	8	4
	Билмайман	1	3	1	2	2
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	40.0	33.3	30.0	23.3	43.3
	Сизнингча эко тозалик муҳитини таъминлашга кимлар масъул ҳисобланади?					
4	Ҳар бир шахс	6	4	8	10	6
	Ҳар бир оила	8	7	5	7	6
	Ҳар бир маҳалла раиси ва кенгаши	10	12	10	12	8
	Ўйлаб кўрмаганман	5	6	4	1	6
	Билмайман	1	1	3	-	4
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	20.0	13.3	26.6	33.3	20.0
	Экологик тарғиботнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизми ҳақида қандай фикрдасиз?					
5	Менимча бу индивидуал тарғибот тизимига асосланади	8	7	6	7	6
	Ҳуқуқий асосланган тарғибот тизими бўлса керак	7	6	6	9	6
	Ҳар бир инсон амал қилиши керак бўлган ахлоқий тамойилга асосланган тизим	6	8	5	7	7
	Ўйлаб кўрмаганман	5	7	6	5	8
	Билмайман	4	2	7	2	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	20.0	26.6	16.6	23.3	23.3

5-жадвалга келтириб ўтилган статистик маълумотлар жамланмаси “Х²” методи асосида таҳлил этилганда куйидаги (6-жадвалга қаранг) кўрсаткичлар олинди:

6-жадвал

	Сўровнома олинган жой	Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд вилояти				
	Мавзу:	Сиз яшайдиган ҳудудда экологик тарғибот ишлари олиб бориладими?				
	Респондент ва тадқиқот объекти ҳақидаги умумий маълумот	Респондентлар ҳақида умумий маълумот				
		Ҳар бир маҳалладан 30 та респондент танлаб олинди				
		Доимий иш жойига эга	Мавсумий иш жойига эга	Доимий иш жойига эга эмас		
		10	10	10		
		Респондентларнинг умумий ёши				
		20-35	35-50	50-65		
		Респондентларнинг жинси				
		15-Эркак		15-Аёл		
		Респондентларнинг маълумотлилиқ даражаси				
		Умумий ўрта махсус	Ўрта махсус	Олий		
		10	10	10		
		Хоразм вилояти Урганч “Истиклол” МФЙ	Қашқадарё вилояти Қарши туман “Хилол” МФЙ	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Мирзабулоқ” ҚФЙ	Наманган вилояти Норин туман “Хўжаобод” МФЙ	Самарқанд вилояти Ургут тумани “Баҳрин” МФЙ
		Саволнома				
	Экологик тарғибот деганда нимани тушунасиз?					
1	Экологияни асрашга қаратилган ишларни тушунаман	5	7	4	6	5
	Экологик тарбия бериш	4	4	6	5	8

	тизимини тушунаман					
	Ўзбекистон Экологик партияси низомида кўрсатилган ишларни тушунаман	7	9	6	8	7
	Ўйлаб кўрмаганман	10	8	7	9	6
	Билмайман	4	2	7	2	4
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,15	0,15	0,26	0,004	2,02
2	Сиз яшайдиган ҳудудда экологик озодаликка эътибор қаратиладими?					
	Ҳа	7	6	4	7	5
	Қисман	9	7	6	8	6
	Баъзан	12	10	6	6	6
	Йўқ	2	4	8	5	8
	Юқори ташкилотлардан бўйруқ келса	-	3	6	4	5
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	3,2	1,08	0,2	0,2	0,2
3	Сизнинг фикрингизча экологик тарғибот ишлари қандай ташқиллаштирилиши керак?					
	“Оила-мактабгача таълим-мактаб” таълими билан маҳалла интеграциясини таъминлаш керак	8	7	9	7	6
	Барча таълим муассасалари ўқув режасига “Экомухитни асраш асослари” номли дарсликни жорий этиш керак	12	10	9	7	13
	Ҳар бир маҳаллада “эко тозалик” масканини ташқил этиш керак	6	5	7	6	5
	Ўйлаб кўрмаганман	3	5	4	8	4
	Билмайман	1	3	1	2	2
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,86	0,07	0,003	0,51	1,58
4	Сизнингча эко тозалик муҳитини таъминлашга кимлар масъул ҳисобланади?					
	Ҳар бир шахс	6	4	8	10	6

	Хар бир оила	8	7	5	7	6
	Хар бир маҳалла раиси ва кенгаши	10	12	10	12	8
	Ўйлаб кўрмаганман	5	6	4	1	6
	Билмайман	1	1	3	-	4
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,002	0,73	0,57	2,45	0,002
5	Экологик тарғиботнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизми ҳақида қандай фикрдасиз?					
	Менимча бу индивидуал тарғибот тизимига асосланади	8	7	6	7	6
	Ҳуқуқий асосланган тарғибот тизими бўлса керак	7	6	6	9	6
	Хар бир инсон амал қилиши керак бўлган ахлоқий тамойилга асосланган тизим	6	8	5	7	7
	Ўйлаб кўрмаганман	5	7	6	5	8
	Билмайман	4	2	7	2	3
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,000	0,71	0,14	0,18	0,18
<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий χ^2 коэффициент (беш саволга нисбатан)</i>	4,22	2,76	1,19	3,37	4,00	


Тадқиқот жараёнида респондентлардан олинган социометрик сўровнома натижалари мантиқий таққосланиб **(1,3,5-жадвалларга қаралсин)**, улар ўртасидаги корреляция алоқадорликни кўрсатувчи “*мезонли рақамлар*”нинг ўртача коэффициент “ χ^2 ”методи ёрдамида топилганда **(2,4,6-жадвалларга қаралсин)** тадқиқотдан кўзланган мақсад очилди. Ушбу фикрни асослаш учун, қуйида келтириб ўтиладиган мулоҳазаларга эътиборни қаратамиз:

Масаланинг биринчи томони, сўровномада иштирок этган респондентларнинг жавоблари қўшиб чиқилиб, унинг фоизи чиқарилганда, яъни умумлаштирилганда математик статистика

юзага келади. Масалан, 1-жадвалнинг биринчи саволномасига эътибор қаратамиз:

		Саволнома				
		Сиз ўзингизни экологик дунёкарашга эга деб ҳисоблайсизми?				
1	Ҳа	9	7	11	10	13
	Қисман	4	2	1	5	1
	Ўзимга етарли даражада	10	13	16	9	16
	Ўйлаб кўрмаганман	6	5	2	4	-
	Йўқ	1	3	-	2	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича умумий фоизи (100% нисбатан)</i>	33.3	43.3	53.3	30.0	53.3

Юқоридаги жадвалдан кўриб турганимиздек, респондентлар томонидан берилган жавоблар фоиз бўйича турлича акс этмоқда. Масаланинг қизиқарли жиҳати шундаки, қайси респондент саволнинг қайси жавобномасини белгилашидан қатъий назар, умумий ҳисобда жавоб берган респондентлар сони 30 тани ташкил этмоқда. Лекин, шунга қарамасдан 30 та респондентни 100 фоиз ҳисоби саволга берган жавоблари бўйича чиқарилган умумий фоиз турлича бўлиб қолмоқда. Чунки, савол ичидаги жавобномаларнинг ичида ҳам тадқиқот мақсадига қаратилган жавоб мавжуд (*тадқиқот мақсадига қаратилган жавоб “қизил рангда” белгиланган*). Шу сабабли, респондентлар берган жавобларнинг гарчи умумий ҳажми (*рақами, масалан 30 та*) бир хил бўлсада, аммо фоизда турлича кўринишга келмоқда (*зарурат туғилганда 1,3,5-жадвалларга қаралсин*). Ушбу ҳолат диаграммага солинганда куйидагича кўринишга келди:



Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффицент (бир саволга нисбатан)

Масаланинг иккинчи томони, фоиз ҳисобида статистик таҳлил қилинган маълумотлар одатда кўп вариантли бўлади. Шу билан бирга турли статистик ноаниқликларга ҳам учрайди. Масалан, жавоб берган респондентлар жавоби берилган респондент сонига нисбатан таққосланиб, унинг умумий фоизи “%” чиқарилиши сабабли, “қайси респондент берилган саволга тўғри жавоб берди?” каби саволлар очикланмайди. Бунинг натижасида, тадқиқот натижалари мантиқан далилга муҳтож бўлиб қолади. Шу сабабли, статистик таҳлил – ҳар доим ҳам аниқ, ёки қисман аниқ маълумот олишга имкон беравермайди.

Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида олинган социологик сўровнома таҳлилида 1900 йилда Карл Пирсон томонидан ишлаб чиқилган **“*Хи-квадрат критерий*”** методи нима беради? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш тўғри бўлади:

Биринчидан, Карл Пирсоннинг “ χ^2 ” методи– статистик фоиз каби респондентлар берган жавобнинг умумий фоизига қараб хулоса бермайди. Масалан, 1-жадвалнинг биринчи саволномаси бўйича олинган респондент жавобларининг умумий фоизига эътибор қаратамиз:

– Хоразм вилояти Урганч шаҳри 6-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **33.3 фоизни;**

– Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри 47-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **43.3 фоизни;**

– Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 19-умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **53.3 фоизни;**

– Наманган вилояти Норин тумани 16-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **30.0 фоизни;**

– Самарқанд вилояти Ургут тумани 13-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **53.3 фоизни** ташкил этмоқда.

Ушбу 1-жадвалда келтириб ўтилган статистик маълумотлар “*Хи-квадрат критерий*” методида таҳлил этилганда, қуйидаги натижалар олинди (*зарурат тугилганда қуйида келтириб ўтилган қисқа шаклдаги жадвалнинг тўлиқ шаклини кўриши учун 2-жадвалга қаралсин*):

		Саволнома				
		Сиз ўзингизни экологик дунёқарашга эга деб ҳисоблайсизми?				
1	Ҳа	9	7	11	10	13
	Қисман	4	2	1	5	1
	Ўзимга етарли даражада	10	13	16	9	16
	Ўйлаб кўрмаганман	6	5	2	4	-
	Йўқ	1	3	-	2	-
	<i>Респондент берган жавобининг тадқиқот мақсадига мослиги бўйича χ^2 коэффициент (бир саволга нисбатан)</i>	0,61	0,003	0,08	1,12	0,8

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, гарчи савол ва жавобномалар 1-жадвал билан айнан бир хил бўлса-да, аммо

натижалар ҳар хил бўлиб қолмоқда. Чунки, “*Хи-квадрат критерий*” да умумий кўрсаткич ёки алоҳида мезон бўйича олинган бўлмасин, жавоблар ўртасидаги умумий таҳлил, яъни коэффициент – респондент сонига қараб эмас, балки, респондент берган жавобнинг даражасига қараб чиқарилади. Шу сабаб, “ X^2 ” орқали – жамоатчилик фикрида кечаётган реал гипотезаларни топиш мумкин.

Иккинчидан, “*Хи-квадрат критерий*” методининг асосий афзаллиги шундаки, тадқиқотнинг мақсадига қаратилган саволларга бўлган респондентлар жавобини ошириш учун, савол жавобига нисбатан респондент сонини ошириш талаб этилмайди (*стандартлашган фоиз тизими бўйича респондент сонини ошириш орқали – мақсадга қаратилган жавоблар сонини ошириш мумкин*). Аксинча, респондент берган жавоблар ўртасидаги корреляцион алоқадорликни боғловчи савол ичидаги жавобномаларни мантиқан изчиллигини таъминлаш орқали – мақсадга қаратилган кўрсаткични ошириш мумкин.

Учинчидан, “*Хи-квадрат критерий*” усулида фоизларни пасайиши мақсаднинг ошганлигини кўрсатади. Ушбу фикрни асослаш учун қуйидаги таҳлилга эътибор қаратамиз. Масалан, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри 47-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий фоизи – **43.3** фоизни ташкил этган бўлса (*1-жадвал бўйича*), *2-жадвалда келтирилганидек*, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри 47-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари берган жавобларнинг умумий коэффициенти– **0,003** фоизни ташкил этмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, “ X^2 ” критерий респондентнинг сонига қараб эмас, аксинча берилган жавоблар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик даражасига қараб хулоса беради. Бу ўз навбатида, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг илмий даражасини амалий асослашга имкон беради.

Ушбу параграф хулосаси қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, барча турдаги математик моделлаштириш методларини истисносиз ва юқори самарадорликка эга, улардан ижтимоий тадқиқот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш мумкин деб, айтиш қийин. Аммо бугун шиддат билан кириб келаётган глобаллашув шароитида, « χ^2 -мезони» усули инсоният

муаммоларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишда методологик манба бўла олади, дейишга барча асослар мавжуд.

Иккинчидан, бу усулнинг бошқа математик усуллардан устунлиги шундаки, ундан фойдаланиб, ҳар қандай муаммони вужудга келишига сабаб бўлувчи омилларни конкрет ёки тизимли таҳлил этиш мумкин бўлади.

Учинчидан, «*Хи-квадрат критерий*» методи орқали ижтимоий гуманитар фанлар доирасига кирувчи илмий тадқиқот хулосаларини таҳлил этиш – статистик ва математик методлар ўртасидаги мутаносибликни келтириб чиқармайди. Аксинча, тадқиқот мақсадини очишга қаратилган манфаатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат этади. Бошқача айтганда, математик методлар орқали – хавфсиз ахборотларни селекция қилиш имкони пайдо бўлиб, бу ўз навбатида шахс экологик ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган амалий ишлар режасининг **«ҳаракатлантирувчи механизми»** ҳисобланади.

Тўртинчидан, «*Хи-квадрат критерий*» – шахс онгини ўзгартиришга қаратилган илмий назарий ғояларнинг амалий натижадорлигини келтириб чиқарувчи *«мезонларни, механизм ва конструктив асосларни»* топишда қўл келиб, ижтимоий онгни ўзгартиришга қаратилган **«ижтимоий объектлар»**ни функционал интеграциялаштиришга таъсир қилувчи объектив шарт-шароитлар, детерминлаштирувчи субъектив омиллар тизимининг сифат ва миқдор кўрсаткич индекслари ўртасидаги корреляцион алоқадорликни топишга кўмак бериши билан илмий-назарий, методологик аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, «*Хи-квадрат критерий*» методидан унумли фойдаланиш тизими бўйича билим ва амалий кўникмага эга бўлишга қаратилган тизимни яратиш – жамиятнинг оммавий трансформатори бўлган таълим-тарбия тизимининг амалий аҳамиятини ошириб, унинг ижтимоий-элитар ва хусусий-корпоротив контурларини шакллантиради.

«Замонавий экотуризм тушунчаси, мазмун-моҳияти» мавзусидаги биринчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, тадқиқот доирасида экотуризм тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши бўйича илгари сурилган ёндашувларни танқидий нуктаи назардан таҳлил этиш, умумийлик ва ўзига

хосликларни аниқлаш орқали экотуризмни ривожлантириш юзасидан яхлит таъриф ва тушунчаларни ишлаб чиқиш мумкин;

иккинчидан, экотуризм тушунчасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, турлари, таснифи ва мезонларини фалсафий асослаш, айни пайтда, инсоният тараққиётининг бугунги кундаги экологик барқарорликни таъминлашдаги ролини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради;

учинчидан, туризмни, айниқса экотуризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айлантиришда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва сайёҳларни кўпроқ табиий объектлар, яъни тоғлар, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ғорлар, шаршаралар, чўл ва адирларда юзага келган ноёб ландшафтлар жалб қилишини ҳисобга олиб, ушбу йўналишлар бўйича экотурларнинг янги имкониятларини ўрганиб чиқишни ва янада кенгайтиришни тақозо этади;

тўртинчидан, замонавий экотуризмни ўрганишнинг объектив зарурати ўз навбатида, экологик хавфсизликни таъминлашга, ҳар бир шахсда табиий объектларга оқилона ёндашишга, «табиат-шахс-жамият» тизимида уйғунликка ва барқарорликка эришишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини ривожлантирган ҳолда келажак авлодлар учун соғлом табиий атроф-муҳитни асраб қолиш масъулиятини оширишга ёрдам беради;

бешинчидан, инсоният тарихий тараққиётдан маълумки, инсон доимий равишда табиатни англашга, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилган ва бу жараён бевосита бугунги кунда замонавий экотуризмни ривожлантиришда шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш мотивлари бирламчи омил сифатида намоён бўлиб бормоқда.

олтинчидан, экотуризмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда уни тизимли амалга ошириш энг аввало, экологик хавфсизликни таъминлашга, «табиат-шахс-жамият» тизимида уйғунликка ва барқарорликка эришишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, келажак авлодлар учун

соғлом табиий атроф-муҳитни асраб қолиш масъулиятини ҳис этишга ёрдам беради;

еттинчидан, ҳар бир шахсда табиий объектларга оқилона ёндашиш, табиатни барқарор бошқариш, иқтисодий тежамкорлик ва экологик тарбияни шакллантиришда, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи тараққиётида замонавий экотуризмни ривожлантириш тамойилларини ҳудуд ички имкониятларидан келиб чиқиб ҳисобга олиш бирламчи омил сифатида хизмат қилади;

саккизинчидан, тадқиқот жараёнида «хи-квадрат критерий» методини қўлашдан мақсад ҳисоб-китобларни кўрсатиш эмас, балки саволларга респондентлар томонидан берилаётган жавобларнинг муҳимлилик коэффициентини аниқлаш имконини бериши билан белгиланади.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАН-ТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Экотуризм бугунги кунда истиқболли соҳалардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудида уни ривожлантириш имконияти мавжуд. Ҳозирда экотуризмни

ривожлантириш дунё мамлакатлари, хусусан мамлакатимиз олдида турган долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар сифатида уни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи чоратadbирларни ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан-да заруратга айланиб бормоқда. Зеро, айни пайтдаги экологик вазият инсоният олдига янги-янги вазифаларни қўймоқдаки, бу вазифаларни амалга ошириш йўлларини аниқлаш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мезонлари ва механизмларини ишлаб чиқишни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Экотуризмнинг ривожлантирилиши бевосита «табиат-шахс-жамият» тизими уйғунлигини таъминлашга ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига ўзининг конструктив таъсирини кўрсатади. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва табиат ресурсларидан инсон, жамият, давлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол қилиш ҳажмининг хаддан зиёд кенгайиши ҳамда айрим фуқароларда табиатга нисбатан лоқайдлик, исрофгарчилик муносабатларининг мавжудлиги бевосита экотуризм ривожига қаратилган шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Бинобарин, табиат барқарорлигини таъминлашдаги асосий омиллардан бири, бу албатта, экотуризмни ривожлантириб бориш эканлигини унутмаслик лозим.

Ушбу бобда мамлакатимиз экотуризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий истиқболлари, замонавий экотуризмни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг конструктив асослари, шунингдек, замонавий экотуризмнинг устувор вазифалари ва стратегик йўналишлари таҳлил қилинган.

2.1§ Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш ва шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг ҳуқуқий истиқболлари.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимиз ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг тарихий, зиёрат, тиббиёт, спорт, маърифий- маданий, этнографик ва гастрономик каби турларини ривожлантириш билан биргаликда, экологик

туризм (экотуризм)ни ривожлантириш самарадорлигига яна ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Зеро, «Экологик туризм Ўзбекистонда ривожланаётган ва истиқболли тармоқ ҳисобланади. Экологик туризм катта иқтисодий даромад келтиришга қодир»⁷⁸ бўлган манба сифатида мамлакат иқтисодиёти таркибида ривожланиб бораётган туризмнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон шароитида экотуризмни ривожлантириш масаласи туризмнинг алоҳида йўналиши сифатида қаралиб, иқтисодий фойда келтирувчи асосий бўғинлардан бирига айланиб бормоқда ва кенг кўламдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада қонунчилик тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Туризм тўғрисида»ги қонунга экотуризм туризмнинг алоҳида турларидан бири сифатида киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон «Экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ва сув омборларининг сув сақланадиган зоналарида ер майдонларини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Туризмнинг ушбу соҳасини тез суръатларда ривожлантириш ва мазкур қонун ҳамда қарорлар ижросини амалда татбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан мамлакатимизда кенг қамровдаги амалий ишлар фаолияти бевосита йўлга қўйилган. Дарҳақиқат, туризмнинг бу йўналишини ривожлантириш орқали мамлакатимиз фуқаролари ҳамда хорижлик сайёҳларда мамлакатимизнинг бетақрор табиати, миллий кўриқхоналар, гўзал тоғли ҳудудлари ҳақида ҳолис тасаввурни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда туризм соҳаси, хусусан, туризмнинг алоҳида йўналишларидан бири бўлган экотуризмнинг янги босқичда ривожланишида мустаҳкам пойдевор бўлди. Ушбу фармонда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм

⁷⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – 398-б.

салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини - зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастронимик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш»⁷⁹ каби масалалар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу эса, мамлакат туризм индустриясида бошқа туризм йўналишлари билан бир қаторда, экотуризм имкониятларини кенгайтиришга ва уни ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги фаолият йўналишлари учун асосий ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланади. Конституцияда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маърифий соҳалардаги муносабатлари билан бирга, табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқи, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид конституциявий қоидалар мустаҳкамланган. Хусусан, «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар»⁸⁰, - деган қоида Конституциямизнинг 50-моддасида мустаҳкамланган. Конституциянинг 54-моддасида: «Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва

⁷⁹ Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 декабрь, ПФ-4861-сон. <https://lex.uz/docs/3077025>

⁸⁰Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 17.

давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»⁸¹, деб белгилаб қўйилган. Ушбу моддаданнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёни бевосита табиат билан боғлиқ эканлиги аёнлашади. Зеро, қўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар учун ер улар жойлашган кенглик (жой)ни англатса, кишлоқ хўжалик корхоналари учун ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ биологик омидир. Табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, шунинг англаб олишимиз керакки, бу нафақат фойдаланиш учун берилган ҳуқуқ, балки улардан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятини ҳам юклайди. Бошқача қилиб айтганда, табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбурияти ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида»⁸² эканлиги белгилаб қўйилган. У бевосита табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ давлат сиёсатининг асосий устувор тамойилларини ўз ичига олади. Ушбу конституциявий қонуннинг конструктив аҳамияти шундаки, у биринчидан, мамлакатимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари бутун халқимизнинг умуммиллий бойлиги ва мулки эканлигини, иккинчидан, ушбу табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, табиат ресурсларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойиллар мустаҳкамланганлигини эътироф этиш жоиздир.

Конституциянинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий устувор вазифалари белгиланган бўлиб,

⁸¹Ўша манба. – Б. 19.

⁸²Ўша манба. – Б. 19.

ушбу бобнинг 100-моддасида: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш⁸³ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг асосий талабларидан бири сифатида эътироф этилган. Ушбу қоида вилоят, шаҳар, туманларда бевосита ҳокимият ва бошқарув органларининг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдек улкан масъулиятни юклайди.

Конституцияда келтирилган қоида ва талаблар табиий атроф-муҳитга доир ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни янада мустаҳкамлайди. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга ҳамда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон «Туризм тўғрисида»ги Қонунида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Туристик ресурслардан, табиий ва маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланилишини ҳамда уларнинг сақланишини, шунингдек атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича чоралар кўрадиган»⁸⁴ ваколатли давлат органи эканлиги белгалаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни табиий атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий нормаларни белгилаб беришда алоҳида ўринга эга бўлиб, мазкур қонуннинг 4-моддаси «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш» деб номланиб, унда «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган қуйидаги ҳуқуқий қоидалар белгилаб қўйилган:

⁸³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 57.

⁸⁴Туризм тўғрисида. (Янги таҳрири). 2019 йил 18 июль, ЎРҚ-549-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. lex.uz/docs/4428097

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экологик таълимнинг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, табиий атроф-муҳит ва инсон сihat-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш»⁸⁵.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасида амалга ошириладиган тарғибот, тарбия ва таълим фаолиятини тартибга соладиган муайян ҳуқуқ нормалари ўз ифодасини топган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида: «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг

⁸⁵Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)

мажбурийлиги»⁸⁶ белгилаб қўйилганлигини ҳам эътироф этиш керак.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 12-моддасида инсоннинг яшаш учун қулай табиий атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчига оид қоидалар белгиланган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, табиий атроф-муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт»⁸⁷.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига экотуризм, экологик таълим, экологик билимларни таълим муассасаларда ўқитиш асослари, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик соҳасида раҳбар кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда экологик тарғибот масалаларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган тегишли моддаларни киритиш лозим. Бу борада МДХ мамлакатлари тажрибасини, хусусан, Россия Федерациясининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида ушбу масалаларга алоҳида боб бағишланганлигини кузатиш мумкин⁸⁸.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, унда истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлиги, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий экотизимларни асраб авайлаш ва табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб туриш, табиатнинг ер ости ва

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. –№1. –38-модда

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. –№1. –38-модда

⁸⁸ Закон Российской Федерации «Об охране окружающей среды» // <http://kommentarii.org/ooc/-page89.html>

ер усти ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уни қайта тиклаш масалалари бугунги кунда кўп жиҳатдан замонавий экотуризмни ривожланириш билан боғлиқ бўлиб, бунга бевосита шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали эришиш мумкин. Бу борадаги давлат сиёсатининг муваффақияти тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бироқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилаётган, бозор иқтисодиёти жараёнида инсон ва фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатлари тобора ўсиб бораётган бугунги кунда ушбу воқеликка мос равишда замонавий экотуризм билан боғлиқ жорий қонунчилик билан бирга, ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид фаолиятини ҳам такомиллаштириб бориш объектив зарурат сифатида майдонга чиқади.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги ва маданиятини замон талаблари асосида юксалтиришнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратар экан, Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов бу борада: «Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, сайъ-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»⁸⁹, деб таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь куни Ислом ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида сўзлаган нутқида: «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда: маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам

⁸⁹Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б.245.

муҳимдир»⁹⁰, деб жамият тараққиётида маънавий-маърифий омиллар аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Бугунги кунда ҳар бир шахсга чуқур экологик ҳуқуқий билим бериш, экологик таълим, тарғибот ва тарбия тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш асносида экологик ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш заруратини талаб этмоқда.

Шу билан бирга, экологик хавфсизлик муаммолари тобора долзарб бўлиб турган бугунги кунда фуқароларнинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда уларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муайян ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва амалда қўлланилмаганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса тегишли қонунчилик тизимида муайян бўшлиқнинг юзага келишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қиладиган механизмларнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш борасида мавжуд қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Чунки бу борадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян даражада дефинитив – декларатив характерга эга бўлиб, уларда шахснинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасида амалга ошириладиган тарғибот, тарбия ва таълим фаолиятини мустаҳкамлайдиган мантиқий изчилликдаги тизим ўз ифодасини топмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳамда юксалтириш борасидаги давлат сиёсати бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, конституция ва қонунларнинг устунлиги, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, экологик ҳуқуқий маълумотларнинг очиклиги, экологик ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларга таянади.

⁹⁰Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. //Халқ Сўзи. 2016, 19 октябрь.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши, бир томондан, жамиятимиз тобора маърифий-маданий юксалиб, ҳуқуқий савияси ошиб бораётганлигининг ёрқин кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан, мазкур ҳужжатлар аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш борасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун ишончли ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилганлигини англатади. Мазкур ҳужжатлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб бориш каби кўламдор масалаларни кўзда тутди.

Мазкур ҳужжатларга асосан мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим, шу жумладан, экологик таълим ва тарбия борасидаги билимларни жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади. Шу билан бирга, бугунги кунда экологик тангликни бартараф этиш ҳамда табиий атроф-муҳит муаммоларини изчиллик билан ҳал қилиш учун янгича ва тўлақонли ҳуқуқий дунёқараш зарур.

Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг мавжудлиги ва уларнинг самарали ижроси шахс экологик ҳуқуқий онгини оширишга муҳим таъсир ўтказди. Шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан олдинги параграфларда муайян даражада тўхталиб ўтилганлиги сабабли, ушбу ўринда бу борадаги фаолиятнинг қуйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозимлигини қайд этиб ўтиш билан чекланамиз:

экологик таълим, тарғибот ва тарбия соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– экологик таълим, тарғибот ва тарбия борасидаги давлат стандартларини, бу борада фаолият юритадиган таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ҳамда сертификатлашга оид нормативларни ишлаб чиқиш;

маъмурий, фуқаролик, тадбиркорлик, жиноий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларини экологизациялаштириш нуқтаи назаридан мониторингини ўтказиш;

экологик қонунчиликни амалга оширишни кафолатлайдиган механизмларни шакллантириш;

миллий экологик қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштириш ва бошқалар.

Юқоридагилар билан бирга, соҳага оид масалаларни комплекс тарзда тартибга соладиган муайян норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳар бир шахснинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини самаралироқ тадбиқ этилишига ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳамда табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини катъий равишда белгилаб қўйиш имконини берар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон Қарори билан тасдиқланган «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасини ҳамда экологик назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси»⁹¹да белгиланган «Экологик кодекс» лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

биринчидан, чўлларда, тоғ ва тоғ олди худудларида ободонлаштириш, хусусан, кўкаламзорлаштириш (Яшил худуд, Яшил макон), сув билан ишлайдиган экологик тоза ишлаб чиқариш мосламалари (мини ГЭС, сув тегирмони, ёғ жувози ва ҳ.к.) бунёдкорларини рағбатлантириб бориш нормативларини белгилаш;

⁹¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 07/21/76/1231-сон).

иккинчидан, экотуризмни ривожлантиришда экотуристтик тарғибот-ташвиқот ва таълим-тарбиянинг мазмуни ва уларни амалга ошириш мақсади, вазифалари ҳамда ташкилий–ҳуқуқий механизмларининг моҳиятини белгилаб берувчи нормалар ўз ифодасини топиши;

учинчидан, экотуристтик ҳудудларнинг ички имкониятини тўғри баҳоловчи ва узлуксиз мониторингини таъминловчи давлат ва нодавлат органлари тизими фаолиятини кенгайтириш;

тўртинчидан, антиэкологик ҳаракатларни чегаралаш, таъқиқлаш ва жазолаш ҳамда экологик фаолиятни рағбатлантириш нормативларини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, экотуризм соҳасида раҳбар кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда экологик тарғибот масалаларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган тегишли моддаларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришда жамоатчилик назоратининг конструктив аҳамияти, роли ва таъсирини ошириш бўйича аниқ йўналтирилган нормативларини белгилаш ва ҳоказо.

Шу билан бирга, ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш» Миллий дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дастурда экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг восита ва усуллари (экологик тарғибот, тарбия ва таълим) мазмуни, уларни амалга ошириш мақсади, вазифалари ва ташкилий – ҳуқуқий механизмларининг моҳиятини белгилаб берувчи нормалар ўз ифодасини топиши лозим. Ўз навбатида, бундай ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, экологик хавфсизликни ҳуқуқий воситалар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларнинг ҳуқуқий ечимлари ўз ифодасини топиши лозим:

экологик ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот, тарбия ва таълимнинг узлуксиз жараён эканлигини таъминловчи давлат ва нодавлат органлари фаолият тизими;

Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши, табиий атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини барча даражадаги таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига киритиш масаласи;

экологик таълим ва экологик тарғибот фаолиятининг ижтимоий ва гуманитар жиҳатлари;

таълим тизимининг барча даражалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари;

экологик ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ва таълим-тарбия фаолиятини амалга ошираётган муассасаларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиблари;

хар бир шахснинг экологик ҳуқуқий ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга оид қоидалар;

фуқароларнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш тартиблари ва бошқалар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий таълим ва тарғибот ишлари муайян бир гуруҳ доирасида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Бунинг учун экологик қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, бу борадаги ҳуқуқни қўллаш фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолини экологик ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ҳамда экологик ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Параграф бўйича таҳлилий хулосалар:

биринчидан, экотуризмни ривожлантириш орқали табиий барқарорликка эришиш билан биргаликда мамлакатимиз фуқаролари ҳамда хорижлик сайёҳларда мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналари, гўзал тоғли ҳудудлари ҳақида холис тасаввурни шакллантириш мумкин;

иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини

белгилаш ҳамда «табиат-шахс-жамият» тизимидаги муносабатларнинг уйғун ҳолатда ривожланишини, экология ва табиий атроф-муҳитни, табиат ресурсларини муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек, ҳар бир шахснинг қулай табиий атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашда қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятига бевосита боғлиқ;

учинчидан, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтириш жараёнининг ташкилий-техник, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилган нормативларни, устувор йўналишларни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан мавжуд айрим муаммовий масалаларни ва уларнинг ечимларини кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда;

тўртинчидан, шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришда ва «табиат-шахс-жамият» тизими барқарорлигида давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик механизмини такомиллаштириб бориш лозим;

бешинчидан, бугунги кунда замонавий экотуризм ривожда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришда «Экологик кодекс», «Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш» Миллий дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

2.2§ Замонавий экотуризмни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг конструктив асослари

Жаҳон иқтисодий тараққиётида етакчи салоҳиятга эга бўлиб бораётган туризм, хусусан экотуризмга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Экотуризмни ривожлантириш орқали – нафақат мамлакат иқтисодиётини кўтариш мумкин, балки экологик ҳафсизликни таъминлаш, атроф-муҳит тозаллигини сақлаш билан бир қаторда, миллатнинг миллий менталитетига хос бўлган қадриятларини дунё ҳамжамиятига танитиш, миллат шаъни ва шавқатини тараннум этувчи моддий ва маънавий бойликлари қадрини янада ошириш мумкин. Шу сабабли, бугунги ривожланган давлатларнинг аксарияти ўзининг келажагини экотуризмда кўрмоқда. Масалан, нисбатан кичик давлатлар (Кения, Коста-

Рика)дан тортиб, Яқин Шарқ ва Араб давлатлари, шунингдек, Европа қитъасидаги кўплаб давлатларнинг иқтисодий экутуризм билан бевосита боғланган. Таҳлилий маълумотларга қараганда, бугун жаҳон сайёҳлик бозорида экутуризмдан келадиган даромад 10-14 фоизни ташкил этмоқда.⁹² Айниқса, кейинги йилларда «Осиё-Тинч океани, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Европа минтақаларидаги мамлакатлар экутуризм ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, туризм индустриясида экутуризм тармоғига кирувчи табиий ва саргузашт туризм тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Биргина Канада давлатида ёввойи табиатга саёҳат туризмнинг умумий ҳажмидан тушган даромаднинг 25 фоизини ташкил этади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан 5 баробар кўп фойда келтираётганлигини англатади. Кения, Эквадор, Коста-Рика, Непал каби мамлакатларнинг экутуризмдан олган даромади мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 70-80 фоизини ташкил этади»⁹³. Бу рақамлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, жаҳон иқтисодий айланмасида туризмдан тушган даромад автомобиль, нефть ва газ ишлаб чиқариш саноатидан кейинги учинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг истиқболли стратегиясида ҳам экутуризм ривожига қаратилган алоҳида режаларни кўриш мумкин. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг «Миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» бўлимининг 35-бандида: «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгилаб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий – самарали ишлаб чиқариш билан бирга хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига асосланган иқтисодий сари бормоқдаки, бу муҳим вазифа экутуризмни ривожлантириш, Ўзбекистонни жаҳон туризмнинг

⁹² Эгамбердиев Ф.Т. Экутуризмнинг иқтисодий моҳияти ва уни такомиллаштириш масалалари // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. –№ 3. 2018. –Б. 5.

⁹³ <https://soglom.uz/archives/132>

жозибали марказига айлантириш, юртимизни сайёҳлар энг қўп ташриф буюрадиган давлатлар қаторига киритишни кўзда тутди⁹⁴. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг «драйвери» сифатида қаралаётган замонавий экотуризмни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг конструктив асосларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширувчи механизмлар комплексини яратиш масаласи ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Ўзбекистон шароитида экотуризм имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш, уни бошқариш механизмлари ўртасидаги функционал интеграциялашувни топиш ҳамда «эко-муҳит» барқарорлигига хизмат этувчи шахслараро муносабатларни назорат қилиш орқали – экотуризм самарадорлигига эришиш мумкин. Бунинг учун «экотуризмни ташкиллаштириш-бошқариш ва назорат қилиш» механизмига нисбатан янгича ёндашувни амалга ошириш, мавжудларини янада ривожлантириш энг мақбул йўлдир. Бу борадаги бизнинг таклиф ва тавсияларимиз куйидагилардан иборат.

Замонавий экотуризмни ташкиллаштириш. Бугун туризм ёки экотуризмни тўғри ташкиллаштиришга эришган мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиши билан бир қаторда, миллий маънавий, маданий қадриятларини дунё ҳамжамиятига трансформация қилиш имконияти кенгайиб бораётганлигини ҳам кўрсатмоқда. Биргина мисол, Туркия йилига 4-5 млрд. долларлик товар экспорт қилса, туризм фаолиятидан 10 млрд. доллардан ортиқ даромад олади. Шунингдек, Австрия, Англия, Италия, Франция, Испания каби давлатлар ҳам туризмдан юқори кўрсаткичларни олиб келмоқда⁹⁵.

Умуман, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишлари

⁹⁴ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: O‘zbekistan, 2021. –Б.172

⁹⁵ Рузиев Ш.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари (хорижий тажрибалар асосида) // «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar». № 6. 2020. –Б.260.261

мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади. Аммо мустақиллик йилларида туризмдан келадиган иқтисодий улуш, ЯИМга нисбатан олганда юқори кўрсаткични ташкил этиб келмоқда дейиш қийин. Чунки, йиллар давомида туризм соҳасини тўғри ташкиллаштиришда кузатилган турли хил камчиликлар натижасида, бу йўналиш кўплаб ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар гирдобиди қолиб кетди. Буларга қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин:

биринчидан, миллий сайёҳлик маҳсулотларининг рақобатбардош эмаслиги, яшаш учун зарур озиқ-овқат нархларининг номуносиблиги, авиапарвозлар учун юқори нархлар, сервис даражасининг чекланганлиги, муҳандислик, транспорт, ижтимоий инфратузилмаларнинг номукамаллиги, қулай сайёҳлик ахборот таъминоти (*навигация ва ахборот марказлари*) мавжуд эмаслиги, малакали кадрларнинг танқислиги, сайёҳлар учун маъмурий ва иқтисодий тўсиқлар, виза тартиблари, туризм фаолияти билан шуғулланишда (*лицензиялаш ва сертификатлаш*) давлат назоратининг ўта кучли экани⁹⁶ натижасида, узоқ йиллар давомида Ўзбекистон сайёҳликдан даромад кўрувчи давлатлар ўртасида 150-ўринни эгаллаб келган. Шу сабабли, мамлакатнинг туристик салоҳияти умумий оқимнинг 2,2 фоизига тенг бўлишига қарамадан, бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил этиб келган. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (*ЮНВТО*) маълумотларига кўра, Ўзбекистон ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМ шаклланишидаги улуши бўйича 115, инвестициялардан фойдаланиш бўйича 103 ва соҳада бандлар сони бўйича 69-ўринни банд этиб келган⁹⁷;

иккинчидан, бутун жаҳон туризм ташкилоти маълумотларида келтирилганидек, «экотуризм истиқболи кейинги йилларда туризмни ривожлантиришнинг бешта асосий стратегик йўналишидан бири бўлиб келмоқда. Шу сабабли, сўнгги йилларда глобал туризм саноатининг умумий ҳажмида экотуризм улуши 10

⁹⁶ <https://kun.uz/news/2017/02/22/uzbekistonning-turizm-soasidagi-muammolari-nimalardan-iborat>

⁹⁷Mingzhu. L. (2017). Regulatory frameworks for ecotourism: An application of total relationship flow management theorems. *Tourism Management*. № 61. –P. 321-330

фоиздан ошди ва унинг ўсиш суръати бутун сайёҳлик саноатидаги тегишли кўрсаткичларга нисбатан 2-3 баравардан ортиқ улуш»⁹⁸ сифатида ўсиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, экотуризм – туризм йўналишидаги асосий бўгин бўлиб, уни ривожлантиришга «умуммиллий ҳаракат» сифатида қарашни талаб этади. Бу йўналишда «Ўзбекистонда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида қўшма дастурлар ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатда туризм, айниқса, экотуризм соҳасидаги салоҳият замонавий талабларга жавоб бермайди. Соҳа тараққиёти учун зарур шароитлар яратишда инвестициялар жалб этибгина қолмай, улардан оқилона, табиатга зиён етказмасдан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш»⁹⁹ муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, туризм ХХІ аср давлатларига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос катализатори сифатида таъсир этиб, транспорт ва алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш каби муҳим секторларнинг ривожланишида ўзига хос ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам дунё бўйлаб, ҳар қандай ривожланиш даражасидаги мамлакатларда, миллионлаб иш ўринлари ва корхоналар кучли ривожланган туризм соҳасига боғлиқ бўлиб қолмоқда¹⁰⁰. Хусусан, туризм – табиий ва маданий меросни ҳимоя қилишда ички имкониятларни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бундан хулоса шуки, мамлакатимизда ҳам экотуризмнинг барча турдаги имкониятлари мавжуд бўлиб, «юртимизнинг бетакрор гўзал табиати, ўзига хос ландшафти, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган археологик топилмалари, полеонтологик қолдиқлар, ер юзида кам учрайдиган геологик кесимлар, юзлаб табиий ёдгорликларнинг мавжудлиги», Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун барча табиий заҳиралар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо, ҳануз экотуризмни тўғри ташкил

⁹⁸Ecotourism in Uzbekistan: prospects and opportunities. July 18, 2018. Available at: <https://uzbekistan.lv/en/ecotourism-in-uzbekistan-prospects-and-opportunities>

⁹⁹ <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/5438>

¹⁰⁰Fennel, D. (2005) The Ecotourism Concept and Tourism-Conservation Symbiosis//Journal of Sustainable Tourism. –P.373-390

этиш механизми самарали йўлга қўйилгани йўқ десак, бу ҳақиқатдан бўлади. Зеро, Ватанимиз заминида сақланиб келаётган осори атиқалар, қимматли обидалар, тарихий маълумотлар, нодир ёдгорликлар бизни жаҳон халқларининг маданиятлари билан чамбарчас боғлайдиган экотуризм занжирининг олтин ҳалқаси¹⁰¹ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Албатта, Ўзбекистонда экотуризм ривожини йўлида кейинги йилларда қўлаб амалий ишлар ҳам қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли худудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради»¹⁰², - деб таъкидланиши юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир.

Экотуризмда ташкилий жиҳатдан ечимини кутиб турган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш борасида қуйидагича ёндашувни илгари сурамиз:

– барча турдаги таълим ва тарбия беришга ихтисослаштирилган муассасаларда шахс онгида экотуризмнинг мазмун-моҳияти, унинг ўзига хослиги борасидаги билим берувчи ташкилий-ҳуқуқий тизимни йўлга қўйиш;

– экотуризм объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқловчи жамоатчилик назорати тизимини яратиш, уларнинг муваффақиятли ҳаракатланишига хизмат этувчи қонунчилик баъзасини такомиллаштириш;

– субъектларни экотуризм билан шуғулланиш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш механизмининг замон талабларига мослаш, унинг ўзига хос хусусиятлари, шакллари, босқичлари ва бюджетини ташкиллаштиришга қаратилган стратегик мақсадларни

¹⁰¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: O‘zbekistan, 2021. –Б.40

¹⁰² Қодиров А.А. Экологик туризм захираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш масалалари//»Logistics and economy». № 5. 2021. –Б.323

ифодолаовчи «экобизнес» режани яратишга конструктив асос бўлувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– экотуризмнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишда: хизмат тури ва шаклига алоҳида эътибор қаратиш, яъни экотуристлик мувозанатни сақлашда миллий қадриятларни ҳисобга олиш, ахлоқий меъёрлар, бизнесмен (*тадбиркор*) ахлоқ кодекси, муомала ва танишув меъёрлари, турли алоқаларни ташкил этиш масалалари, ижтимоий муносабатни ташкил этишда – жаҳон туристик ташкилоти талабларига риоя этган ҳолда, миллий маданиятимиз ривожига ҳисса қўшувчи ғоялар трансформациясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий экотуризмни бошқариш. Ўзбекистоннинг бой ва ғоят хилма-хил экотуристлик салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан экотуризмни оқилона бошқариш билан ўлчанади. Хусусан, экотуризмни бошқариш экотуристлик фирмалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай муҳитни яратишига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, бошқариш орқали экотуристлик хизматлар самарадорлигини ошириш, табиатга инсоннинг антропоген таъсирини камаййтириш мумкин. Лекин ҳозирги вақтда мамлакатимиз амалиётида мазкур йўналишдаги амалий ишлар «бошланғич босқичда»¹⁰³ турибди десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Ўзбекистон тажрибасида экотуристлик фаолиятни бошқариш амалиёти бўйича тўпланган тажрибалардан олинган илмий-назарий хулосаларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда экотуризм тизимини бошқариш самарадорлигига эришишга тўсик бўлиб қолаётган муаммолар классификациясига эътибор қаратилса, қуйидаги омиллар кўзга ташланади:

1. Орол ва Оролбўйи экстримал чўл ва экологик инкироз ва ҳалокат зонаси сифатида кенг жамоатчилик фикрини шакллантираётгани.

2. Орол денгизининг қуриши оқибатида катта майдонларни эгаллаган антропоген оролқумнинг пайдо бўлиш муаммосини

¹⁰³ Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш йўналишлари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар». № 2. 2015. –Б. 112.

бартараф этишда Ўзбекистоннинг ички имкониятлари етарли даражада самара бермаётгани.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг (МЭТХ) экотуристтик салоҳияти ва улардан фойдаланишни бошқариш тизим самарадорлигини оширишда турли (бюрократик) тўсиқларнинг сақланиб қолаётгани.

4. Экотуризмни ривожлантиришнинг асосий объектлари ҳисобланган миллий боғлар, тирик табиат музейлари ва биосфера резерватлари тизимини янада кенгайтириш борасидаги амалий ишларнинг етарли даражада ривожланмаётгани.

5. Ўзбекистонда мавжуд экотуристтик бошқарувни тўла камраб оладиган экотуризмни ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш заруратига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги.

6. Экологик бошқарув инструментларида маъмурий-назорат ва иқтисодий ричагларнинг етарли даражада мувофиқлаштирилмаётганлиги.

7. Экотуристтик фаолият натижаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишга мўлжалланган бошқарувнинг мавжуд эмаслиги, яъни тегишли стандарт ва регламентларга риоя этишнинг қонуний асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда уларни тартибга солиш механизмида жамоатчилик назоратининг ўрни белгилаб берилмаганлиги натижасида экотуристтик бошқарувдаги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган, яъни нисбатан универсал «экотуристтик бошқарув» тамойилларини ҳам ишлаб чиқишга ҳаракатлар бўлаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Жумладан, жаҳон тажрибасига эътибор берсак, туризм ёки экотуризм йўналишида жорий этилган бошқарув тизимини ташкил этишда қуйидаги методологик ёндашувларни кўриш мумкин:

- инсоннинг атроф-муҳитга таъсирини минималлаштириш;
- туристик оқим ортидан кириб келадиган «мезбон маданиятлар»ни ҳурмат қилиш;
- маҳаллий аҳолига максимал фойда келтириш тизимини жорий этиш;

– сайёҳларнинг қониқиш даражасини оширувчи юқори даражали хизмат кўрсатиш тизимини¹⁰⁴ ишлаб чиқиш ғоялари «ижтимоий экспертиза»дан ўтказилган. Шунингдек, экотуризм бошқарувини тадрижий ривожлантиришга қаратилган тенденцияларни мувофиқлаштирувчи муҳим кўрсаткичли мезонлар ҳам бўлиб, буларга мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириб ўтиш ўринлидир:

– Глобал ҳисоб-китобларга кўра, Австралия ва Янги Зеландияга ташриф буюрувчи экотуристларнинг 32 фоизи ўз саёҳатлари доирасида манзара, ёввойи ўсимликлар ва ёввойи табиатдан завқланиш учун келади.

– Африкага ташриф буюрувчи экотуристларнинг 80 фоизи асосан мотивацион атрибут сифатида ёввойи табиатни англаш учун боришади.

– Шимолий Америкага ташриф буюрувчи европалик ва япон сайёҳларининг 69-88 фоизи ёввойи табиат ва қушларни кузатишни мақсад қилишади¹⁰⁵. Гарчи хануз экотуризм бошқаруви тараққиётини белгиловчи универсал тизим ишлаб чиқилмаган. Бу борада кўплаб амалий тажрибалар олиб борилаётган бўлса-да. Масалан, Ўзбекистон тажрибасида туристик бошқарувни ташкил этиш борасида қуйидаги принципларга риоя этилмоқда:

биринчиси, «мазкур соҳани мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида ривожлантириш;

иккинчиси, саёҳатларни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

учинчиси, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;

тўртинчиси, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

бешинчиси, ички туризмни ривожлантириш, шу жумладан ижтимоий туризмни ривожлантириш доирасида болалар, ёшлар, кексалар, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун туризм ҳамда экскурсияларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

¹⁰⁴ <https://ecotourism.org/what-is-ecotourism>

¹⁰⁵ Dimitrios D. The Concept of Ecotourism: Evolution and Trends. 2017. –P.94

олтинчиси, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестициялар киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

еттинчиси, тадбиркорлик субъектлари учун туристик хизматлар бозорига тенг имкониятлар яратиш;

саккизинчидан, туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ва мол-мулкининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

тўққизинчидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ўнинчидан, туризм соҳаси субъектларини улар туристик бозорларда миллий туристик маҳсулотни тарғиб қилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш»¹⁰⁶ ва ҳоказолар.

Ўзбекистонда экотуристлик бошқарув муҳитини янада ривожлантиришга қаратилган сайи-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи, уларни ижтимоий ҳаёт талабларига мослаштиришга қаратилган амалий ишлар борасида қуйидаги таклифларни илгари суришни лозим топдик:

биринчидан, экотуристлик зоналарни ташкил этиш ва уни бошқариш ҳуқуқини нодавлат ноижорат ташкилотларига бериш ҳамда экотуристлик хизмат кўрсатиш соҳаларига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш.

иккинчидан, экотуристлик хизматларни ташкил этишда, турист эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, шунингдек, бу йўналишдаги бошқа хизматларни бошқариш ваколатини нафақат юридик ташкилотларга, балки жисмоний (*кичик-хусусий тадбиркорлик*) субъектларига ҳам яқка тартибда фаолият юритиш имконини берувчи ҳуқуқий нормани ишлаб чиқиш.

учинчидан, экотуристлик хизматни ташкил этиш орқали экомасулотни тарғиб этиш ва уни реализация қилиш бўйича юридик шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти индивидуал репертуарини ҳам шакллантириш ва амалиётга тадбиқ этиш.

тўртинчидан, ҳар бир туристга саёҳат вақтида Ўзбекистонга эркин кириш (*албатта хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда*) ҳамда қўшни давлатларга ўтиш имконини берувчи «демократик бошқарув» шаклини жорий этиш зарур.

¹⁰⁶ <https://lex.uz/docs/4428097>

Замонавий экотуризмни назорат қилиш. Туризм йўналишини ташкиллаштириш ёки бошқаришга нисбатан уни назорат қилиш тизими кенг қамровли ва нисбатан «беқарор», яъни аниқ режали ташкиллаштириш механизмини жорий этиш қийин бўлган соҳа бўлганлиги учун, бу борада қилинаётган ишларга қарамасдан кўплаб ижтимоий муаммолар йиғилиб қолмоқда. Масалан, жаҳон туристик ташкилотларининг хулосаларига кўра:

– микроиқтисодиётда экотуристлик фаолиятни назорат қилишда ҳукуматлар ташқи муаммоларни назорат қилишда иккита усулдан фойдаланишни афзал билмоқда. Биринчиси, туристик ҳаракатларни назорат қилиш учун сиёсатдан бевосита фойдаланиш бўлса, иккинчиси бозорга асосланган хусусий туристик фирмаларни самарали рағбатлантириш орқали экотуристлик фаолиятни назорат қилиш мумкинлиги¹⁰⁷ни кўрсатмоқда;

– жаҳон сайёҳлик индустриясининг экотуризм секторини назорат қилиш биринчи навбатда мустақил саёҳатчилар бозорлари учун узоқ ва барқарор экотуризм назорат дастурларини ишлаб чиқишни (кафолатланган хизматни) ташкил этишни тақозо этмоқда. Чунки, кичик ва ўрта маҳаллий бизнес, жамоалар ва нодавлат ташкилотларнинг умумий фаолиятида жамоатчилик назоратига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда;

– экотуризмни тўғри йўлга қўйиш учун маҳаллий ва халқаро экотуризмдан манфаатдор томонлар ўртасидаги келишувга эришиш, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишда ҳукуматлараро назорат механизмини яратиш зарурати мавжуд бўлиб, уни амалга оширувчи реал механизмнинг йўқлиги сабабли, ҳукуматлараро «экотуризм бренди»ни жорий этиш бўйича бюрократик тўсиқлар ечими борасида муаммолар мавжудлигича қолмоқда;

– экотуризм назоратини муваффақиятли амалга оширишнинг барқарор инфратузилмасини ривожлантиришга боғлиқ тенденцияларни илгари суриш борасида ҳам яқдиллик етишмовчилиги мавжуд. Бунга валюта курслари, транспорт тизимлари, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор телекоммуникация тизимларидаги ожизликларни киритиш мумкин. Барчасини

¹⁰⁷Li Wan-li. Several Problems regarding the Study of Tourism Supply Chain. Tourism Tribune, 2007. –P. 92-96

моҳиятан «кафолатланган халқаро экотуристтик назорат ташкилотларининг» йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, гарчи турли давлат вазирликларида бизнесни ривожлантириш учун барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган мутасадди ташкилотлар бўлса-да, ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириб боровчи «халқаро стандартлашган тизим» йўқлиги сабаб, экотуризм учун муҳим аҳамиятга эга бўлган механизмлар ижроси амалда ожизлигича қолмоқда;

– «экотуризмнинг минтақавий ривожланишини назорат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий механизмини топиш, уни бошқариш объектларини ишлаш принципларини яратиш, ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир қилиш алгоритминини аниқлайдиган ва амалга оширилишини таъминлайдиган реал ижтимоий тизим элементларининг мавжуд эмаслиги сабаб»¹⁰⁸, экотуристтик бошқарув назорати «локал бошқарув» босқичидан ўтиб, глобал аҳамият касб этиши қийин кечмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли туристик ташкилотлари томонидан келтириб ўтилган фикр мулоҳазалар ва олиб борилган мустақил тадқиқотларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни тақдим этиш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий экотуризмни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, имкониятлари мавжуд бўлиб, экотуризм ресурслари салоҳиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш бу борада энг муҳим шarti ҳисобланади. Айниқса, замонавий экотуризм ривожда ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онги, маданияти ва саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўзининг ландшафти, флора ва фаунасининг турли-туманлиги билан ажралиб туради ва уларни асраб авайлаб ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, бошқарув механизмлари алоҳида ўрин тутади.

Иккинчидан, экотуризмни бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, ҳар бир ҳудуднинг миллий географик шарт-шароитини ҳисобга олиш, жумладан хўжалик

¹⁰⁸Oliinyk. O. Ecological tourism as a priority for sustainable development //Academy of Entrepreneurship Journal. Volume 26, Special Issue 4. 2020. –P.3

субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, қилинаётган ишлар мониторинги ва фаолиятини назорат қилишнинг ташкилий механизмини яратишда ички имкониятларни ҳисобга олиш тизимини инобатга олиш орқали – экотуризмни ривожлантириш имкониятларини максимал даражада ошириш мумкин.

Учинчидан, экотуризмни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат шакли бўйича ташкилий-иқтисодий механизмни ишлаб чиқмасдан туриб, узоқ муддатли мақсадларга эришиб бўлмайди. Демак, экотуризмни минтақавийлигини таъминлаш ва ҳисобга олишдан ташқари, унинг халқаро имкониятларига ҳам эътибор бериш орқали – экотуризмни жадал ривожлантириш мумкин. Бунинг учун, диққат марказни «табiiй ресурс салоҳиятини» таъминлашга қаратиш зарур.

Тўртинчидан, экотуристик назорат механизмлари бўлмиш: экологик ва табiiй-ресурс қонунлари; экологик мониторинг; экологик стандарт ва нормативлар; экотуристик фаолиятни лицензиялаш; экологик сертификатлаштириш; лойиҳаларнинг экологик экспертизаси; экотуризм мақсадли дастурлари ҳамда экологик аудитни ташкил этиш каби «экотуристик элементлар»ни мувофиқлаштирувчи тизим самарадорлигига эришишда маҳаллий органлар фаолиятига кўпроқ урғуни қаратиш керак.

Бешинчидан, замонавий экотуризм тараққиётида шахс экологик ҳуқуқий билимининг ривожланиш динамикасига таъсир этувчи ижтимоий омилларни аниқлаш ва уларнинг конструктив жиҳатларини асослаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса замонавий экотуризмни ривожлантириш мотивлари, ҳаракатлантирувчи механизмлари ва тенденциялари ҳақидаги муқобил илмий таълимотлар, экотуризм тараққиётини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг усул-воситаларини аниқлашда муҳим илмий асос ҳисобланади.

Олтинчидан, «табиат-шахс-жамият» тизими уйғунлигини таъминлашда ҳар бир шахс ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис этишига қаратилган таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини янги замон руҳида такомиллаштириб бориш ҳамда ҳар бир шахсга «табиатдаги мавжуд моддий неъматлар бизга аждодлардан қолган мерос эмас, балки биз келажак авлодга етказишимиз зарур бўлган омонат» тамойилини сингдириб бориш зарур.

Еттинчидан, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳар бир миллат ва элатнинг миллий менталитетини ҳисобга олиш ҳамда уларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг аниқ йўналтирилган механизмларини талаб этмоқда.

2.3§ Замонавий экотуризмнинг устувор вазифалари ва стратегик йўналишлари.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий экотуризм инфраструктурасини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Экотуризмнинг асосий объекти бўлган табиат ва унинг компонентларини ҳимоя қилиш, табиий атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Зеро, «республикамизда алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлардан майдони 2164 км квадратни ташкил этган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км квадрат майдондаги 2 та миллий боғ, ноёб турларга қирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика жайрон экомаркази, 12186 км квадрат майдонда 11 та давлат буюртма қўриқхоналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси 20520 кв. км. ёки Ўзбекистоннинг 5,2 % худудини ташкил этади»¹⁰⁹.

Экотуризмнинг ривожланиши ҳам табиат учун, ҳам ҳар бир шахс учун ва давлат учун манфаатлидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда экотуризмнинг барча йўналишлари: агротуризм, рекреацион, тиббий, соғломлаштирувчи, дам олиш, экскурсион, саргузашт, экзотик, экстремал ва бошқаларнинг кенг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармоннинг 3-устувор йўналиши 3.2 банди (туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш) ва 3.5 бандидаги (ижтимоий-иқтисодий

¹⁰⁹ eco. Uz/uz/kutubkhona/ foydali-adabiyotlar/ 346-ekoturizm-va-O'zbekistonda-uning-kelajak-istiqbollari.

ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш) ҳамда 5-устувор йўналиши 5.1 банди (аҳоли генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш)да¹¹⁰ белгилаб берилган вазифалар ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юкори ўсиш суръатларини таъминлаш» деб номланган 3-устувор йўналишининг 35-мақсадида куйидаги вазифалар белгилаб берилди:

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш.

Тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш.

Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш.

Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва «Айдар-Арнасой» қўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш, 300 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш, 25 минг иш ўрнини яратиш.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №6. 70-модда; – №20. 354-модда – №23. 448-модда; – № 37. 982-модда).

Самарқандни «Туризм дарвозаси»га айлантириш орқали келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажмини камида 10 бараварга ошириш. Туризм соҳасида 40 минг киши бандлигини таъминлаш. 2022 йилда «Абадий шаҳар» тарихий мажмуасини ўз ичига олган Самарқанд туризм марказини ва зарурий инфратузилмани ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Орол бўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурни амалга ошириш. Бунда, Мўйноқнинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш.

Бухоро вилоятида туризмни жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастурни амалга ошириш.

Навобий вилоятида зиёрат ва экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш.

Тошкент шаҳрида туризм инфратузилмасини янада яхшилаш.

Тошкент вилоятида туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш¹¹¹. Бу эса туризмнинг, хусусан, экотуризмнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланишга имкон беришдаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда зарур экотуризм инфратузилмасини янада ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида: «Дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, аэростатлар (хаво шарлари), моторли қайиқ ва квадрацикллар учун белгиланган тартибда

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

тасдикланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловлари тўлашдан озод этиш»¹¹² масалалари белгилаб қўйилди.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда умумий туризм тизимида экотуризмни ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, экотуризмнинг ички имкониятларини синтез қилувчи миллий моделни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш объектив заруратга айланиб бормоқда. Ушбу моделда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- экотуризмни ривожлантириш усул-воситаларининг (экотуристик тарғибот-ташвиқот, тарбия ва таълим) мазмун-моҳияти, уларни амалга ошириш мақсади ва вазибалари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг моҳиятини белгилаб берувчи нормалар ўз ифодасини топиши;

экотуризмни тарғибот-ташвиқот қилувчи, таълим ва тарбиянинг узлуксиз жараёнини таъминловчи мукамал давлат ва нодавлат органлари тизими фаолиятини кенгайтириш;

табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини барча даражадаги таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига киритиш масаласи;

бевосита экологик туризм фаолияти билан шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш масалалари;

экотуризмни ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган муассасаларнинг фаолиятини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватлаш тартиблари;

ҳар бир шахсда экологик туризм билан боғлиқ ахборотларни етказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларни таъминлашга оид қоидалар;

ҳудудларнинг экотуристик имкониятларини ўрганиб бориш ва кенг жамоатчиликка етказиш механизминини такомиллаштириш масалалари;

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz/docs/3548467.

экотуризм соҳасига ихтисослашган ҳудудларнинг йўл-қурилиш, техник-коммуникацион ҳолатини яхшилаш масалалари;

ҳар бир шахснинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш тартиблари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида асосан «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид» Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу Дастурнинг V. «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, вазмин, ўзаро фойдали ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишлари»даги 5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларининг 252-бандида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш»¹¹³ масаласи муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Маълумки, инсон ва жамият фаолиятида табиатнинг ривожланиш қонуниятларини англаб етиш ҳамда унга амал қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда табиат қонуниятларини ҳисобга олиш ва уларга риоя этиш атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш жиҳатидан зарарли фаолиятни экологик асослашнинг ҳамда унга йўл қўймасликнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим. Ҳ.Ю.Саломова ўринли таъкидлаганидек, «Табиий – экологик меъёр бир томондан, табиий қонуниятларни билдирса, иккинчи томондан экологик компонентлар орасидаги қонуний боғланишларни, ўзгарувчанлик ва алоқаларнинг барқарорлигини, экологик қоидаларни билдиради. Учинчидан, у ҳар бир экологик

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2021 й., 06/21/6155/0082-сон.).

компонент ва омилларнинг табиий сифат кўрсаткичларини, мослашиш, ўзгарувчанлик, чидамлик чегараларини билдиради»¹.

Уларни билиш ва ҳисобга олиш, экологик районлаштириш, табиат захираларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини қўллаш, экологик экспертиза, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз технологияларни татбиқ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг шу каби бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш экотуризм ривожда алоҳида аҳамиятга эга.

Бунда экотуризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

О.Пардаев ва А.Аблаилов каби олимлар мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари сифатида қуйидагиларни санаб ўтадилар:

«Ўзбекистонда экотуризм бўйича мутахассислар тайёрлашни тизимли равишда йўлга қўйиш;

экотуризмлар бўйича ички ва ташқи туризм бозори учун табиат минтақалари бўйича рақобатбардош турмаҳсулотлар ва тур дастурлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон экотуризмни табиат минтақаларидаги экотуристлик ресурслар бўйича халқаро экотуризм бозорига ҳаракатини босқичма-босқич таъминлаб бориш;

экотуризмни ривожлантиришда табиат минтақаларидаги экотуристлик ресурсларнинг жойлашиши ва улардан фойдаланиш бўйича ишончли баҳо сиёсатини шакллантириш ва жорий қилиш;

экотуризмни ривожлантиришда табиат минтақаларидаги экотуристлик ресурсларда тадбиркорликни, ташаббускорликни давлат имтиёзлари асосида қўллаб-қувватлаш, ташкил қилиш ва ривожлантириш;

экотуризмнинг табиат минтақаларидаги экотуристлик ресурслар бўйича мукамал ахборот рекламаларини яратиш ва туризм бозорига чиқариш»¹¹⁴.

¹ Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология асослари. – Тошкент.: Fan va texnologiya, 2004, 47-48- б.

Албатта, юқорида келтирилган вазифаларни бажарилиши билан биргаликда экотуризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланишнинг қуйидаги конструктив вазифаларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

Биринчидан, «табиат-шаҳс-жамият» муносабатларини илмий тушуниш асосида шаҳс экологик ҳуқуқий онгини вужудга келиш генезисини ва ривожланиш моҳиятини аниқлаш, таълим-тарбия мажмуасининг усул-воситаларини такомиллаштириш орқали экотуризмни ривожлантириш.

Иккинчидан, экотуризм барқарорлигини таъминлашда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг потенциал имкониятларидан оқилона фойдаланиш.

Учинчидан, экотуризмни ривожлантиришда ҳудудларнинг ички имкониятлари, ментал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмнинг турларини кўпайтириш.

Тўртинчидан, ҳар бир шаҳсда экологик билимларни шаклланиши, кўникма ҳосил қилиши ва ҳаёт тарзининг мазмунига айланишида «оила-маҳалла-мактаб» тизими фаоллигини ошириб бориш. Бунда ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, экологик қарашлар шаҳс эътиқодига, масъулиятига айлансагина экотуризмнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, саёҳатчилар сони ҳудуднинг экологик имкониятларидан, ижтимоий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, белгиланган ҳудуд сиғимидан ортиб кетмаслигини таъминлаш.

Олтинчидан, мустақил йўналиш сифатида ривожланаётган экотуризмнинг янада такомиллашувида сифатли кадрларга бўлган эҳтиёжни доимий равишда ўрганиб бориш ва малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини яна ҳам такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ушбу тадқиқотда шаҳс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга оид муаммоларни тадқиқ этиш жараёнида ташкилий-техник, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни янада

¹¹⁴ Пардаев О.М., Аблаизов А.А. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларида экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш стратегияси // «Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда табиий ва этнографик ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. (2019 йил 13-14 ноябр), Самарқанд – 2019 йил, 101-бет.

такомиллаштириш билан боғлиқ тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган устувор вазифалар ва истиқболли йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича мавжуд айрим муаммоли масалаларнинг ечимларини куйидаги йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди:

Биринчи. Экологик таълим ва тарбия борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Маълумки, экологик таълим институти экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки фуқаролар жамият ва табиат алоқалари натижасида юзага келадиган жараёнлар ҳамда экологияга оид фундаментал билимларни, асосан, экологик таълим орқали эгаллайдилар.

Бизнинг фикримизча, таълим институтининг экологик ҳуқуқий онга бўлган таъсирини куйидаги мезонлар билан баҳолаш мумкин:

1. Таълим тизимининг барча босқичларида экологик компонентнинг сингдирилганлик даражаси.

2. Экологик таълимнинг узлуксизлиги.

3. Таълим тизимида экологик таълим назарияси ва амалиётининг ривожланганлик даражаси.

4. Аҳолини экологик жиҳатдан тарбиялаш масалалари билан шуғулланадиган қўшимча таълим муассасаларининг мавжудлиги.

Экологик таълим соҳасида бугунги кунда юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш бу борада куйидаги муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради:

экологик таълим ва тарбия билан боғлиқ фаолият етарли ҳажмда қонунчилик ҳужжатлари ва илмий-услубий материаллар билан таъминланмаган;

тегишли вазирликлар ва идораларнинг экологик таълим ва тарбия билан боғлиқ фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;

экология соҳасида педагогик фаолиятни амалга оширадиган мутахассис кадрларнинг етишмаслиги;

мактабдан ташқари таълим тизимида аҳолининг экологик дунёқарашини шакллантиришга қаратилган муассасаларнинг ташкил этилмаганлиги;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим босқичларида экологик билимларни беришда фанлараро ўзаро алоқадорлик ва уйғунликни белгилаб берувчи тизимнинг шаклланмаганлиги;

экологик билимларни сингдиришга қаратилган фанларни ўқитишда мавжуд экологик вазият ва амалиёт билан боғлиқликнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

экологик таълимнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тизимни йўлга қўйиш лозим, яъни «мактабгача таълим – умумий ўрта таълим – ўрта махсус, касб-хунар таълими – олий таълим – олий ўқув юртидан кейинги таълим – кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш – мактабдан ташқари таълим – корхона ва ташкилотлар – жамоат ташкилотлари – оммавий ахборот воситалари – аҳоли»;

таълимнинг барча босқичларида «Экология» фанини ўтиш жараёнида ўқувчиларга табиат ва инсоннинг унга бўлган таъсири тўғрисидаги билимларни бериш орқали уларда табиатга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ва унинг ўзлаштирилганлик даражасига аниқлик киритиб бориш;

экологик таълим жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;

экологик таълим соҳасида ягона концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва маслаҳат марказини ташкил этиш;

таълим муассасаларида экологияга оид анжуманлар, кўргазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;

ёш авлоднинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларда кенг иштирок этишини таъминлаш;

таштиллар жараёнида ёшларнинг экологик лагерларини ташкил этиш;

аҳолининг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга

оширишда кўргазмали воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;

экологияга оид фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда табиат ва жамият ўзаро алоқадорлигининг барча жиҳатлари юзасидан замонавий билимларга эга бўлган иқтисодиёт, техника, технология, ҳуқуқ, социология, биология, гидрология ва бошқа фанлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

ёшидан, ижтимоий, касбий ёки таълим мақомидан қатъи назар барча фуқароларга чекланмаган ҳолда экологик таълим олиш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Маълумки, экологик хавфсизлик, табиий атроф-муҳитнинг ҳолати ва экологик қонунчилик тўғрисидаги билимларни тарқатиш, яъни экологик тарғиботни амалга ошириш орқали жамиятнинг экологик ҳуқуқий онги шакллантирилади. Мазкур фаолият давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, маданий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Экологик тарғиботни амалга оширишдан асосий мақсад фуқароларни экология ва табиат ҳамда жамият алоқадорлиги натижасида юзага келаётган жараёнлар юзасидан таянч билим ва тасаввурларга эга бўлишларини таъминлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур билимлар доирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

экологияга оид асосий тушунча ва таърифлар;

табиий атроф-муҳитга бўлган зарарлар ва унинг манбалари, жамият аъзоларининг табиатга нисбатан зарарли (антропоген) таъсири;

хавфли экологик вазиятлар ва уларнинг оқибатларини олдини олиш усул ва услублари;

табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари;

халқаро экологик ҳуқуқ нормалари;

давлат ва нодавлат тузилмаларининг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ва бошқалар.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасидаги вазифаларни жамиятни оммавий тарзда экологик нуктаи назаридан тарбиялаш ва тарғибот – ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўймасдан самарали тарзда амалга ошириб бўлмайди. Экологик тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда она табиатни асраб авайлашга ундайдиган спектакллар ва кинофилмлар фестивали каби умуммиллий оммавий тадбирларни ўтказиш муайян натижаларга олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида, экологик ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар куйидаги устувор йўналишлар доирасида бажарилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

аҳолининг эътиборини глобал ва мамлакат миқёсида юзага келган экологик муаммоларга ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларга қаратиш;

табиатга ва унинг ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ғояларини тарғиб қилиш;

аҳоли ўртасида табиий атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш ва уни соғломлаштириш муаммоларини ҳал этишга ундайдиган турли хил акциялар ва тадбирларни ўтказиш (Масалан, плоггинг¹¹⁵ни ташкиллаштириш);

экологик тарғибот ва тарбия ишлари соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини муттасил ошириб бориш;

ижтимоий буюртмалар асосида экологик ахборотлаштириш тадбирларини ўтказиш;

табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий рекламалар, видеороликлар, теле ва радио кўрсатувлари ва эшиттиришларини яратиш ва ташкил этиш;

энг яхши экологик тадбирларнинг йиллик танловларини ўтказиш;

¹¹⁵ Плоггингга Швецияда 2016 йили эколог Эрик Альстрём томонидан асос солинган бўлиб, унда қатнашчилар маълум бир масофада илдамлик билан ҳаракат қилади ва йўлларида учраган чикиндини йиғиб, тезкорлик билан белгиланган жойга олиб келади. Ҳам соғлиққа, ҳам табиатга фойдали бўлгани боис ҳозир плоггинг Европа давлатларида кенг тарқалган (ekolog.uz).

олимлар ва тегишли мутахассисларни долзарб экологик муаммолар юзасидан оммабоп китоблар ва рисоалар тайёрлаш ишларига жалб этиш ва бошқалар.

Иккинчи. Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамқолиқдаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

марказий давлат ҳокимият органлари билан маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида аҳолининг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш ва табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан ваколатлар ва мажбуриятларни қатъий чегаралаб қўйиш;

давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимига тегишли ҳудудларда экологик таълим, тарғибот ва тарбия ишларининг қай даражада амалга оширилаётганлиги мезонини киритиш;

экологик ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жазо чораларининг таъсирчанлигини ошириш ва айрим экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш;

хар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган амалий тадбирларни бюджетдан молиялаштиришни таъминлаш;

аҳоли ўртасида экологик ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ва таълим-тарбия ишларини самарали олиб борадиган субъектларнинг ҳомийлигини рағбатлантирадиган шарт - шароитлар яратиш (масалан, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш) ва бошқалар.

Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги механизмларини ўз ичига олган экологик сиёсат моделини яратиш лозим:

ҳокимият – бизнес – аҳоли (танлов, технологик, ташкилий-тузилмавий тартибларнинг комплекс механизмлари);

фан – ҳокимият – бизнес – аҳоли (эксперт фаолияти, жамоат назорати, жамоатчилик иштирокини кўзда тутадиган ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар);

ҳокимият – аҳоли (жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари орқали).

Шу нуқтаи назардан, юқорида илгари сурилган масалалар ечимини топишда россиялик тадқиқотчи В.С.Мокрыйнинг қуйидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор:

«давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни тўғри ва самарали тақсимлашга имкон берадиган тизим ва механизмларни яратиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ваколатлар доирасини белгилаш;

ушбу тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш ва бошқалар»¹¹⁶.

Шунингдек, баъзи юридик адабиётларда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик масалалари бўйича бир қатор илмий қарашлар ҳам илгари сурилади. Хусусан, россиялик олимлардан бири В.Н.Якимец: «ушбу ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган ҳуқуқ нормалари тизимининг мавжудлиги;

ижтимоий ислоҳотлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнининг ошқоралиги ва назорат остида бўлиши;

ошқора танловлар ва турли хил манбалар асосида ўзаро ҳамкорликни молиялаштиришнинг турли шакл ва услублари мавжудлиги;

ижтимоий ислоҳотлар дастурлари ижроси юзасидан доимий назоратнинг олиб борилиши»¹¹⁷ каби йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайди.

¹¹⁶ Мокрый В.С. Местное самоуправление: пути становления и развития // Журнал российского права, 2002. –№10.

¹¹⁷ Якимец В.Н. Некоммерческие организации России: динамика роста, проблемы развития, место и роль в реформе социальной сферы / В кн. Гражданское общество: первые шаги / Под ред. А.Ю.Сунгурова. –СПб: Норма, 1999. –С.228

Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бевосита давлат ҳокимияти органлари, экологик жамоат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишларини тақозо этади.

Учинчи. Ҳар бир шахснинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ва ижтимоий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш.

Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш соҳасига оид иқтисодий механизмларни яратишдан мақсад жисмоний ва юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш жараёнида, яшаш ва дам олиш масканларида экологик хулқ-атворини рағбатлантиришдир.

Ишлаб чиқариш жараёнида экологик хулқ-атворни рағбатлантириш ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган бўлиши лозим:

экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқарганлик, кам чиқинди чиқарувчи технологияларни жорий этганлик ва ишлаб чиқаришда экологик маданият қоидаларига амал қилганлик учун имтиёзли солиқларни белгилаш;

табиий атроф-муҳитни соғломлаштириш тадбирларига ҳомийлик кўмагини бериб келаётган корхона ва ташкилотларга солиқ соҳасида имтиёзлар бериш;

экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчилар танловини ўтказиб бориш ва бошқалар.

Фуқароларнинг яшаш ва дам олиш масканларида экологик хулқ-атворини рағбатлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

экологик хулқ-атвор стандартларига ва талабларига риоя этиб келаётган ҳудудларнинг аҳолисига ободончилик ишлари учун олинadиган тўловлар миқдорини камайтириш;

«обод маҳалла», «обод кўча», «обод уй» номинациялари бўйича турли хил танловларни мунтазам ўтказиб бориш;

бўш вақтида атроф-худуд ободончилиги билан шуғулланadиган ташаббускор фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва бошқалар.

Шу жиҳатдан олганда, юқорида белгилаб берилган мазкур вазифаларни амалга ошириш баробарида, ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ фаолият

йўналишларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб берувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди¹¹⁸.

Тўртинчи, экологик ҳуқуқий онгни юксалтиришга қаратилган фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида илмий социологик тадқиқотларни амалга ошириш лозим.

Социологик тадқиқот ўтказишда қуйидаги муаммолар юзасидан аҳолининг муносабатини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онги ҳолати ва ривожланиш динамикаси;

аҳолининг турли қатламлари экологик ҳуқуқий онгининг ўзига хос хусусиятлари;

аҳоли турли қатламларининг давлатнинг экологик сиёсати ва уни амалга ошириш юзасидан фаолиятига нисбатан муносабати; экологик вазиятлар юзасидан ижтимоий фикр;

Ўзбекистон Экологик партияси ва бошқа экологик жамоат ташкилотларининг рейтингини;

аҳолининг экологик жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш даражаси;

экологик таълим, тарғибот ва тарбия фаолияти натижасида аҳолининг экологик ҳуқуқий онги ва фикрининг ўзгариб бориш динамикаси;

аҳолининг табиий атроф-муҳитга оид кадриятлар ва экологик қонунчилик юзасидан хабардорлик даражаси ва бошқалар.

Юқоридаги йўналишлар бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш давлатнинг ҳар бир шахс экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги сиёсатини такомиллаштиришда конструктив аҳамият касб этади.

Ушбу параграф бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, экотуризм табиий ва маданий ландшафтлар билан боғлиқ равишда ривожланади ҳамда сайёҳларни қизиқарли табиат объектлари, манзаралари билан танишишга йўналтиради;

иккинчидан, экотуризмни ривожлантиришга қаратилган қабул қилинаётган жорий қонунчилик билан бирга, ҳар бир

¹¹⁸ Мазкур ҳужжатлар ишнинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилади.

шахснинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид фаолиятни ҳам такомиллаштириб бориш ҳаётий заруратга айланмоқда;

учинчидан, шахснинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган фаолият бир нечта тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилишини кўрсатади;

тўртинчидан, шахс экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда тизимли экологик таълимнинг йўлга қўйилиши билан бевосита боғлиқ;

бешинчидан, айти пайтда, экологик ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнларини уйғунлаштириш экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш имконини беради ва экологик таълим соҳасида юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш шахснинг табиий-атроф-муҳитга ва соҳага оид қонунчиликка бўлган муносабатини тўғри шаклланишига хизмат қилади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

биринчидан, бугунги кунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини белгилаш ҳамда «табиат-шахс-жамият» тизимидаги муносабатларнинг уйғун ҳолатда ривожланишини, экология ва табиий атроф-муҳитни, табиат ресурсларини муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек, ҳар бир шахснинг қулай табиий атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бевосита боғлиқдир;

иккинчидан, шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришда ва «табиат-шахс-жамият» тизими барқарорлигида давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик механизмини такомиллаштириб бориш ва замонавий экотуризм ривожидида «Экологик кодекс», «Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш» Миллий дастурини ишлаб чиқиш ҳаётий заруратдир;

учинчидан, бугунги кунда замонавий экотуризм тараққиётида шахс экологик ҳуқуқий билимининг ривожланиш динамикасига таъсир этувчи ижтимоий омилларни, ривожлантириш мотивлари, ҳаракатлантирувчи механизмлари ва тенденциялари ҳақидаги муқобил илмий таълимотлар, экотуризм тараққиётини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг усул-воситаларини аниқлашда муҳим илмий асос ҳисобланади;

тўртинчидан, экотуризм табиий ва маданий ландшафтлар билан боғлиқ равишда ривожланади ҳамда сайёҳларни қизиқарли табиат объектлари, манзаралари билан танишишга йўналтиради;

бешинчидан, бугунги кунда экологик ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнларини уйғунлаштириш экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш имконини беради ва экологик таълим соҳасида юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш шахснинг табиий-атроф-муҳитга ва соҳага оид қонунчиликка бўлган муносабатининг тўғри шаклланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган таҳлиллар ва кузатув натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот доирасида экотуризм тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши бўйича илгари сурилган ёндашувларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, умумийлик ва ўзига хосликларни аниқлаш орқали экотуризмни ривожлантириш зарурати мавжуд.

2. Экотуризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айлантиришда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва сайёҳларни кўпроқ табиий объектлар, яъни тоғлар, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ғорлар, шаршаралар, чўл ва адирларда юзага келган ноёб ландшафтлар жалб қилишини ҳисобга олиб, ушбу йўналишлар бўйича экотурларнинг янги имкониятларини ўрганиб чиқишни ва янада кенгайтиришни тақозо этади.

3. Жамият тарихий тараққиётидан маълумки, инсон доимий равишда табиатни англашга, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Бу жараён бевосита бугунги замонавий экотуризмни ривожлантириш йўлида шахс экологик ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги ишларда ҳам намоён бўлмоқда.

4. «Хи-квадрат критерий» методи орқали тадқиқот мақсадини очиш – экотуристик манфаатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

5. Математик методлар орқали хавфсиз ахборотларни селекция қилиш имконияти мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида шахс экологик ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган амалий ишлар режасининг «ҳаракатлантирувчи механизми» ҳисобланади.

6. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш, табиий ресурсларни муҳофаза қилишни таъминлаш, ҳар бир шахснинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бевосита боғлиқдир.

7. Бугунги кунда экологик ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнларини уйғунлаштириш экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш имконини беради ва экологик таълим соҳасида юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш шахснинг табиий-атроф-муҳитга ва соҳага оид қонунчиликка бўлган муносабатининг тўғри шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда замонавий экотуризмни ривожлантиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини фалсафий-методологик таҳлил этиш натижасида куйидаги илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Экотуристик объектлар кўламини ошириб бориш ва уларга аҳолини жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.

2. «Табиат-шахс-жамият» тизими барқарорлигини таъминлашда ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик механизмини такомиллаштиришга қаратилган «Экологик кодекс» ва «Шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш» Миллий дастурларини ишлаб чиқиш.

3. Чўлларда, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ободонлаштириш, хусусан, кўкаламзорлаштириш (Яшил ҳудуд, Яшил макон), сув

билан ишлайдиган экологик тоза ишлаб чиқариш мосламалари (мини ГЭС, сув тегирмони, ёғ жувози ва ҳ.к.) бунёдкорларини рағбатлантириб бориш тизимини ишлаб чиқиш.

4. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хориждан пластик чиқиндиларни қайта ишлаш учун автоматик тарзда саралайдиган аппаратларни босқичма-босқич харид қилиб бориш.

5. Жамиятнинг ижтимоий бошқарув органларида «Яшил патруль» (бошқача тарзда ҳам номланиши мумкин) гуруҳларини ташкил этиш.

6. Йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида чўлларда, адирларда ва тоғли худудларда «Тирик табиат музейлари»ни ташкил этиш ишларини янада кенгайтириш.

7. Экотуризм соҳасида янги касбларни (эко-гид, эко-тьютор ва бошқа) жорий этиш.

8. Экотуризмни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот марказларини очиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I Бўлим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2021. –Б. 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси –Т.: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2022 й. –Б. 784.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон «Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.12.2018 й., 09/18/978/2270-сон; 12.12.2019 й.,

- 09/19/981/4136-сон; 07.07.2020 й., 09/20/425/1034-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.11.2021 й., 09/21/694/1075-сон; 13.01.2022 й., 09/22/18/0019-сон; 21.05.2022 й., 09/22/278/0439-сон).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
 5. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 декабрь, ПФ-4861-сон.
 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони. 2019 йил 17 январь, ПФ-5635-сон.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №6. 70-модда; – №20. 354-модда – №23. 448-модда; – № 37. 982-модда).
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2021 й., 06/21/6155/0082-сон;).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 07/21/76/1231-сон).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 апрелдаги 80 (6774)-сони.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. –№1. –38-модда
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 3-сон, 88-модда.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // president.uz/uz/lists/view/1227.
18. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Ж. 2. – 508 б.
19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
20. Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.– 592 б.
21. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Халқ сўзи, 2016 йил 19 октябрь, № 206 (6641).

22. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б.19-20.
23. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – 464 б.
24. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 18.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент, -1997. 6-том. – 326 б.
26. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь, №20(3565).
27. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. – 29 б.
28. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. Ж. 6. – 429 б.
29. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. Ж. 7. – 413 б.

II Бўлим. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

1. Menbere IP, Admassu F (2020) Challenges and opportunities for ecotourism development: A case study in dilla university botanical and ecotourism garden, South Ethiopia. *Glob J Ecol* 5(1): 154-163. DOI: <https://dx.doi.org/10.17352/gje.000035>
2. Stapp W.M. The Concept of Environmental Education // *The Journal of Environmental Education*. – 1969. – № 1. – P.32.
3. Tuğba Kiper, «Role of Ecotourism in Sustainable Development» Namık Kemal University, -Turkey, 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/55749>

4. Абдуллабеков Қ. Экологиянинг глобал ва локал муаммолари // Экология хабарномаси, 2016. № 11 (187). – 14 б.
5. Аманов Г.А., Абдуллаев Т.Б. Воспитание экологического сознания и экологической культуры у молодёжи // Молодой учёный. Россия: Молодой учёный, 2018. № 22 (208). – 85-87 ст.
6. Айматов А. Шахснинг табиатга экоэстетик муносабатини шакллантириш масалалари. Монография. – Т.: Fan va technology, 2017. – 225 б.
7. Алымов А.К. Қорақалпоғистон республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари: Иқт. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. – Нукус: ҚҚДУ, 2019. –152 б.
8. Андреева Ю.А. Человек, природа, общество в современной прозе. - Ленинград.: изд-во Ленинград, 1981, -С. 47.
9. Ахмедов А.А. Экологик назоратнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 2011. – 22 б.
10. Berdimuratova A.K. Muxamadiyarova A. Global qa'wipsizlik sistemasi'ndag'i' Wo'zbekstan Respublikasi'ni'n' ekologiyali'q qa'wipsiligi ha'm civiliaciyali'q rawajlani'w jol'. –No'kis: Qaraqalpaqstan, 2012. –165 b.
11. Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки (туристов) Издательский дом Герда, 2007 – 528 с.
12. Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. –Қарши, 2006. –41 б.
13. Буйленко В.Ф. Туризм Ростов на Дону: Феникс, 2008.- 41с.
14. Бучило Н.Ф., Чумаков А.Н. Философия: учебное пособие. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – С. 348.
15. Вершок И. Л. Теоретические проблемы формирования экологического правосознания: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск, 2004. – 20 с.
16. Вершок И.Л. Об экологическом правосознании // Государство и право, 2003. – № 3. – С.42.

17. Гаппаров А. Экологик туризмни ривожлантиришнинг максади, унинг hozirgi кундаги ҳолати // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special. – Urganch, Issue – 3 (2021) / ISSN 2181-1415. –Б. 353.
18. Гергиев И.Э. Актуальные проблемы устойчивого экономического роста России. LAP (LAMBERT Academic Publishing). Omni Scriptum GmbH&Co. KG Bahnhofstrasse 28, 66111 Saarbrücken, Germany, 2017.
19. Гергиев И.Э. Экотуризм как фактор устойчивого развития регионов России // Вопросы управления. 2019. № 3 (39). С. 104—112.
20. Глобализация и институциональная модернизация экономики России: теория и практика: монография / Под общ. ред. В. В. Бондаренко, Е. М. Щербакова, Н. В. Колгановой, Т. В. Харитоновой. М.: Прометей, 2019.
21. Головистикова А.Н. Правосознание и правовая культура. / Проблемы теории государства и права. – Москва: Изд. ЭКСМО, 2005. – С.660-661;
22. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқалар. –Тошкент: «Sharq», 2009. – Б.297-298 (592).
23. Джобава Н.А. Экологическое правосознание // Санкт-Петербург, 2013. – С. 222.
24. Дмитриев Ю.А. Правосознание и правовая культура // Теория государства и права / Под. ред. А.С.Пиголкина. – Москва: Юрайт-Издат, 2006. –С. 548.
25. Дмитрук О.Ю. Экологик туризм: Современные концепции менеджмента и маркетинга, Учебное пособие. -2-е издeлия., М.; «Альтерпресс», 2004.-192 с.
26. Дорофеева Л.В., Олейникова А.В. Перспективы развития экотуризма на территории Российской федерации. Друкеровский вестник. Санкт-Петербург, -Россия, 2021. -№ 3. –Ст. 120.
27. Дуглас Уильям О. Трехсотлетняя война. Хроника экологического бедствия: Пер. с англ. –М., 1975. –С.238
28. Дудоров В.В. Формирование эколого-правового сознания старшеклассников в общеобразовательной школе: Дис.

- ...канд. пед. наук. – Магнитогорск: Магнитогорский государственный университет, 2006. – 188 с.
29. Дўстмурод Норкулов, Юлдаш Махмудов. Мустақил Ўзбекистон: маънавий нгиланиш ва ҳуқуқий онг / Ўзбекисто Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ноширлик бўлими. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2011. 101 б.
 30. Ёкубжоновна Х.Ё. Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Иқт. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. –Наманган, 2021. – 62 б.
 31. Жаҳон туризм ташкилоти // www.unwto.org/ru
 32. Жуманиязова Ш.Р. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // «Iqtisodiyiy va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. –Т. 2021. -№3. –Б. 378-385.
 33. Зорин И.В. Кварталнов В.А. Туризм энциклопедияси. -М.: 2003. –Б. 167.
 34. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.30-31.
 35. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Адолат, 2007. –Б.537.
 36. Исмоилова Д. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирларни оптималлаштириш муаммолари // Экология хабарномаси. 2014. №4.(156). 10-б.
 37. Йўлдошев Ж.Ф. Таълимга инновацион ёндашув // «Халқ таълими», 2014, 3-сон. – Б.14.
 38. Карнеги Д. Иқрорлик – мағлубият эмас. Санъат журнали. Т.: 2009. 28-б.
 39. Кекушев В.П. Сергеев В.П., Степаницкий В.Б. Основы менеджмента экологического туризма, М.; Издательство МНЭПУ, 2001 - 60 с.
 40. Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностр.и нац. слов», 1958.- 404 с.
 41. Кучко Е.Е. Социология инноваций // Белгосуниверситет. Право и экономика, – Минск, 2009. –С.340.
 42. Лебедева С.А., Паткина Е.В. Барьеры развития экологического туризма и пути их преодоления //

- Экономика, предпринимательство и право. – 2021. – Том 11. – № 5. – С. 1271-1288.
43. Лукичев А.Б. Краткий очерк истории экотуризма // Российский журнал экотуризма. 2013. № 5. С. 36-37.
 44. Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2010. –53 б.
 45. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2012. – 232 б.
 46. Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. – Т.: НУР, 1993. – 141 б.
 47. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати / Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир хайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 448.
 48. Миронова Г.Л. Ҳаммуаллифлар жамоаси. Экотуризм ва инсон саломатлиги. Монография. -Россия, Екатеринбург. 2013. –Б. 290.
 49. Мокрый В.С. Местное самоуправление: пути становления и развития // Журнал российского права, 2002. –№10.
 50. Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 99 б.
 51. Нажимов М.К. Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда экологик-ҳуқуқий онгнинг ўрни // Yuridik fanlar axborotnomasi. – Тошкент, 2018. -№ 1. Vol. 2. – Б. 1-6.
 52. Нигматов А.Н. «Экотуризм ва унинг географик хусусиятлари» (Наманган вилояти мисолида). Монография. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2019. –Б. 148.
 53. Одум Ю. Экология. – Москва. 1986. С.234.
 54. Отамуродов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ» маркази, 2002. – 87-88-б.
 55. Пардаев О.М., Аблаилов А.А. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларида экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш стратегияси // «Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда табиий ва этнографик

- ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. (2019 йил 13-14 ноябр), Самарқанд – 2019 йил, 101-бет.
56. Педагогик атамалар луғати. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. – Т.: 2008. – Б.64.
 57. Пивоваров А.О., Шевчук В.П., Ливченко Е.Н. Вклад экотуризма в охрану природы // Успехи современного естествознания. – 2014. – № 12- –С.78-82;
 58. Пименова Е.Л. Экологический туризм: учебно-методическое пособие для студентов бакалавриата направления «Туризм». - Ижевск: Издательство «Удмуртский университет», 2012. - 78 с. (С. 11).
 59. Саййид Мубашшир Тарозий Соф табиат дини / Тарж. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Nilol-nashr, 2019. – Б.43.
 60. Саломова Ҳ.Ю. Ижтимоий экология асослари. – Тошкент.: Fan va texnologiya, 2004, 47-48- б.
 61. Соколова Л. Общественное экологическое движение активно развивается // Зеленый Мир, 2002. –№7-8.
 62. Тишков А.А. ООПТ России и мира // География, 1993. - №13-14 - С.2-3.
 63. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.-Т.: «Чинор»,2006.-С.18.
 64. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2-китоб, -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 212.
 65. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 367.
 66. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т.2. / З.М.Маъруфов тахрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – Б.130.
 67. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. –Б. 164.

68. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 639.
69. Ушаков А.А. Право субъективный образ объективного мира. // Правоведение. 1973. –№2. –С.97; Комментарий к Конституции Российской Федерации. Изд. 2-е, дополненное и переработанное. –М: Издательство БЕК, 1996. – С.125.
70. Философия. –М.: Юрист, 2002. –Б. 246.
71. Философский энциклопедический словарь / Редкол.: С.С.Аверинцев, Э.А. Араб-Оглы, Л.Ф.Ильичев и др. 2е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1989 – 815 с.
72. Хамидов О.Ҳ. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. –Тошкент, 2015. -№ 2. –Б. 1.
73. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2016. - 203 бет. (Монографияда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг методологик асослари ишлаб чиқилган.)
74. Хамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш: Иқт. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. – Самарқанд, 2017. –67 б.
75. Храбовченко В.В. Определение и видовой состав экотуризма: мировой опыт и российская специфика // Туризм, экология и устойчивое развитие регионов: Материалы международной научно-практической конференции. - Тверь: ТвГУ, 2003. - с. 343-345.
76. Ж.Т.Холмўминов, Н.Б.Шоимов, О.А. Камалов, О.Ж.Холмуминов. Экология ҳуқуқи: Дарслик / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 10-б.
77. Ҳамдамова А. Экологик хавфсизлик моҳияти // Тафаккур, 2010. 3 сон. – 115 б.
78. Цель 12: Обеспечение перехода к рациональным моделям потребления и производства. Доклад о Целях в области устойчивого развития, 2018 год. Организация Объединенных Наций. Нью Йорк, 2018. – С. 26.

79. Ш.Отабоев, С.Мирвалиев ва Э.Турсунов – Экологияда маданият ва маънавият муаммолари.Т.: «Нишон ношир» нашриёти, 2009 й., 257-б.
80. Эгамбердиев Ф.Т. Ёқубжонова Х.Ё. Экотуризмнинг иқтисодий моҳияти ва уни такомиллаштириш масалалари // Иқтисодий ва инновацион технологиялар илмий электрон журналы. –Тошкент, 2018. -№ 3. –Б. 3.
81. А.А.Эштаев Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида): Иқт. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. –Самарқанд, 2019. –16 б.
82. Юнусов К. Экологик маданиятнинг юксалишида нодавлат ташкилотларнинг иштироки. Миллий ғоя-юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи. Миллий ғоя - илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. Учинчи китоб. –Андижон, 2010, -155 б.
83. Куёшни тўсиб қўйманг. Файласуф олима Шахноза Қаҳҳорова билан суҳбат // Тафаккур, 2015. № 4. – 11-12 б.
84. Қуронов У. Жаҳон экологик ҳаракати ва Ўзбекистон // Тафаккур. 2011 №1. 113-114-б.
85. Ядов В.А. Идеология как форма духовной деятельности общества. –Л.: ЛГУ, 1961. –С.20-21;
86. Язданов У.Т. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари. –Т.: NISHON-NOSHIR, 2015. –140 б.
87. Якимец В.Н. Некоммерческие организации России: динамика роста, проблемы развития, место и роль в реформе социальной сферы / В кн. Гражданское общество: первые шаги / Под ред. А.Ю.Сунгурова. –СПб: Норма, 1999. –С. 228.

III Бўлим. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

88. Anup K.C. Ecotourism and Its Role in Sustainable Development of Nepal <http://dx.doi.org/10.5772/62308>
89. Miller K. Planning national parks for ecocodevelopment: Cases and methods from LatinAmerica. Vol. I and Vol. II. Ann Arbor,

- MI: University of Michigan, School of Natural Resources, Center for Strategic Wildland Management Studies, 1987.
90. Ceballos Lascurain H. The Future of Ecotourism // Mexico journal. 1984. –P. 13-14.
 91. Evans-Pritchard, D. and Salazar, S. (1992), «What is Ecotourism?» Eco-Institute of Costa Rica and ULACIT
 92. Hamidov O.H., Norchaev A.N. Ekoturizm. - Darslik. – T.: TDIU, 2011. - 138 b.
 93. Harshavardhan Reddy Kummitha Doctor of Philosophy dissertation on «Social entrepreneurship and Ecotourism: the role of social entrepreneurs in Ecotourism Sustainable Development». Kaposvar university, - Hungary, 2019.
 94. Mayra Sanchez Morgan, Doctor of Philosophy dissertation on «Ecotourism and Women's Empowerment: A Case Study in Quintana Roo Mexico» Michigan Technological University, 2019. <https://doi.org/10.37099/mtu.dc.etdr/971>
 95. Атроф-мухит ва ривожланиш бўйича Рио-де Жанейро Декларацияси. <http://www.un.org>
 96. Закон Российской Федерации «Об охране окружающей среды» // <http://kommentarii.org/ooc/-page89.html>
 97. Адилова М.Т. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари -Т.: ТДИУ, 2020 - 35 б.
 98. Зиёмухамедов Б. Экология ва маънавият. – Т.: 1997. – 7 б.
 99. А.Н.Норчаев, Э.Т.Раббимов. Экологик туризм. –Ўқув кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010 й. -152 б.
 100. Пардаев М.Қ. Экологк туризм асослари. Ҳаммуаллифлар: Р.А.Исломова, А.Қ.Ғаппаров, Ж.Н.Абиев –Тошкент: Наврўз, 2015. – 96 б.
 101. Словарь иностранных слов. – 12-е изд, стретип. – М: Рус.яз., 1985. – С.15.
 102. Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. М.: Прогресс 1996, -с.396.
 103. Халилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳукукий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.12.

104. Холмўминов Ж.Т. Н.Б.Шоимов, О.А.Камалов, О.Ж.Холмуминов. Экология ҳуқуқи: Дарслик / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 257;
105. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/8193/>
106. <https://lex.uz>
107. president.uz
108. Ekolog.uz
109. http://gtk.ke.hu/tartalom/doktori/HARSHA_outline_of_the_research_last_version_tezis.pdf
110. <http://lesnoytur.ru/teoria/ecodefine.html>
111. <http://www.ecotourism.org> (The international ecotourism society), <https://www.canada.ca/en/environment-climate-change/corporate/international-affairs/partnerships-countries-regions/europe/canadian-environment-domestic-advisory-group.html> (CEDAG).
112. <http://worldcat.org/identities/lccn-n50035361/> (Canadian Environmental Advisory Council).
113. <https://www.iucn.org/> (IUCN).
114. <https://www.worldfootprints.com/guest/dr-kelly-s-bricker/> (Kelly Bricker).
115. <https://scholar.google.ru/citations?user=V6jfAocAAAAJ&hl=ru>
116. <https://www.intechopen.com/profiles/135574>
117. [https://www.yumpu.com/en/document/view/22018363/center-for-ecotourism-and-sustainable-development-florida-\(Center-for-Ecotourism-and-Sustainable-Development\)](https://www.yumpu.com/en/document/view/22018363/center-for-ecotourism-and-sustainable-development-florida-(Center-for-Ecotourism-and-Sustainable-Development)).
118. <https://studfilosed.ru/leksi-po-filosofii/539-globalnye-ekologicheskie-problemy-sovremennosti.html>
119. <https://www.nkj.ru>
120. <https://moluch.ru>
121. <https://ru.wikipedia.org>
122. <https://center-yf.ru>
123. eco.Uz/uz/kutubkhona/ foydali-adabiyotlar/ 346-ekoturizm-va-O'zbekistonda-uning-kelajak-istiqbollari.